Ў378
Р-86

Д.И.РЎЗИЕВА

# ТАЛАБАЛАРДА МИЛЛИЙ ИФТИХОР ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

«ФАН»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ДИЛЬНОЗ ИСОМЖОНОВНА РЎЗИЕВА

# ТАААБААРДА МИЛЛИЙ ИФТИХОР ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

ТОШКЕНТ
Узбекиетон Республикаси Фанлар академияси
"Фан" нашриёти
**2007**

Мазкур монографияда Узбекиетон Республикаси Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйгусини шакллантириш муаммосига бағишланган илмий изланишнинг мох.ияти ёритилган. Унда миллий ифтихор тушунчаси, унинг мох.ияти, талабаларда миллий ифтихор туйгусини шакллантиришнинг ижтимоий психологик хусусиятлари, ушбу жараённи ташкил этишнинг шарт-шароитлари, амалий мазмуни - талабаларда миллий ифтихор туйгусини шакллантиришнинг омиллари, шакл, метод ва усуллари, воситалари, муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари хусусида сўз юритилади.

Монография олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалари, илмий-тадқиқотчилар, малака ошириш тизими тингловчилари ва ходимлари учун мўлжалланган.

Масъул мухаррир: филология фанлари доктори,
профессор Г.Ҳ.БОКИЕВА

Тақризчилар: педагогика фанлари доктори,
профессор О.МУСУРМОНОВА,
педагогика фанлари доктори
Ф.Р.ЮЗЛИКАЕВ,
фалсафа фанлари доктори
М.ЖАКБАРОВ

Узбекиетон Республикаси ФА
"Фан" нашриёти, 2007 йил.
18В № 978-9943-09-059-0

## СЎЗ БОШИ

Турли халқ, миллат ҳамда элатларнинг ўзлигини англаши уларнинг мустакиллиги, эркини кафолатловчи мухим шарт саналади. Бинобарин, миллий ўзликни англаш ана шу халқ, миллат ва элатларнинг кишилик жамиятидаги ўрни ва мавкеининг белгиланишини таъминлайди. Миллат вакилларинииг миллий ғурур ва ифтихор туйғусига зга бўлишлари уларнинг миллий ўзликларини англашларига бошланғич асосдир.

Мустақиллик йилларида республика ижтимоий—сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлашга бўлган эҳтиёж сезилди. Бу эҳтиёжни қондириш омилларидан бири—аҳоли, шу жумладан, ёшларда миллий ифтихор туйгусини шакллантиришдир. Зеро, миллий ифтихор туйғусига эга бўлган инсон юрт мустақиллиги, халқ озодлиги йў.лида кураша олади. Шу боис сўнгги йилларда таълим муассасалари, шунингдек, олий ўқув юртларининг талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Миллий туйғунинг ёшларни Ватан учун фидоий инсонлар этиб тарбиялашдаги беқиёс аҳамиятига тўхталиб ўтар экан, Узбекиетон Республикаси Президента И.А.Каримов куйидагиларни таъкидлайди: "Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота—оналардан мерос қилиб олинган ва бола уз ота—онасига, бугун дуиёга айтган биринчи сўзида ифодаланади. Ўз халкига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини, миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок

килувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас"[1].

Ёшларнинг миллий ифтихор туйғусига эга бўлишлари уларнинг халқ, миллат ва катан тарихини чукур билишлари, аждодларга муносиб авлод бўлиб вояга етишларини таъминлаш билан бирга, ватанпарвар инсонта хос мухим маънавий-ахлоқий сифатларни намэён эта олишлари учун хам шароит яратади. Зеро, ватанпарвар инсонни тарбиялаб вояга етказиш ресиубликада амалга оширилаётге.н ижтимоий тарбилнинг асосий мақсади этиб белгиланган. Ватанларварлик миллий ўзликни англаш негизида шаклланувчи маънавий — ахлоқий сифатлардан бири эканлигига эътиборни қаратган холла Республика Президента И.АКаримов куйидаги фикрларни илгари суради: "Узбекиетон фуқаросининг ватанпарварлиги - бу қсйта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чикмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир, Ўзбекистонга, унинг ерига, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга мухаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, республиканинт қудрати ва ютукларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли Узбекиетон жамиятининг мухим жипслаштирувчи асоси ҳисобланёди"[2].

"Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"[3]да таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмиш мафкуравий қаранзларидан тўла халос этиш, ривожланган демократак давлатлар даражасидаги юксак маънавий — ахлоқмй талабларга жавоб берадиган, юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш асосий мақсад қилиб қўиилган. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизимининг инсонни

' Каримсв И.А. Узбекиетон: миллий истиклол, иктасод, си«сат, мафкура. 1-том. - Тошкснт. Узбекиетон, 1996. 84-бет.

" Уша асе.р. 83-бет.

Каримсв И.А. Баркамол авлод - Узбекиетон тараккиётининг гюйдевори. - Тошкент: Шарк, 1997. - 31-60-бетлар.



интеллектуал ва маънавий — ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш имкониятларига таяниш мақсадга мувофиқлигини ифода этиб, ҳар томонлама баркамол шахс - фукарони шакллантиришни назарда гутади.

Дастурда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларидан бири шахс эканлигига урғу берилиб, "шахс — кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекта ва объекта, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи"[1] эканлиги ва давлат томонидан шахени тарбиялаш, уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланиши кўрсатилган.

Узбекиетон Республикаси Президента И.А.Каримов «Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътақоди ва буюк келажакка ишонч» номли асарида кенг жамоатчилик, олим, шоир ва ёзувчилардан мафкура масаласига. жиддий аҳамият беришни талаб этиб, олдимизда турган энг мухим масала - бу миллий истиклбА мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш эканлигини таъкидлади. Миллий истиклол ғояси ва мафкураси негизида ёшлар, жумладан, талабаларни аждодларга, уларнинг' турмуш тарзи, эъти]$одлари ва ҳаётий ёндашувларига муносиб этиб тарбиялаш ғоялари ётади.

Олий таълим муассасалари олдига ғўйилаётган ижтимоий талаблар талабаларни халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятлар асосида тарбиялашни тақозо қилади.

Истиқлол мафкураси миллий ғурур, миллий қадрият, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик туйғуси заминида шаклланган ватанпарварликни ҳам ўз ичига олади. Ёшларда Ватанга бўлган муҳаббат, у билан фахрланиш қанчалик кучли бўлса, уни севши, юксак даражада эъзозлаш ҳисси кучайса, ҳар бир инсон ўз ватани тарихи, миллий тил, маданият, урф —одатлар, анъаналар ҳамда қадриятларнинг моҳиятини чукур англаса, миллат

[1] Ўша китоб, 144-бет.

тақдири ва истиқболи ҳақида қайғуриш туйғусига эга бўлса, мустақиллик шунчалик муетахкам ва барқарор бўлади.

Ҳозирги даврда мустақилликни мустахкамлаш, истиклол сари ишонч билан боришда шахс маънавиятини шакллантириш масаласи асосий йўналишлардан ҳисобланади. Етук маданиятли инсоигина истиқлол мафкураси ғояларини ўзлаиггириб, уларга қагьий амал қилган ҳолда ижтимоий фаолиятни амалга оширади. Миллат маънавиятини тиклаш ва ривожлантиришда миллий онг, тил ва маданият етакчи ўрин тутади. Улардан самарали фойдаланиш талабаларда миллий ҳис—туйғу, ғурур ва ифтихорни ўстириш, шунингдек, миллий ўзликни англаш туйғусини шакллантиришга хизмат қилади.

Миллий ғурур шахснинг муайян миллатга мансублиги, унинг миллий этнопсихологик хусусиятлари ҳамда ушбу миллат томонидан жахон маданиятига қўшилган ҳиссадан фахрланиш ^йғусидир[1].

Миллий ифтихор эса — муайян миллатга мансублик ва ушбу миллат томонидан жаҳон маданиятига қўшилган ҳиссадан фахрланиш, шунингдек, ўзи мансуб бўлган миллатга садоқатли бўлиш ҳиссини туйиш ва бу йўлда амалий фаолият кўрсатишдан ибс!ратдир[2].

Миллий ўз—ўзини англаш — бу шахс томонидан миллий мансублик, ушбу миллат томонидан жахон маданиятига қўшилган ҳиссадан фахрланиш у мансуб бўлган миллатга хос ва ижобий характер касб этувчи этнопсихологик хусусиятлар, миллий қадриятлар ва улар мазмунида илгари сурилган ғоялар моҳиятини тушуниш ва уларга мувофиқ ижтимоий фаолиятни таикил этиш: жараёни демак[3].

Узбек халқининг маънавиятида миллатнинг ўтмиши, ҳозирги куни ўз ифодасини топган. Мустақил

[1] Фалоафа. Қомусий луғат. - Тошкент: Шарк, 2004.-271-бет

[2] Ўша китоб. 267-бет.

[3] Ўша **кяггб.** 271-бет.

Узбекиетон маданиятнинг барча йўна,\ишларида жаҳоншумул кашфиётларни ярата олган минглаб аллома\арни етиштириб берган ўлка ҳисобланади. Улар умумбашарий аҳамиятга эга маърифатв:инг шаклланишига ўзларининг муносиб хиссаларини қўшганлар. Шунинг учун хам узбек миллий — маънавий мероси жаҳон маданиятининг ажралмас қисми, узвий бўлагидир.

Марказий Осиёда яшаб ижод этган буюк алломаларнинг шахс камолоти ва уни таъминлаш тўғрисидаги қарашлари замонавий босқичда жаҳон таълими учун мухим асосдир. Миллий педагогик кадриятларни мавжуд шароитда демократик қадриятлар билан уйғунлаштириш, таълим мазмуғ[ига инсонпарварлик ва демократик ғояларни сингдириш, ўқув жараёнига илғор технологияларни татбиқ этиш, таълим—тарбия еамарадорлигини ошириш — давр талабидир. Шу сабабли, Узбекиетон Республикаси мустақил давлат мақомига эга бўлгандан кейин, истиклол талаблари, қурилажак ҳуқуқий демократик давлат, адолатли, инсонпарвар жамиятга мое кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек ха\қи мустақилликка эришгани туфайли ўгмиш авлодлар қолдирган бой маънавий—маданий меросни ўрганиш ва қайта тиклашга мушарраф бўлмоқда.

Фан ва маданият намояндаларининг асарлэрида ифодаланган маънавий — ахлоқий ғоялар ҳам инсонлар рухияти ва маънавияти тараққиётида, ёшлефда эзгулик ва ифтихор туйғусининг ривож топишида мух;им восита бўла олади.

Талабаларда аждодлар, шунингдек, бугунги давр қаҳрамонларининг фаолияти, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, маданияти, санъати, фан—техника, ишлаб чиқариш соҳаларида эришилаётган юту]^лари билан фахрланиш, ғурурланиш, ифтихор этиш туйғусини қарор топтириш узлуксиз таълим тизими олдига қўйилаёт]ан муҳим ижтимоий вазифалардандир.

"Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"[1] нинг кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг мухим омиллари кўрсатиб берилтан учинчи бандида миллий ўзликни англашыинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой: миллий — маданий ва тарихий ант>аналарга, халкимизнинг интеллектуал меросига ҳурматни қарор топтириш лозимлиги алоҳида таъкидланган.

Мазкур дастурни хаётга изчил татбиқ этиш — талаба — ёшларда миллий ифтихор туйгусини шакллантиришнинг недагогик асосларини яратиш ўз ечимини кутаётган долзарб муаммо эканлигини кўрсатмоқда.

[1] Каримов И.Л. Баркамол авлод- Узбекиетон тараккиётининг пойдевори- Тошкент: Шарк, 1997.-51-бет.



# 1-БЎЛИМ. ТАЛАБАЛАРДА МИЛЛИЙ ИФТИХОР ТУЙГУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

## Ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш -иедагогик муаммо сифатида

Бугунги кунда халқаро муносабатларнинг барқарорлашувида мустақил давлатлар томонидан илгари сурилаётган ғоявий қарашлар етакчи ўрин тутмоқда. Мафкуравий ғоялар кураши, мафкуравий Тсгъсирларнинг тобора кескинлашуви мустакил давлатлар тараққиётига зиён етказишинипг олдини олиш бугунги куннинг долзарб муаммосига айланмоқда. «... Мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима қилиш керак?

Бунинг йўли — одамларимиз, авваламбор ёшларимизнинг иймон — эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустакил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота — боболарнинг муқадлас қадриятларини асраб — авайлаш ва ҳурмат килиш фазилатини қарор топтириш. Уларнинг, мен узбек фарзандиман, деб, ғурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир»[1].

Узбекиетон Республикаси Президента И.А.Каримов Олий Мажлиснинг VIII сессиясида қилган маърузасида ўн икки йил давомида жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг самарадорлиги ёшларда Ватан истиқболи ва миллат, халкнинг эртанги кунига бўлгаи ишончни қарор топтиришга хизмат қилишини таъкидлаб шундай дейди:

Каримов И.А. Миллий исгикдол мафкураси - халк эътикоди ва буюк келажакка ишонч// Озод ва обод Ватан, эркии ва фаровон хдет-пировард максадимиз. 8-том. Тошкент- Узбекиетон, 2000. - 494-бет. . . . . .

«Биз бугун ўзининг кучи ва салоҳиятига ишонган, ўз меҳнати, ғайрат — шижоати билан халқаро майдонда обрў—эътибор қозонган, эртанги кунга ғурур ва ифтихор, катта ишонч билан қараётган халқнинг вакиллари, шундай мард ва танти халқнинг фарзандларямиз.

Мана шундай олижаноб туйғулар> билан, тарих олдида, халкимиз олдида ҳамиша катта масъулият билан яшаш ҳаммамизнинг кундалик ҳаётимиз ва онгу шууримиздан теран жой олишини истардим.

Бизнинг эндиги вазифамиз — мана шу йўлдан оғишмай, бошланган ислоҳотларни янада чукурлаштириб, пировард натижага етказиш ва "Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!" деган шиорни амадда рўёбга чиқаришдан иборат»[1].

Олий таълим муассасаларининг талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантириш муаммоси ижтимоий характерга эга. Бинобарин, талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш уларни Ватан равнаки, юрт ободлиги ва халқ фаровонлиги йўлида ф|Идокорона меҳнат килишга ундайди. Шунингдек, талабаларда ўзи яшаётган жамиятда тинчлик ва хавфсизликнинг барқарор бўлиши йўлида курашиш, турли миллат ва элатга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро иноқликнинг қарор топишига ўз улушини қўшишга интилиш кўникмаларининг шаклланиши ҳамда миллат вакили сифатида ўз ғ;адр - қимматини англаб етишларини таъминлайди.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларидагина миллий туйғу ва унинг моҳиятини ўрганиш сари илк қадамлар қўйилди. Масалан, Н.Жандильдин миллий психология мокиятини таҳлил этар экан, миллий туйғу ва унйнг психологик хусусиятларини ёритишга уринди. Унинг фикрича, «Миллий туйғу

Каримов И.А. Янгиланиш ва ўзгаришлар карайни ортга кайтмайди.// Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмок кегак Тошкен! Узбекиетон, 2002. 10-том. 328-бет.



нафақат ўз халқи, балки бошқа миллатларнинг инсоният турмуш тарзи ўзгариши билан ривожланадиган инсон руҳиятининг ўзига хос кўриииишларининг мураккаб мажмуидир. Бу ўзгаришлар халқнинг тақдири, ғурури ва ифтихорига бевосита ёки билвосита таъсир қилади, унинг тарихдаги ўрни ва бошқа миллатлар билан муносабатларида акс этади»[1].

Бизнинг фикримизча, ]^.Жандильдин миллий туйғунинг ижтимоий детерминизм, яъни табиат, жамият ҳодисалари ҳамда инсон иродаси, ҳулқ-атвори қонуниятларининг ўзаро таъсири, алоқадорлигини гўғри кўрсатади.

Шахсда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш масаласи бугунги кунда умумбашарий муаммо сифатида эътироф этилмокда. Кейинги йилларда жаҳон оммавий ахборот воситаларида ана шу масалага оид материаллар тез-тез бериб борилмоқда.

Миллий ифтихор туйғуси миллий мансубликни ифода этишга хизмат қилади. Манбаларда миллий туйғу, миллий мансублик миллий ўз — ўзини англашдан ҳосил бўлиши, унинг негизида ўз миллати, анъаналари, урф - одатлари, маданияти, турмуш тарзи, миллий — маънавий қадриятларга мустаҳкам боғланганлик акс этиши, умумий майдонга эгалик қиладиган, бир хил ҳаёт кечирадиган, бир тилда сўзлашадиган инсонларнинг этник бирлиги негизида шаклланишига урғу берилади.

Миллий ифтихор туйғуси миллатчилик эмас, балки унинг антоними бўлган ижобий инсоний фазилат ҳисобланади. Зеро, миллатчилик асосида: 1) маълум миллатни барча миллатлардан кўр — кўрона устун қўювчи этнопсихологик йўл — йўриқлар мажмуаси; 2) шовинистик кайфиятдаги сиёсий ғоялар тизими; 3) этник бузғунчилик,

[1] Жанлильдин Н. Природа национатыюП психологин. - Алма-Ата: 1971 -С

шовинистик ғояларга асосланувчи жамоатчилик ҳаракати акс этади[1]. Миллатчилик ижобийдан салбийга томон ривожланиб борувчи қуйидаги сифатларга асосланади: Ватан учун жон фидо этиш, миллат ҳаёти ва тақдири учун жонкуярлик, экстремал кўринишдаги милитаристик, шовинистик, ва ҳатто фашистик. ғояларда ҳам намоён бўлиши мумкин. Миллатчилик психологияси миллий психологиядан мустақил ҳолда ёки ўз — ўзидан пайдо бўлмайди. У сиёсий кизиқишларнинг ўта юқори даражага кўтарилиши сабабли юзаға кбладй ва ўз миллати ҳамда ўзга халклар, миллатлар тўтр.ясида нотўғри тушунчаларга эга бўлувчи миллий психологияга асосланади.

Миллий ўз — ўзини англаш - миллий ифтихор туйғуси ва Ватанни севиш, миллий маданиятни англашдаги қувонч, миллий ривожланиш ва халқ манфаати учун хизмат киладиган сиёсий ҳаракатлар ва ғояларнинг ҳаққонийлигини англаб етиш каби туйғулар негизида шаклланади.

Миллий ўз-ўзини англашнинг ижобий сифетларидан бири ватанпарварликдир. У ўз миллати ҳамда умуминсоний ривожланиш талабларини бирдек чукур англаб етишдан иборат.

Миллий туйғу нима ўзи? Адабиётларда кўрсатилишича, миллий туйғуда субъектнинг объектга бўлган муҳим муносабати акс этади. Ижтимоий психологиянинг нодир ходисаси сифатида миллий туйғу субъектга хос ҳис — туйғулар таъсирида шаклланади. Шахснинг ҳис — туйғулари эса психофизиологик табиатга эга. Ҳайратланиш, куюнчаклик, мехр — муҳаббат, ифтихор, хавотир, раҳм-шафқат, ўзига бўлган ишонч, ўз-ўзини ёқтириш, ғазаб, нафрат, кахр, кибрлилик, уят ва бошқа туйғулар шахсга хос туйғулар бўлиб, улар орасида муҳаббат, ифтихор, нафра^ ва қаҳр туйғулари устунлик қилади.

[1] Ўшс. а..ар. - с 354



Рус файласуфи И.Ильин ўз асарларида миллий тарбияни самарали ташкил этиш масаласига тўхталар экан, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш йўлларини кўрсатишга уринади. Олимнинг фикрича, ватаниар'варлик: расмий ватанпарварлик, мажбурий ватанпарварлик (мажбурий ҳарбий хизмат) ва ҳақиқий ватанпарварлик каби кўринишларда намоён бўлади, Аввалги икки кўриниш шахсда хеч қачон Ватанга бўлган мехр - муҳаббат туйғусини уйғотмайди, аксинча, турли мажбуриятларнинг шахс зиммасига кўр — кўрона юкланиши эвазига Ватанга нисбатан салбий муносаба'1'ни қарор топтириши мумкин. Шу боис ёшларда турли мажбурловларсиз Ватанга бўлган муҳаббат туйгусини уйғотиш зарур.

Муаллиф бу ўринда тарбиячиларнинг роли алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда унинг ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббатли бўлиш лозимлигини тарғиб қилиши эмас, балки, ўзи Ватанга эътиқод қилиши, шахсий ҳаракатлари билан ўрнак бўлиши кучли таъсир этишини айтади.

И.Ильин миллий туйғу миллий характерни шакллантирувчи мухим асос деб билади: «Ҳар бир халқ ўз урф — одатларига кўра фикрлайди, меҳнат қилади, яратади, дам: олади, турмуш тарзини йўлга қўяди, улар асосида қайғуради, йиғлайди, хафа бўлади ва умидсизланади, ўз билганича кулади, қувонади, ўз йўригида юради, ўзича қўшиқ куйлайди, мусиқалар яратади, ўз тушунчасига яраша гапиради, намойиш этади, нутқ сўзлайди, кузатади, санъат асарларини яратади на ҳоказо. Ҳар бир халкнинг ўз урф — одатлари, анъаналари, тартиб-қоидалари, ўз дунёқараши, сиёсий қарашлари, ўзига хос давлат институтлари мавжуд.

Миллий туйғу айрим қарама — қаршиликлар, муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бинобарин, шахс кайфияти, туйғулари

индивидуал миллий турмуш тарзининг алоҳида кўринишидир»[1].

Олим рус ёшларида миллий туйғуни шакллантириш масаласига эътиборни қаратар экан, бу йўлда самарали бўлган омилларни алоҳида кўрсатади. Улар қуйидагилардан иборат:

1) миллий маданият ва тарих;

2) миллий тил ва унга бўлган эътибор (оилада она тилига ҳурмат кўрсатишга эришиш, уни:зг бойлиги, аниқлиги, равшанлиги, таъсири ҳақидаги суҳбатларни ташкил этиш, бунда халқ оғзаки ижоди намуналари, қўшиқлар, аллалар, эртаклар ва бошқалардан самарали фойдаланиш);

3) тарих ўқитувчиларининг субъектив таъсири;

4) оиланинг роли;

5) оммавий ахборот воситаларининг ўрни;

6) миллий худуд[2].

И.Ильин ўз тадқиқотларида ёшларда миллий туйғуни шакллантиришнинг таъсирчан омили сифатида миллат тарихини кўрсатади ва бу ўринда буюк рус шоири А.С.Пушкиныинг қуйидаги сўзларини келтиради: «Ота—боболарнинг шарафли ишлари билан фахрланиш мумжингина эмас, зарурдир, уларни ҳурмат қилмаслик жуда уятли журъатсизлик ва иродасизликдир»[3].

Муаллиф миллий ҳудуднинг ёшларда миллий туйғуни шакллантиришда таъсирчан омиллардан бири эканлигига урғу бериб, миллий ҳудудни «халқнинг маънавий—руҳий яйлови»[4], — деб атайди.

«Миллий туйғу» тушунчасининг моҳияти О Бауэр асарларида ҳам очиб берилади. «Ўзга миллатлар билан яқиндан танишув кўпинча ўз

Ильин И.А. Путь к очевидности - Москва: 1993. - С. 228

" Ўша асар, 267-бет..

Ўша асар, 233-бег.

' Ўша *-мар.* 240-бет



миллатига муҳаббат, у билан фахрланиш туйғусини уйғотади, — дея урғу беради муаллиф, — аммо бу муҳаббатнинг кучи жамиятнинг турли синфлари ва алоҳида шахсларида турли кўринишда намоён бўлади»[1].

Сўнгги йилларда педагогик йўналишда ҳам ёшларда миллий туйғу, ватанпарварликни шакллантириш муаммоларини чуқур тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, В.М.Анохина ва М.Б.Павлова[2]ларнинг ишла]эида миллий ўзликни англаш— жамиятнинг кучи унинг олдида турган вазифаларни ижобий ҳал этишга йўналтира олувчи ватанпарварлик билан чамбарчас боғлиқлигига алоҳида урғу берилади. Маълум миллий маданиятни авлодлардан авлодларга олиб ўтувчи миллат вакили бўлган инсон ўзи англамаган ҳолда миллий маданият, урф—одат ва анъаналарни табиий р>авишда мукаммал ва ишончли деб ҳисоблайди. Барча бошқа нарсалар унинг учун ёт ва зарарли бўлиб туюлиши, собиқ СССР даврида 40—йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб амалга оширилган тарғибот компаниясининг ана шу ғоя асосида ташкил этилганлигига эътибор қаратилади.

Муаллифлар ўқувчилар ўртасида ташкил этилган ижтимоий суров натижалари ташвишланарли эканлигига ургу беришади. Зеро, ўқувчиларнинг жавобларида: «ҳозирда Ватанни севиб бўлмайди, чунки у сен учун хеч нарса қилмаяпти», «мен учун ватанпарварлик муҳим аҳамиятга эга эмас», «Ватанни севиш керак, бирок менинг тентдошларим уни сева олишмайди, чунки у биз учун ҳеч нарса кила олмаяпти. Балки бу тушунча хукумат ва у томонидан олиб борилаётган сиёсат туфайли келиб чиққандир. Ва биз ҳамипа ўз мамлакатимизни Европа билан таққослаймиз. Мен

' Бауэр О. Кацйонаяьикй вопрос и социал-демократия - Санк-Петербург, 1990. - С. 130

Анохина В М.. Павлова М Б Воспитание гражданина в современной школе. - Омск 2СОЗ - С 80

ҳозиргача ҳам ўйлайман: Ватанни севаманми ёки йўқми? Ота — оналаримизда ҳам ватанга бўлган муҳаббат сўниб бораяити. Агарда ҳукуматимиз инсонларнинг манфаатлари учун ишласа, бу ҳолда биз Ватавни -^севган, у билан фахрланган бўлар эдик» Ь.

В.М.Анохина ва М.Б.Павловалар ўқувчиларнинг бундай муносабатлари нотўғри эканлигини кўрсатиб беришга уринадилар ва бу ўринда В.А.Сухомлинскийнинг қуйидаги таъсирчан қарашини келтирадилар: «Ватан — бу сенинг уйинг, сенинг бешигинг. Бу уйда барча нарса тотли ва яхши бўлавермайди. Ҳар биримизнинг ўз кулфатларимиз ва аламларимиз бор. Ватан тўғрисида гапира туриб ўйла: сен қадрдон уйингнинг кулф)атлари ва аламлари тўғрисида гапиряпсан»[2].

Муаллифлар ватанпарварликнинг Ватан учун оғир дамлаэдаги ролини кўрсатар эканлар, қуйидаги фикрни алоҳида таъкидлайдилар: «М:амлакат учун оғир дамлар (инқилоб, урушлар, давлат томонидан Россия халқларининг қатогон қилиниши, пухта ўйланмаган ислоҳотлар, иқтисодий ва сиёсий таназзуллар рўй берган)да баъзан Россия ўз давлат мустақиллигини йўқотаётгандай туюлади, аммо айиан ватанпарварлик анъаналари, миллий ифтихор, миллий ўз — ўзини англаш туйғуси туфайли бундай қийинчиликлар бартараф этилган»[3].

И.Гўберман «Яхудийлар дунёси» газетасининг 2004 йил 16 декабр сонида *эълон* қилинган мақоласида «Минг афсуски, жуда кўплаб жамоат ташкилотлари, касаба уюшмалари халқимизда ниҳоятда паст даражада шаклланган миллий ифтихор туйгусини тарбиялашга деярли эътибор беришмаяпти. Бу фожианинт асосий сабабларидан бири - тарихий илдизларимизга бўлган қизиқишнинг йўқолганлиги, миллий ифтихор туйғусига эга эмаслигимиздир», - дея таъкидлар экан, инсон кайси давлатда яшашидан қатъи назар ўз миллатининг тарихини пухта билиши ва у билан фахрлана олиши лозимлигига эътиборни қаратади. Муаллиф ўзининг жаҳонга Дизраэль, Фрейд, Энштейн, генераллар Слушкевич, Крейзер, адмирал Риковер, машҳур боксчилар Даниэл Мендоза ва Марс Бер ва бошқаларни тарбиялаб берган яхудий миллати фарзанди эканлитидан фахрланишини айтади. "Унинг фикрлари аксарият жамоатчилик томонидан кескин танқид остига олинди. Зеро, мақолада жаҳон уруши «олови»ни ёқувчилардан бири бўлган генерал Крейзер номи тилга олинган эди. Бу ҳолатдан ҳам шуни англаш мумкинки, миллатнинг умумбашефият тараққиётига етказган зарари билан эмас, балки қўшган ҳиссаси билан фахрланиш зарур. Дэмак, ватанпарварлик асосида миллатчилик ғояларини илгари суриш, шовинистик кайфиятии намоён этишдан сакланиш зарур. И.Губерман ўз қарашларида Ватанга муҳаббат, миллатнинг атокли фарзандлари билан фахрланиш бир миллатни бошқа миллатлардан фарқлаш, ажратиш ёки устун қўйишга хизмат қилмаслиги лозимлигини уктирган ҳолда юқоридаги хатога йўл қўйди.

Е.Романова «Оврўпада ватанпарварлик қолмади» номли мақоласида америкалик социолог, психолог, Стэнфорд университети профессори Вильям Дэймоннинг қарашлари асосида масаланинг моҳиятини очиб беришга уринади. Вильям Дэймон: «Ҳозирда Америкада космополитизм (ватансизлик)ни ёқловчилар кўпчиликни ташкил этиб, улар ўзларини маълум бир мамлакат фуқароси (масалан, Америка фуқароси) деб ҳисобламайдилар. Уларнинг фикрича, инсон

[1] Ўша асар, 58-бет.
' Ўша асар, 61-бет.
'Ўшаасар, |Ч-бет.

РИПК ЎРХТВ
383264

тақдирнинг тақозоси билангина маълум бир мамлакатда туғилади

Ўзларини ватанпарвар деб билувчилар миллий ифтихор туйғусига эгаликни милитаристик шовинизм (ўтакетган миллатчилик, миллатлар ўртасида душманлик ва нафратни тарғиб этиш) ғоялари билан адаштирадилар. Шу сабабли кўпчилик америкалик ёшлар мамлакатнинг ҳақиқий фуқароси бўлишнинг моҳиятини аиглламайдилар» дея мулоҳаза юритади.

Ўтказилган ижтимоий сўровлар ва олиб борилган тадкиқотларнинг кўрсатишича, америкалик талабаларнинг асосий катта кисми «фуқаро» тушунчаси мазмунини англамайдилар, шу билан бирга маълум бир давлатнинг фуқароси бўлишни истамайдилар. Шунинг сабабини «фуқаролик зиммасига катта масьулият, кўилаб мажбуриятларни олиш» эканлиги, бундай масъулият ва мажбуриятларни зиммаларига олиш хоҳишлари йўқлиги билан изоҳлайдилар.

Бироқ, Европа давлатларида фуқароликка нисбатан ижобий ёндашув мавжуд. Масалан, «Буюк Британиялик ёшларнинг кўпчилиги ўз мамлакатларини қандайдир бир «умумевропа»га алмаштиришни хоҳламайдилар, улар ўз халқи ўтмиши ва тарихини қадрлайдилар, доимо хотирлаб гурадилар ва у билан фахрланадилар», — деб ёзади британиялик эксперт Питер Лиддл.

Дарҳақиқат, Буюк Британия аҳолиси бошқа миллат вакиллари ўрнак олиши лозим бўлган миллий ғурур ва м;иллий ифтихор туйғуларига эга. Жумладан, улар қироллик ва қирол (қиролича)ни мамлакат таркибий тузилмас:иғгинг асосий, муҳим бўлаги, миллат тарихининг ажралмас қисми сифатида тан оладилар, кирол (қиролича)га чексиз ҳурмат кўрсатадилар. Бу ^олат фуқароларнинг мамлакат тарихига бўлган ижобий муносабатларини англатади.



Юқорида келтирилган қарашлардан англаиадики, шахенинг миллий ўзликни англаш, миллий ифтихор туйғусига эгалиги кишиларни барча даврларда хам миллат ва* Ватан шаънини химоя килиш, унинг манфаатлари йўлида курашишга рағбатлантира олган. Кўп миллатли мамлакатда «ягона совет халки»ни шакллантириш Концепцияси ғояларига кўра собиқ Иттифоқ даврида миллий ўзликни англаш, миллий РУРУР ва миллий ифтихор масалаларининг тадқиқ этилишига ижтимоий — сиёсий қарашлар йўл бермади Турли халқларнинг миллий мустақилликка эришуви туфайли миллийликни англаш, миллий туйғуга эга бўлиш асосида миллатнинг индивидуаллиги ва миллий маданиятнинг ўзига хослигини сақлаб қолишга бўл1ан интилиш кучайди. Бу ҳолат эса ўз навбатида тадқиқот муаммосининг янада долзарблашунини таъминлади.

Талабаларда миллий ифтихор туйгусини шакллантиришга қаратилган фаолият моҳиятини ёритишда «ривожланиш», «тарбиялаш», «шакллантириш», «омил», «педагогик таъсир», "миллий ғурур», «миллий ифтихор» ва «миллий ўзликни англаш» каби тушунчалар таянч тушунчалар сифатида намоён бўлади. Тадқиқот муаммосини ижобий хал этишда бу тушунчаларнинг мазмуниии тўлақонли англаб олиш тақозо этилади.

Кўплаб адабиётларда «шаклланиш», «ривожланиш», «тарбиялаш», айрим манбаларда эса «ижтимоийлашув» тушунчаларининг ягона мангиққа эгалиги кайд этилади. «Шакллантириш» ва «ривожлантириш» тушунчаларининг ўзаро бир—бИрини ўрнини тўлдирувчи тушунчалар э.канлиги тўғрисидаги қарашлар ҳам мавжуд- Уларга кўра, шакллантириш жараёни ривожлантириш ва

ривожлантириш жараени эса шакллантириш негизида содир бўлиши ғояси илгари сурилади.

Шахсни тарбиялаш тарбия жараёнини ташкил этиш чоғида рўй бериб, шахсда маълум маънавий—ахлоқий, иродавий ва шахсий хислатларни қарор топтиради. Тарбия ижтимоий ҳаётнинг умумий ва муҳим категорияси саналади. Шу билан бирга ижтимоий ҳодиса сифатида бир қатор хусусиятларга эга. Масалан, ажДсдлар томонидан тўпланган тажрибаларни авлодларга етказйш, инсоният томонидан яратилган билимларни эгаллаш, инсон саломатлиги ва ривожини таъминлаш, дунё^арашни таркиб топтириш ва бошқалар. Тарбия жараёнининг самараси мақсаднинг аниқ белгиланганлиги, фаолият асосида ташкил этил.ан фаолиятнинг натижаланганлиги ва унинг мазмунида акс этувчи кўрсаткичлар билан белгиланади.

И.С.Маренько шахс нинг тарбияланганлик даражаси турли фаолият ва феъл—атвор мазмунида намоён бўладиган ўқишга, меҳнатга, кишиларга, атроф—муҳитга муносабати орқали белгиланишига урғу беради. Н.И.Болдиревнинг фикр !ча, шахснинг тарбияланганлик даражаси барқарор хулқ—атвор кўникмасида, ўқувчининг хатти—ҳаракати, муомаласи ва уларнинг нуқтаи назарида вужудга келади. Мазкур даража шахснинг феъл—атворида содир бўлган маълум сифат ўзгариши билан белгиланади. Шахсда маълум сифатларнинг тарбияланганлик даражасини қуйидаги шартлар асосида аниқлаш максадга мувофик эканлигини таъкидловчи ёндошувлар ҳам мавжуд:

шахснинг алоҳида сифатларини ажратиб кўрсатиш, уларни намойиш этиш (Н.И Монахов, М.И.Шилова);

шахс томонидан ташкил этилаётган



фаолият йўналишлари (Л.И.Божович, А.В.Засимовский);

улар фаолияти жараёнининг моҳиятини ўрганиш (О.С.Богданов, В. ППетрова);

муайян тасниф (яхлит жараён, кундалик ёки якуний натижаларнинг кўрсаткичлари — О.Мусурмонова).

«Ривожланиш» атамасининг соф биологик, «тарбиялаш» атамасининг педагогик, «шаклланиш» атамасининг эса фалсафий категория сифатида кабул қилинганлигини инобатга оладиган бўлсак, ўз—ўзидан англанадики,шахсни шакллантириш жараёни уни ривожлантириш (аниқроқ килиб айтганда, шахсда муайян сифатларни тарбиялаш, амалий кўникма ва малакаларни ривожлантириш) негизида содир бўлувчи ижтимоий ҳодисадир. Зеро, «шаклланиш» атамаси дунёқараш ва унинг таркиб топишини англатувчи асосий тушунчадир. Бизга яхши маълумки, шахс дунёқарашининг таркиб топиш ҳодисаси унда шахсий, иродавий ҳамда маънавий—ахлоқий сифатларнинг мавжудлиг'И ва. яхлитлигита таянган хо.\д,а содир бўлади.

Педагогика назарияси ва амалиётида эса «шаклланиш» тушунчаси асосан тарбиявий жараён ҳамда айрим ўринларда ижтимоий муносабатлар моҳиятини очиб беришда қўлланилади. Масалан, «шахснинг шаклланиши унинг инсонларга, ўзига, уз келажагига ва бошқаларга нисбатан ижтимоий муносабатларда шахснинг қиёфасини белгилаб берувчи хулқи ва ҳаракатларидаги ўзига хосликни акс эттирувчи мураккаб ҳодисадир" (П.М.Якобсон).

Ижтимоийлашув эса шахс шакл.л.анганлик даражасининг юкори босқичи ҳисобланади. Ж.Пиаженинг таърифига кура, ижтимоийлашув - бу ижтимоий мухитга мослашув жараёни бўлиб, у индивиднинг муайян ривож\аниш даражасига эришиб, бошқа инсонлар билан ҳамкорлик қилиш лаёқатига эга бўлиши билан белгиланади. Шахснинг

ижтимоийлашуви жараёнининг моҳиятини ўрганишда М.И.Рожковнинг қуйидаги мазмунни ифода этувчи бу борадаги концепцияси алоҳида аҳамиятга эгадир: ижтимоий таркиб топишда ижтимоий амалиёт, яъни индивиднинг ижтимоий муносабатларнинг турли соҳаларига амалий киришиши мухим ўрин тутади.

РОқоридаги фикрларга таянган ҳолда қайд этиш лсзнмки, олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйгусини шакллантириш узок, муддатли, тизимли ва изчил ёндашувни талаб этувчи педагогик фаолият жараёнидир. Бу жараён баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш борасидаги ижтимоий мақсадни амалга ошириш борасидаги яхлит жараённинг мухим таркибий қисми саналади.

Тадқиқот муаммосини тадқиқ этиш учун "омил" тушунчасининг моҳиятини англаш билан бирга бу йулда самарали фаолиятни ташкил этишда муҳим рол ўйновчи омилларни аниқлаб олиш мухимдир. Зеро, узлуксиз таълим тизимининг етакчи босқичида фаолият юритувчи таълим муассасалари талабаларида мил\ий ифтихор туйғусини шакллантириш муайян омиллар мавжудлиги асосида ташкил этилади.

Педагогик тадқиқотларда ушбу тушунча муайян фаолиятнинг муваффақиятли кечишини таъминловчи «шарт» (Т.В.Фролова), «ҳолат» (П.И.Джанелидзе), шунингдек, «сабаб» (Д.М.Гришин) каби талқин этилган. Сўнгги йилларда олиб борилган влахе тарбиясини ташкил этиш, унда маънавий сифатларни тарбиялаш, уларни такомиллаштириш, тарбиявий жараённинг самарадорлигини ошириш масала\ари ўрганилган тадкиқотларнинг аксариятида омиллар "ички ва ташқи омиллар" тарзида гуруҳланган. Лйрим тадқиқотларда маълум фаолият ёки жараённинг самарали бўлишини таъминловчи омилларнинг объектив ва субъектив хусусиятларга эга бўлиши таъкидланади.

К^)қорида кайд этилган фикрларга мувофик муаммо доирасида олиб борилган тажриба — синов ишларини ташкил этишда кузга ташланган ҳолатларни



таҳлил этиш асосида олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихорни шакллантиришда қуйидаги омилларнинг устувор ўрин тутишига ишенч ҳосил килд[ик:]

1.Субъектив омиллар:

— жамиятда соғлом мухитнинг қарор топганлиги, шахснинг ўзлигини англашига ёрдам берувчи ғояларнинг етакчи ўрин тутиши;

— кишилик муносабатларининг янгича мазмун касб этиши;

— миллий қадриятларнинг қайта тикланиши, уларни бойитиш йўлида муайян ҳаракатларнинг ташкил этилиши;

миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига эришиш;

— ижтимоий муносабатларда инсонпарварлик, демократик ғояларнинг акс этилиши;

— олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда оила, ўқув юртлари ва кенг жамоатчилик иштирокининг таъминланишига эришиш;

шахс онгини шакллантиришга с>ид умумбашарий тажрибаларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш;

— олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйгусини шакл\антир мшга эътиборнинг қаратилганлиги;

маънавий — маърифий ишларни ташкил этишда талабаларяинг истак ва хоҳишларини инобатга олиш, унда ҳар қандай зўрлик ва мажбурловлардан воз кечиш; талабаларда миллий ифтихорни англаш эҳтиёжининг юзага келганлиги;

— талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда дунёқараши кенг, ҳаётий тажрибаси бой, моҳир нотиқ, мустаҳкам эътиқод ва ўзгаларга ибрат бўла олувчи ҳаёт тарзига эга педагогларнинг кучларига таяниш ва уларнинг имкониятларидан

самарали фойдаланиш чора-тадбирларининг кўрилганлиги;

— олий таълим муассасаларининт талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг мукаммал тизими (мазмуни, шакл, метод ва воситалари)нинг яратилганлиги;

— олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантириш андозасининг яратилганлиги ва ҳоказолар.

П.Объектив омиллар:

— олий таълим муассасаларида маънавий — маърифий ишларнинг самарадорлигини оширишга имкон бер5^вчи замонавий илм — фан, техника, технология ва маданият ютукларига асосланган моддий базанинг мавжудлиги;

— шахсда миллий ифтихор туйгусини шакллантирувчи ғоялар сингдирилган ўкув манбалари (ўкув дастури, қўлланма, дарслик, дидактик м:атериаллар ҳамда кўргазмали қуроллар)нинг яратилганлиги;

— олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйгусини шакллантиришда ахборотли технологиялар (оммавий ахборот воситалари газета, журнал, радио,. телевидение ва компьютер] хизматидан фойдаланишнинг йўлга қўйилганлиги ва бошқалар (1 — ва 2 —чизмага қаранг).

Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйгусини шакллантиришда ижтимоий муҳит ва унинг мазмуни ўзига хос аҳамиятга эга. Зеро, талабаларнинг умумий шаклланишига таъсир этгани каби уларда миллий ифтихор туйғусининг қарор топишида ижтимоий таъсирлар етакчи ўрин тутади. Шу боис кжорида кайд этилган омиллар сирасида соғлом мухитнинг қарор топганлиги талабининг алоҳида кўрсатилганлиги бежиз эмас. Зеро, талабалар микро ва макромухитда жамоанинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга, муносабатларнинг мухим томонларига жалб этилади; иккинчидан, унга



чизма. Талабаларда миллий ифтихор тушусини шакллантиришнинг субъектив омиллари

Омиллар

Субъектив омиллар

Жамиятдаги соғлом ижтимоий **МуҲИТ**

Ижтимоий муносабатларнинг янги мазмуни

Г

Инсонпарварлик, демократик ғояларнинг устуворлиги

Миллий ва умуминсоний. қадиятлар уйғунлити

Оила, таълим муассасалари, жамоатчилик хдмкорлиги

Маънавий — маърифий ишлар мазмуни

Умумбашарий тажрибалар

Миллий тил имконияти

"Л

Халқ қахрамонлари, давлат арбоблари, бугунги кун қаҳрамонларининг жасорати

Мдлакали педагоглар имкониятидан фойдаланиш

V.

Мукаммал тизимнинг яратилганлиги

2 — чизма. Талабаларда миллий ифтихор туйгусини шакллантиришнинг объектив омиллари

Омиллар

Объектив омиллар

Моддий — техник имконият

Укув манбалари (ўқув дастурлари, дарслик, қўлланма, кўргазмали воситалар

Адабиётлар (>ханрига кўра — илмий, диний, тарихий,бадиий; йўналишига кўра — халқ оғзаки ижоди (эртак, достон, мақол, афсона, қўшиқлар), қўлёзмалар, классик ва замонавий асрлар, адабиётлар ва ҳ.о.)

Санъат асарлари (таатр, кино, мусиқа (классик, лирик ва эстрада қўши -- лари), рассомлик (тасвирий санъат, хайкалтарошлик, халқ амалий санъати (миллий хунармаилчилик: каштачилик, кулоллик, наққошлик, ганч ўймакорлиги), меъ.морий ёдгорликлар, тарихий кадамжолар

V

Фан, техника ва технология ютуқлари

Маданият, спорт ва ишлаб чиқариш муваффақиятлари

Она - Ватан тупроғи



маънавий қадриятлар юзасидан пухта билим олиш, ижодий фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатиш, маънавий ривожланиш учун кенг имконият яратилади; учинчидан, миллий ғурур асосида мустақил ҳаётга тайёрланади, ўзининг тажрибаси ва маънавий фаолиятини такомиллаштиради"[1].

Мустақиллик йилларида Узбекиетон Республикасида шахснинг ҳар томонлама етук, баркамол бўлиб шаклланишини таъминловчи муҳитнинг яратилишига эътибор қаратилди ва бу йўлда кенг кўламли ҳаракат бошлаб юбори.\ди, унинг ҳуқукий асослари ишлаб чикилди. Бирок, педапзгика назарияси ва амалиётидан бизга яхши маълумки, талабаларда миллий ифтихор туйғусининг шакллантирилишига сезиларли таъсир этувчи яна бир муҳит мавжудки, айни вақтда уни ғоявий жих<гтдан такомиллаштириш зарур. Бу мухит талабалар мансуб бўлган микромуҳитдир.

Микромухит умумий ижтимоий мухитнинг таркибий тузилмасида намоён бўлсада, ўзига хос жиҳатлари билан ҳам тавсифланади. Чунончи, Н.Ҳакимовнинг қайд этишича; «Микромуҳит умумий еоциал мухитнинг бир қисми ҳамда умумий, алоҳида ва якка —ёлғиз жих,атларнинг бирлиги, шахснинг ҳаёти ва амалий фаолият жараёиида у билан бевосита ўзаро таъеирга кирувчи моддий, сиёсий, мафкуравин ва ижтимоий психологик омилларнинг йиғиндиси бўлиб, у ёки бу шахс бетакрор, ички дунёсини шакллантириш омиллари ва шартларини ўз ичига олади»[2].

Дарҳақиқат, макромухит, унда қарор топган ва топаётган ижтимоий муносабатлар мазмуни кўплаб меъёрий хужжатларда асослаб берилади ва омманинг бу борада тўлақонли маълум отларга эга бўлиши

[1] Мачкамов У. , Курбопов Т., 'Туропова М. Ватаи туйгц-си. - Тошкент: Шарк, 2001- 169-бст

[2] **ҲакимовН** Шахснингеиесий маданиати - Тошкент, Укитувчи. 1990.-64-бег

таъминланади. Унда омма фикрининг инобатга олинганлиги, кўп хол\арда унинг омма томонидан қабул қилинганлиги оммавий ахборот воситалари, жумладан, газета, журнал, радио ва телевидение саҳифаларида уз инъикосини топиб боради. Макромуҳитнинг кичик тармоклари бўлган микромуҳитда устувор бўлган ғоялар ва уларнинг талаба шахси камолотини таъминлашдаги таъсири тўғрисидаги ахборотларни кўлга киритиш осон кечмайди. Ачинарли жиҳати шундаки, куп холатларда микромухитнинг енгил — елпи ҳаёт кечириш, осон йўл билан моддий фаровонликки эришиш каби ғояларга эга бўлишини педагогик, психологик ва фалсафий йўналишларда олиб борилган: катор тадқиқотларнииг натижалари кўрсатмоқда.

Олий таълим муассасалари талабаларида шаклланганлигини аниқлаш учун бу тушунчанинг моҳиятини англаб олиш талаб этилади. Шу сабабли унинг манбаларда ёритиш холатини таҳлил қилиш асосида талабаларда миллий ифтихор туйгусининг шаклланганлик даражасини аниқлашта ёрдам берувчи мезонларни яратишга уриниб кўрамиз.

А.Иброҳимов, Х.Султонов ва Н.Жўраевларнинг фикрларига кўра «шахс ғурури — бу фахр», «миллий ғурур — бу ифтихор» бўлиб, улар гарчи бир — бирларига яқин маъноларни англатсада, бир вақтнинг ўзида бир — биридан маълум даражада фарқланувчи тушунчалар эқанлиш таъкидланади. Бу ўринда муаллифлар куйидаги фикрни илгари сурадилар: «Миллий ифтихор миллат ўзини яхлит ижтимоий бирлик эканлигини онгли равишда ҳис қилишидир. Бу шундай бир кучли рухий ҳолатки, у туфайли тарихий бирлик, кон — қариндошлик, тил, маданият, маънавият, иктисодий ҳаёт ва келажак бирлиги миллат вакилларининг калбидан чуқур ўрин олади»[1]. «Миллий ифтихор туйғуси — ўз МIТЛЛИЙ мансублигидан

' Иброқимов А ., Суяғонов Х., Жўраев Н. Ватан туйгуси. - Тошкент. Узбекиетон, 1996.- 29-30-бетлар.



фахрланиш имконияти. Миллий ифтихор туйғуси ўз миллатининг бой тарихи, маданий ва маънавий меросидан, унинг жаҳон цивилизациясига кўшган хиссасидан ғурурланиш имконияти. Миллий ифгихор туйғуси - ўзлигини англаш ва ўзгаларни тушунишга даъват этувчи қудратли куч»[1].

Кўриниб турибдики, муаллифлар бу ўринда ғурур тушунчасини шахсга, ифтихор тушунчасини миллатга хос туйғу сифатида эътироф этадилар. Мнан мана шу ҳолат улар ўртасидаги фарқни кўрсатувчи кўрсаткич сифатида қабул қилинади. Ҳар икки тушунчага берилган таърифдан ғурур тушунчаси индивидуаллик, ифтихор тушунчаси эса ижтимсийлик хусусиятига эга бўлади, деган хулосага келиш мумкин.

«Миллий ғурур (ифтихор), — деб таъриф берилади манбаларда, — шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг миллий ўз — ўзини англаши асосида шаклланадиган аждодлари қолдирган моддий — маънавий мерос, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қашган ҳиссаси, ўзга миллатлар олдидаги 1>адр — қиммати, обрў — эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифода,\овчи тутнунча»[2].

Бу туйғу шахсда қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

— миллатнинг ютуқлари, обру—эътибори билан фахрланиш, унинг муаммоларига бефарқ бўлмаслик;

— • халқи, миллатининг тақдири учун жон!;уяр бўлиш;

— ўз миллатининг моддий — маънавий меросини асраб — авайлаш;

— халқ одатлари, анъаналари, қадриятларини хурмат қилиш, уларни бойитиш ва такомиллашч'ириш тўғрисида қайғуриш;

— халқи, миллатига меҳр — мухаббатини амалий фаолиятда намоён қилиш.

[1] Унт кит^б, '288-бет.

' Фалеафа: Комусий лугат.-Тошкент: Шарк. 2004 - 271-бет.

Миллий ғурур, миллий ифтихор ўзи мансуб бўлган миллат, халқнинг равнақи, тараққиёти учун курашишнигина эмас, шу билан бирга ўзга миллатга мансуб кишиларга ҳурмат — эҳтиром кўрсатишни тақозо қилсıди. -Бундай туйғуга эга маънавий етук киши миллийликни миллатчиликдан, ҳақиқий миллий ғурурни миллатпарастликдан фарқлай олади, бошқа миллат вакилларининг иззат нафси ва ғурурини камситмайди. Шунингдек, миллий гурур ва ифтихор туйғусига эга инсонда миллий ўзликни англаш туйғуси шаклланади.

Мустақиллик йилларида Узбекиетон Республикасида олий таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштиршн, унинг мазмунини янгилаш, ўкув ва тарбия ишлар самарадорлигини оширишга оид бир қатор тадкиқотлар амалга оширилди. Масалан, Г.И.Махмутованинг тадкиқоти[1] олий педагогик таълим тизимида талабаларни маънавий шакллантиришнинг ижтимоий педагогик хусусиятларини ўрганишта каратилган бўлиб, унда талабалар маънавий шаклланишига таъсир этувчи ижтимоий — педа1'огик омиллар, педагогик туркум фанларини ўқигиш жараёнида талабалар маънавиятини шакллантириш имкониятлари, маънавий шакллантириш тизими, механизми, шакл, метод, воситалари тўғрисида сўз юритилади.

Муаллиф миллий истиқлол ғоялари асосида талабаларнинт маънавиятини шакллантириш жараёни босқичларини қуйидагича белгилайди:

1) талабаларда педагогика фанларини ўрганишга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжларни юзага келтириш; I

2) педагогика фанларини чукур ўрганишга рағбат уйғотиш;

' Махмутова Г.И, Олий педагогик таълим тизимида талабаларни маънавий шакллантиришнинг ижтимоий -педагогик хусусиятлари: Пел. файл номз дисс - Тошкент. 2004. -129-бет.



3) назарий билим, *ШмШМй* кўникма ва малакалар, маънавий - ахлоқий сифатларни бойитиш: борасидаги фаолиятни ташкил этиш (1-боскич);

4) назарий билим, амалий кўникма ва малакалар, маънавий - ахлоқий сифатларни бойитиш борасидаги фаолиятни ташкил этиш (2-боскич)[1].

Ишда т<1лабаларни педагогика туркум фанлари асосида маънавий шакллантиришнинг қуйидаги мезонларига асосланилган: Ватан равнаки йўлида меҳнат килишнинг олий инсоний бурч эканлигини англаш, ватанпарварлик туйғусига эга бўлиш; юрт тинчлиги, Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида фаолият кўрсатиш; комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик тушунчалари моҳияти борасида муайян тушунчаларга эга бўлиш; байналмина/^лик 1уйгусига эга бўлиш, ўзга миллат ва элатларнинг ҳақ — ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш; динлараро бағри кенглик (толерантлик), ўзга миллат ва элатлар, шунингдек, кишиларнинг виждон эркинлигига нисбатан ҳурмат кўрсатиш; инсоний фазилатлар (билимлилик, инсонпарварлик, камтарлик, ахлоқ — одоб, меҳиатсеварлик ва ҳ.о.)ии намоён этиш[2].

З.Қосимова томонидан амалга оширилган тадкиқот эса бугунги куннинг долзарб муаммоси — талаба — ёшларда мафкуравий иММунитетни шакллантиришнинг педагогик асослариян ишлаб чикишдан иборат бўлиб, мақсадга эришиш йўлидаги тадкиқотчилик фаолияти олий таълим муассасаларида ташкил этилаётган маънавий — маърифий ишлар доирасида амалга оширилган.

Муаллиф Н.Жўраев, Р.Жумаев, В.Каримова, Қ.Назаров, А.Очилдиев, М.Қуронов, А.Эркаев ва бошқаларнинг қарашларига таянган ҳолда мафкуравий иммунитетнин][1] моҳиятини ёритар экан, унинг Қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топишига

[1] Ўша асар. 10-бет.
Ўша жойда

эътиборни қаратади: мафкуравий билим, ҳис-туйғу, ирода, кўникма ва малакалар тизими[1].

Талабаларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш йўналигдидаги маънавий — маърифий тадбирларнинг қуйидаги вазифаларни бажаришига урғу берилади: 1) тадқиқот-тарғибот; 2) таҳлил-тасниф; 3) таълимий — тарбиявий[2],

З.Қурбаниязова миллий ўзликни англаи1 туйғусига эга бўлиш миллатчилик эмаслигини таъкидлайди: «Миллий ўзликни англаш — бу миллатчилик эмас, балки ўз миллати, халқи, анъаналари, урф—одатлари, туғилиб ўсган жойи, Ватани, тили, дини, авлод—аждодлари, касб—кори, шажараси, оиласидан турурланиш, уларни авайлаб — асраш ҳамда бошқа халқлар ва миллатларни ҳам ҳурмат қилиш демакдир»[3].

Мустақиллик кишилар миллий ғурурини ошириб, уни халқ, Ватац, аждодлар хотираси олдидаги масъулиятни ҳис қилишдек мазмун билан бойитмоқда. Бундай шароитда. ўзбек халқининг мустақиллигидан фахрланиш, жамиятда озод, фаровон ва эркин ҳаётни яратио йўлида меҳнат қилиш, фаоллик кўрсатиш, , жахон ҳамжамияти томонидан илм—фан, техника ютуқлари, илғор технологиялардан фойдаланиш: милл.ий ифтихор туйғусини шакллантирадиган, ривсжлантирадиган омиллардир. Бу эса, ўз навбатида, кўп жиҳатдан ўсиб келаётган ёш авлоднинг кучи, салохияти, бунёдкорлик фаолиятини белгилайди, уларни соғлом миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусини шакллантириш учун тинмай изланишга сафарбар этади. Бу сафарбарлик ва миллий ифтихорни ўсиб келаётган ёш авлодда карор топтириш учун олий

[1] Қосимова 3 Х Талаба ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг педагогик асослар-1 (Олий укув юртлари маънавий-маърифий ишлари мисолида): Пед. файл номз.. лисе - Тошкент, 2004. - 9-бет.

' Ўша ман(>а. 13-бет.

Курбонш езова З.К. Тарбиявий ишлар жараенида укувчиларда миллий узликни англашни шакллантиришнинг' педагогик асослари (Коракалпок мактабларининг УП-1Х синфлари мисолида): Пед. файл. номз. лисе .. автореферат- Тошкент, 2002. - 3-4-бетлар.



таълим тизими катта имкониятларга эга. Чунки бугунги кунда ушбу масканларда ўзбек халқининг ўтмиши, аждодларнинг бой маънавий мероси, бугунги бунёдкорлик фаолияти кенг кўламда ўргатилмоқда.

"Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури'да инсонни интеллектуал ва маънавий — ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш назарда тутилади. Модомики, давлат баркамол шахсни тарбиялашни талаб этар экан, бу маънавий қадриятлар, маънавий мерос, миллий ифтихорнинг аждодлар сиймосида намоён бўлганлигини англаб отиши, бу туйғуни ўзида сингдира олиши, жамиятда бу йўлда кенг кўламли маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш керак.

Зеро, "Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб обрўли ўрин эгаллаши учун фидоийлик билан курашиши мумкин"[1].

Миллий ифтихор гуйғуси миллий мансубликни чуқур англаш, уни эъзозлашга маънавий—рухий жиҳатдан келиб чиққан эҳтиёж маҳсулидир. Миллий ифтихор, энг аввало, ўзлитини англаш, миллий равнақни таъминлаш йўлидаги хатти — ҳаракат, ўз миллати истиқболи олдида масъулликнинг бeқиёс намунасидир. Миллий ифтихор туйғусига. эга бўлган ҳар бир киши ўз миллати ўтмишини яхши билган, қадрлай олган ва айни пайтда уни янгича шароитлар, ҳолатларда бойитиб борадиган баркамол шахедир. Шу билан бир қаторда ўсиб келаётган ёш авлод бошка миллатлар миллий анъаналари, санъати ва маданиятини ҳурмат қилиш

[1] Каримов И А Ьаркамол авлод - Узбекиетон тараккиетининг пойдевори - Ташкент: Шарк, 1997. - 67-бет

қобилияти, уларни англаш салоҳиятига эга бўлмоғи лозим.

Талабаларда миллий ифтихорни шакллантириш улар онгига миллат тақдири, бугуни ва эртанги кунига ишонч, у томонидан яратилган маданиятдан фахрланиш, уни асраш ва бойитиш йўлида меҳнат қилиш ғояларини сингдиришдан иборат.

XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида яшаб, ижод этган мутафаккирлар ўз асарларида бола тарбиясига, ёшларда ватанпарварлик, миллий ифтихор туйғусини камол топтиришга алоҳида эътибор берганлар.

Ўзбек халқининг ардоқли фарзандлари бўлган аждодлар1[1миз] ўзида миллий ифтихор туйғусини намоён қила олган. Жумладан, Маҳмудхўжа Беҳбудийиинг қуйидаги сўзларида миллий мансубликдан ғурурланиш, миллий ифтихор туйғуси яққол намоён бўлади: "Биз ўз қисматимизии биламиз. Агар бизнинг ҳаётимиз ҳуррият ва халқнинг бахт—саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз ... мумкин қа^ар кўпроқ яхши мактаблар очиш, шунингдек, маориф ва халқ бахт—саодатини таъминлаш соҳс.сида тинмай ишлаш бизга ҳайкал бўлади

Абдурауф Абдурахмон ўғли Фитрат ҳам ўз Ватанини севади, у билан фахрланади, уни ҳар нар^адан мукаддас тутади ва ёшларни Ватанни севишга, ардоқлашга чорлайди. У "Сайҳа" тўпламидаги шеърларидан бирида шундай ёзади:

Ватанни зиёрат қилмоққа
Эрта тонгда кел.
Ҳай~Ҳай қандай Ватан бу!
у менинг саждагоҳим,
Осойишим, иззатим, шарафим,
Ҳам каъбам, ҳам қалбим,
Ҳам чаманимдир[1].

[1] Мэхлудхужа Бехбуаий Танланган асарлар. - Тошкент Маънакият, 1999 - 66-бет.
[1] Аблупауф Фитрэг Танланган асарлар. 1-Жилл. -Тошкент, 2000. - 133-бег.



Бу мисралар ватанпарварликнинг юксак намунаси бўлиб, ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда алоҳида қимматга эга. Муаллиф Ватаннинг равнақ топиши учун ёшларни дунёвий илмларни эгаллашга даъват этади, бу йўлда ўзи фидойилик намунасини кўрсатади.

Фитратнинг фикрича, ҳар бир инсон ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиши учун у соғлом фикрли ва по к ахлоқли бўлмоғи керак. Ҳар миллат ўз келажагини ўйлар экан, ёшларга эътиборини қаратмоғи, уларни мунтазам жисмоний, ақлий, руҳий томонидан чиниқтирмоғи лозим.

Мунавварқори Абдурашидхон ўғли болаларга атаб ёзган асарларида Ватанга садоқат ва меҳр—мухаббат, инсонийлик, тўғрилик, меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантиришга эътибор берган. Унинг фикрича, Ватанни севиш, унинг гуллаб яшнаши учун меҳнат қилиш ва улғайиш зарур. Шу сабабли аллома болалар қалбига Ватан гўзаллигини сингдириб, уларни Ватан олдидаги фуқаролик бурчини юксак даражада бажарадиган кишилар қилиб камол топтиришни, Ватан ўз фарзандларидан нажот кутиб турганлигини таъкидлайди.

Н.Жўраев ўзининг "Уйғоқ нигоҳ" китобида истиклол даври муаммолари, демократиянинг маънавий—ахлоқий мазмуни, ҳозирги ижтимоий—сиёсий жараёнларнинг боришини атрофлича таҳлил қилган[2]. Асарда истиқлолнинг буюк моҳияти, ўзликни англаш — оламни англаш эканлиги, руҳий—маънавий янгиланишлар, иқтисодий—ҳуқуқий ислоҳотлар ҳақида фикр баён этилган. Муаллиф миллий ифтихор туйғуси, миллатнинх бой тарихи, маданий—маънавий мероси, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан ғурурланиш салоҳияти эканлигига урғу беради ва асосий

" Жураев Н Уйғок нигох.. - Тошкент, 1995. -152-бег.

эътиборни миллий ифтихор туйғусининг инсонпарварлик мазмуни, инсон моҳияти, ислом динининг миллий ифтихор, миллий ғурур туйғуларининг кучайишидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш ва Шарк халқларининг ўзига хос фазилатларини ёритишга қаратади.

Э.Юсупов ўзининг «Инсон камолотининг маънавий асослари» номли асарида маънавият, инсон маънавияти, унинг шаклланиш босқичлари, шахс маънавиятини шакллантиришда алоҳида ўрин тутувчи омиллар, маънавиятга эришишнинг ижтимоий — ахлоқий аҳамияти, шунингдек, шахснинг психологик хусусиятларига таянган ҳолда унинг маънавиятини шакллантириш шартлари ҳақида с:ўз юритади. Ишиинг эътиборли жиҳати ватанпарварликнинг гдаънавияти юксак инсонга хос бўлган фазилаг эканлигига алоҳида урғу берилади. Шунингдек, «ватанпарварлик» тушунчаси шарҳланади. Муаллифнинг фикрича, «ватанпарварлик — ўз тақдирини ватан, миллат тақдири билан боглаган барча кишиларга хос фазилат. Миллат тараққиётининг имкониятлари, шон — шухрати, обрў — эътибори ҳам шу Миллат кишиларидаги ватанпарварлик туйгусининг шаклланганлик даражаси билан боғлиқдир»[1].

М.Шарифхўжаев "Ифтихор" номли китобида келажаги буюк давлат билан ҳақли равишда фахрланиш туйғулари, мустақиллик йилларида республикада эришилган ютуқлар тўғрисидаги [сарашларини ифодалаган[2]. Муаллиф республикадаги ижтимоий — сиёсий барқарорлик негизини асослаб берар экан, халқнйнг ишончини қозона олган раҳбар шахсга хос сифатлар, республикада амалга оширилаётган ижтимоий ўзгарйшларнй таърифлаб, истиклол ғоясининг асосини Ватанга бўлган муҳаббат, миллий ифтихор, ватанпарварлик

[1] Юсупов Э. Инсэн камолотининг маънавий асослари. - Тошкент: Университет, 1998 - 148-бет

[2]Шарифхўжаев М. Ифтихор, - Тошкент Узбекиетон, 1993.



ташкил этиши лозим деган фикрни илгари суради. Муа ллиф миллий ифтихор ҳақида тўхталиб, ўзбек халқ,и тарихини пухта ўрганиш, миллий анъаналари ва урф - одатларини тиклаш, уни ҳозигрги замон ютуқлари билан бойитиш зарурлигига урғу беради.

Ж.Туленов, К.Юсупов, З.Ғафуровларнинг "Истиклол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари"[1] номли рисоласида миллий мафкуранинг моҳияти, иқтисодий, сиёсий, маданий — маънавий соҳалардаги вазифалари хақида фикр— мулоҳазалар баён этилган. Муаллифлар истиклол мафкурасининг шаклланиш жараёнини, янги мафкуранинг инсон камолотида тутган ўрни, ватанпарварлик билан узвийлиги хусусида фикр билдирганлар. Рисолада маданий — маънавий тараққиёт мафкураси, миллий онг — миллий маданиятнинг таркибий кисми, истиклол мафкураси халқимизнинг миллий ғу|эурига асосланганлиги, уни ҳаётга тадбиқ этиш йўллари ҳам ифодаланган.

Б.Зиёму:^амедов, С.Зиямухамедова, С.Кодировалар томонидан яратилган "Маънавият асослари"[2] дарелигида муаллифлар ўз олдиларига талабалар маънавиятини таркиб топтиришнинг илмий — назарий асосларини ёритиш вазифасини қўйганлар. Миллий маънавиятимт[знинг такомиллашув босқичларида иштирок этган ота — боболаримиз ва замондошларимизнияг бутун дунёга маълум бўлган маънавияти билан ёшларни яқиндан таништириш имкониятини яратганлар. Маънавий баркамол инсон сиймосини тасвирлаб бериб, бу даражага эришиш сирларидан ёшларни хабардор килишни асосий мақсад қилиб қўйганлар.

[1] Туленов Ж., Юсупов К., Ғафуров 3. Истиклол ва тараккиет мафкураси: максад ва йўналишлари - Тошкент: Узбекиетон, 1993.-48 бег

[2] Зибмухамедов Б., Зиемухамедова С, Қодирова С. Маънавият асослари. - Тошкент. Узбекиетон Миллий эициклопедияси давлат илмий нашрийти, 2000.

Шунга кўра, дарсликда маънавиятнинг моҳияти, маънавий мерос, Марказий Осиё ижтимоий — фалсафий фикри тараққиётида маънавият масаласи, Марказий Осиё халқларининг қадимий маънавияти, ислом маънавияти, тГ&саввуф ва унинг маънавияти, Марказий Осиё халқларининг IX-XX асарлардаги маънавияти, ўзбек халқининг XV — XX асрлардаги маънавияти, маънавий баркамол инсон, ахлоқ ва одоб маънавияти ва маърифат масалалари баён қилиб берилган.

И.Сувонқуловнинг "Маънавият илдизлари"[1] номли қўлланмасида узбек миллий маданияти кадриятлари ҳамда маънавий-маърифий бойликлари ҳақида фикр юритилади. Қўлланмада муаллиф умрбоқий анъаналар хусусида сўзлар экан, бу анъаналарни Эргаш Жуманбулбул ўғли ва унинг набира, эваралари давом эттирганлиги, уларнинг халқ оғзаки ижодини ривожлаитиришга қўшган ҳиссалари баён этилади. У "Алпомиш" достонида 16 бўғин қўнғирот уруғ бошлиқлари ака — ука Бойбўри ва Бойсариларнинг бефарзандлиги, ниҳоят Бойбўрининг Ҳакимбек (Алпомиш) ва Қалдирғоч номли ўғил, Бойсари Барчиной исмли қиз кўргани ва Барчинойни Алиомишга унаштирилиши, Бойбўрининг Бойсаридан закот сўрагани, шу муносабат ораларида бўлиб ўтган воқеаларни баён этади. Қўлланмада Амир Темур ва унинг аждодлари яратган ва келгуси авлодларга қолган ўлмас қадриятлари мисолларда к;ўрсатилади.

Маълумки, темурзодалар тарбияси Бибихоним билан боғлиқ. Бибихоним Шоҳрух ]У1ирзо, Улуғбек, Муҳаммад Султон, Ҳалил Султонларнинг илм-маърифат, миллий ифтихорни эгаллашларида раҳнамолик қилган.

[1] Сувонкулов И. Маънаяият иллизлари.- Самарканд, 2000. - 183 бет.



Узбек халқининг буюк фарзанди, ифтихори Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобурийлар хукмронлик қилган йилларда Ҳиндистон - Деҳли, Агра, Панжоб, Оллоқобод, Лох^ур, Кашмир, Ҳайдаробод каби вилоятларда жаҳонга машҳур тарихий обидалар, боғ — роғлар бунёд этган.

Муаллиф И.Сувонқулов қўлланмада батафсил маълумот бериб, буюк алломалар — Алишер Навоий, Мирзо Улуғбекнинг илм — фан, адабиёт, бунёдкорлик соҳасида қилган ишларини фахр билан баён қилади. У Суфи Оллоёрнинг ижоди, ҳадис илмининг моҳияти ҳақида кўтаринки руҳда фикр юритади.

Муҳими, муаллиф қўлланмада акс эттирган миллий қадриятлар ва ифтихор туйғуси фақат Узбекиетон мустақиллиги йилларидагина тикланганлигини кўрсатиб, бу неъматдан баҳраманд бўлаётганлигидан фахрланади.

Б.Аминов, Т.Расулов ўзларининг "Ватан ' - юракдаги жавоҳир"[1] номли китобларида ўқувчи ёшларда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, уларни Ватанига фидойилик, иймон-эътикодлилик, ота-боболар мероси, панд-насиҳатларига садоқатли бўлиш руҳида тарбиялашга дойр ўқув материалларини тақдим этганлар.

Китобда тарихимизда ёрқин из қолдирган сиймолар тўғрисида берилган :. материаллар ўқувчиларнинг ўз Ватанлари бўлмиш Ўзбекистонни севиб, асраб-авайлашлари, унинг истиқболи учун курашида муҳим омил бўлиши шубҳасиздир.

Н.Ортиқовнинг тадқиқот ишида миллий ва умуминсоний қадриятлар, уларнинг ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашдаги роли ва аҳамияти масаласи тадкиқ этилади. Маънавий-

[1] Аминов Б . РасуловТ Ватан - юракдаги жавохир - Тошкент: Ўкитувчи, 2001. 232 бег

маърифий ишларни ташкил этишда "Мактаб — оила — маҳалла" тизимининг шакллантирилишига эришиш ёшларда мустахкам маънавий — ахлоқий эътиқодни шакллантириш о мили эканлиги ҳақида фикрлар илмий метологик исломий таълимотлар, халк оғзаки ижоди ва халк, педагогикаси, шарқ алломаларининг одоб — ахлоқ ҳақидаги қарашлари асосиад баён этади.

Муаллифнинг фикрича, "... ақлий камолот ва ахлоқий баркамолликка эришиш йўли таълим ва тарбия орқали ўтади. Демак, айни чоғда шунга эътибор бериш зарурки, агар таълим учун, яъни ёшларни маълумотли, бугунги кун тошу тарозусига яраша билимдон мутахассис қилиб улғайтириш учун жаҳондаги энг илгор илм — фан ютуку.арини уларга ўргатиш, жаҳонга юз тутиш лозим бўлса, тарбия учун, яъни фарзандларимизни гўзал хулқли, одобли, серфазилат қилиб вояга етказиш учун кўпроқ ўз илдизларимиздан, ўз маънавий сарчашмаларимиздан фойдаланишимиз керак '.\.

С. Нишонованинг илмий изланишларида Шарк. Уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси масаласи ўрганилган. Ишда асосий эътибор Шарк. Уйғониш даврида Мовароуннахр ва Хуросонда яшаб ижод қилган мутафаккирларнинг таълимий - ахлоқий қарашларини таҳлил этиш асосида уларнинг баркамол инсон тарбияси тўғрисидаги таълимотларида илгари сурилган умумий қарашлар, шунингдек, хусусий ёндошувларни аниқлаш, уларни маълум тизимга солишга қаратилган.

Муаллиф «баркамол инсон» тушунчасига куйидагича таъриф беради: «баркамол инсон

[1] Ортикон Н. Миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида 5'кувми шахсини ахлокий шаюшаггчриш: Лед. файл докт. ... дисс -- Тошкент. 2000. - 6-бет



— бу ўзлигини, ўз қобилиятини ҳар томонлама намоён эта оладиган, ақлан етук, юксак истеъдод ва салоҳиятга эга бўлган, маънавий юксак, ахлоқан пок, жисмонан соғлом, ҳаёт гўзалликларини ҳис эта оладиган эркин, ижодкор шахсдир»[1].

Муаллиф томонидан Шарқ мутафаккирлари илгари сурган маънавий— ахлоқий қарашларнинг комил инсонни шакллантириш тарихида тутган ўрни ва бугунги кун учун аҳамиятининг очиб берилиши таълим муассасаларида маънавий— ахлоқий тарбияни самарали ташкил этилиши учун муҳим йўриқнома бўлиб хизмат қилади.

С.Очилов қаламига мансуб бўлган "Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари" асарида Узбекистан мустақиллиги даврида амалга оширилаётган ислоҳотлар, рўй бераётган тарбиявий жараёнлар ёритилган.

Муаллиф шу ўринда қуйидаги фикрни илгари суради: "Тарбия бериш деганда ... ўйин давомида, уй юмушлари жараёнида, таълим ва илм ўрганиш вақтида ҳаёт ва турмуш сабокларини сиёсий йўсинда тушунтиришни, колаверса, шахсий ўрнак кўрсатиш ҳолатини тушунмоқ ва. билмоқ лозим. Шу омиллар бир — бири билан қўшиб олиб борилиши керак",[2] — дейди.

Унинг ф'Икрича, "Инсон асосан икки йўл билан тарбияланиши лозим: бировларнинг бевосита таъсири, яъни ўргатиши, шунингдек, донолар фикрлари, ўгитлари ва асарларини ўқиш орқали инсон ўзининг фикрлаши, одамлар ҳатти - ҳаракатида, килган ва килаётган ишларида

[1] Нишонова С. Шарк уйгониш даври ледагогик фикр чдраккиетида баркамол инсон тарбияси: Пед.файл. докт. . дисс. - Тошкент, 1998, 34-бет

[2] Очилов С. Мустакиллик маънавияти ва тарбия асослари.- Тошкент: Укитувчи, 1995. - 3-бет.

тегишли хулосалар чиқариб олиши; энг қудратлиси — тафаккур воситасида тарбияланиши мумкин"[1].

Муаллиф Президент Ислом Каримовнинг ҳаёти ва илмий—ижодий, раҳбарлик фаолияти ва дунёқарашидаги ўзига хос миллийлик, шахси ва шахсий ўрнаклиги, ҳаёт ва турмуш тажрибаларини, зukkолиги ва камтарлиги, тадбиркорлиги ва ташаббускорлиги, ҳурфикрлиги, мардшги ва жасурлигини педагогик нуқтаи назардан ўрганиш зарурлигини айтади. У ўрганилган шу намуналар мажмуасини ёш авлодга тарбиявий йўлланма ва қўлланма сифатида тавсия этиш мақсадга мувофик эканлигини таъкидлайди.

Муаллиф шу фикрларга таянган ҳолда И.А.Каримовнинг илмий—ижодий фаолиятини, раҳбарлик салоҳияти, илмий тадқиқотларининг назарий ва амалий аҳамияти, илмий ишларини умумтаълим мактаблари, махсус ва олий таълим муассасаларида ўргатишга оид методик жараёнларни ва уларнинг тарбиявий моҳиятини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Асардаги мустақилликнинг моҳияти ва тарбия йўналиши, Конституциянинг маъно ва мазмуни, хурфикрлилик ва миллий ифтихор ҳақидаги фикрлар диққатга сазовор.

Республика олимлари маънавият масаласига доир яратган асарларида миллий кадриятлар ва унинг ёш авлодни камол топтиришдаги ўрни ва мохияти хусусида фикрларини баён қилганлар.

О.Мусурмонова ўзининг "Маънавий кадриятлар ва ёшлар тарбияси"[1] номли қўллс.нмасида узок йиллар давомида мактабларда олиб борган кузатиш ва тажрибаларига суянган ҳолда умумий ўрта таълим мактабларида адабиёт ва турмуш одоби фанларини ўқитиш жараёнида умуминсоний

[1] Ўша киюб, 4~бсг.
Мусур\онова О. Маънавий кадриятлар ва ешлар тарбияси - Тошкент: Ўкитувчи, 1996.



ва миллий кадриятлар муштараклигини таъминлаш усулларини баён этади.

Қўлланмада шахс маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари, маънавий қадриятларнинг тарбиявий имкониятларидан синфдан ва мактабдан •гашкари тарбиявий ишлар жараёнида фойдаланиш, дарс моҳиятини ёритиш мухим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтган. Юкори синф ўқувчиларининг маънавий маданиятини шакллантиришда амал қилиш лозим бўлган педагогик шартлар санаб ўтилган. Қўлланманинг муҳим жиҳати шундаки, муаллиф унда маътавий маданиятни шакллантириш йўлларини аниқ мисолларда ифодалай олган.

М.Қуронов Узбекистон Республтскаси мустакилликка эришгандан сўнг ижтимоий—иктисодий ҳаётнинг барча соҳалари, шу жумладан, таълим тизимида ҳам ислоҳотларнинг а)чалга оширилаётганлиги, мамлакатимизда таълимни ислоҳ қилиш ва кадрлар тайёрлаш тизими педагогика фани олдига мураккаб вазифаларни қўяётганлиги, таълимнинг барча бўғинларида ўқитиш ва тарбиялашнинг мақсади, мазмуни, методларига боғлиқ бўлган муаммоларни бажаришга киришилганлиги ҳақида ўз муносабатини билдириб, миллатлараро аҳилликка миллий маданият ва ўзбекона ватанпарварлик, ғурур ва ифтихор туйғуларини умумфуқаровий даражада ривожлантириш о'ркали эришиш мумкинлиги, ҳар бир халқнинг маънавий ва маърифий гуллаб яшнаши — умуминсоний камолот, уйғунликни ҳосил қилиши, ўқувчиларнинг Узбекистон ватанпарварлиги, миллий ғурури, миллатлараро мулокот маданияти, миллий одоби, миллий мафкуравий онглилиги каби фазилатлар, уларни қарор топтириш йўлларини кўрсатиб беради.

Бу ўринда муаллиф қуйидагиларни ёзади: "Миллийлик — қадриятдир. Миллийликни ўзида мужассамлантира олган ҳар бир инсон — миллий донишмандлик вакили, у ота — боболаридан мерос қолган ўз Миллий қадриятларига чуқур хурмат билан қарайди, жон дили билан тарғибот қилади. Миллий қадриятларга эътиборсизлик, ҳурматсизликни кўрганда ранжийди, ҳимоя қилади. ...

Тарбия — жамиятнинг асосий вазифаларидан биридир. Жамият эса номиллий бўла олмайди. Тарбия ёрдамида авлодларнинг синалган, энг маъқул, тараққийпарвар тажрибаси ўзлаштирилади ва янги авлодга етказилади, одамларнинг онги, хулқига шу жамиятда қабул қилинган ахлоқ меъёрлари сингдирилади, етакчилик қилаётган мафкура ўзлаштирилади"[1].

Ишда Ўзбекистоида миллий тарбия ғоясининг тикланиши ва ривожланиши, миллий тарбия мезонлари, таълимнинг миллий тарбиявий аҳамиятлари каби масалалар ҳам илмий далиллар ёрдамида очиб берилган. Бўлажак ўқитувчилар ушбу асар билан танишиш натижасида ўқувчиларда миллий ғурур ва ифтихор туйғусини шакллантиришнинг педагогик имкониятларини бир қадар батафсил ўзлаштира оладилар.

Маълумки, мустақиллик, миллий мафкура, миллий тараққиёт каби муқаддас қадриятларни халқ кенг ва теран идрок этмоқда. Қисқа вақт ичида мамлакатимиз хаётида оламшумул ўзгаришлар юз берди, Узбекиетон Республикасининг номи халқаро майдонда мустақил давлат сифатида эътироф этилди. Бу ўзгаризплар одамларнинг онги ва гафаккурига ҳам ижобий таъеир этмоқда. Бинобарин, ўсиб келаётган янги авлод дунёқарашида миллий ифтихор тарзида намоён бўлмоқда. Бу туйғуни

[1] Куронов М. Узбекиетон умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг нлмий-педапогик асослари: Пед. фанл докт. . . . цисс. • Тошкен, 1998. - 3 1 6 бет.



ривожлантириш, барқарор эътиқодга айлантлриш тстьлим тизимининг мухим вазифаларидан биридир.

Демак, мустақилликнинг моҳиятини янада чукур, пухта англаш, Ватанни севиш, у билан фахрланиш, Ватан шарафини ҳимоя қилиш учун ёшлар нималарга эътибор бериши кераклигини таълим-тарбия жараёнида ёшларга сингдириш муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида кўриб чиқилган мане>алар мазмунидан шу нарса аён бўлдики, ўқувчи ёки талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг мазмуни, методлари, шакл ва воситаларини ёритиб берган махсус тадқиқотлар амалга оширилмаган. Тадқиқот муаммосининг айрим жиҳатлари мавжуд адабиётларда қисман баё'н қилинган бўлиб, талаба-ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг педагогик асосларини яратиш масаласи ўз ечим:ини кутаётган долзарб муаммодир.

Бизнинг назаримизда, «ғурур» ва «ифтихор» гушунчалари ўрганилаётган объект нуқтаи назаридан хам индивидуал, ҳам ижтимоий хусусиятни намоён эта олади. Зеро, шахс ғурури - бу муайян шахсга хос бўлган психологик хусусият бўлиб, у шахснинг ижтимоий мавқеи (масалан, маълум миллат вакили сифатидаги мавқеи), шахсий хусусиятлар, 'Гфмуш тарзи, касбий ёки ижтимоий фаолият. эришилган муваффақиятлардан қониқиш ҳосил қилиш саналади. Миллий ғурур туйғусига эгалик маълум миллатга мансуб шахснинг ана шу миллатиинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, мавқеи, инсоният тараққиёти ва цивилизациясига қўшган ҳисс:асини англаш, фахрланиш ва қониқиш демакдир.

Миллий ифтихор эса — бу муайян миллатга мансублик ва бу миллат томонидан жаҳон маданиятига қўшилган ҳиссадан фахрланиш, шунингдек, ўзи мансуб бўлган миллатга садоқатли бўлиш ҳиссини туйиш ва бу йўлда амалий фаолият кўрсатишдан иборатдир. Хўш,

«миллий ифтихор» туйғуси негизида қандай сифатлар намоён бўлади? Тадқикотни олиб бориш даврида ана шу саволга жавоб топишга уриниб кўрдик.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўкувчиларида миллий ўзликни англаш туйғусини шакллантириш масаласи бўйича" изланиш олиб борган З.Қурбаниязова «миллий ўзликни англаш» туйғусининг моҳиятини ёритиш билан бирга бу туйгунинг таркибий қисмлари тўғрисида қуйидаги фикрни илгари суради: «Миллий ўзликни англаш — бу барча инсоний фазилатларнинг ибтидоси бўлиб, халкичиз тарихий хотираси. ижтимоий - маънавий ҳаёти, миллий мероси, урф — одат ва анъаналари, қадриятлари, рухияти ҳақида мустаҳкам билим, кўиикма ва малакалар бирлигига эришиш, уларни онгли равишда бахолаш, маънавий ҲИС — туйғуларнинг ижобий бўлишига эришиш, ўзини онгли равишда бошқариш, Ватан туйғуси билан яшаш, унинг тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш; она тилини эъзозлаш ва бошқа миллатларга ҳурмат ила муносабатда бўлиш каби фазилатларни ўзида мужассамлаштириш мажмуидир»'. Демак, миллий ўзликни англаш туйғуси негизида қуйидаги фазилатлар кўзга ташланади:

1) халкининг тарихий хотирасига хурмат;

2) миллатнинг ижтимоий — маънавий ҳаёти, миллий мероси, урф —одат ва анъаналари, қадриятлари, рухияти ҳақидаги мустаҳкам билимларга эта бўлиш;

3) халқ ижтимоий —маънавий ҳаётини янада ривожлантириш, миллий мерос, урф —одат ва анъаналари, кадриятларни асраб — авайлаш, уни бойитиш кўникма ва малакаларига эга бўлиш;

4) уларни онгли равишда бахолаш;

5) маънавий ҳис — туйғуларнинг ижобий бўлишига эр>ишиш;

Курбонни Кюва З.К. Тарбиявий ишлар жараёнида укувчиларда миллий ўзликни англашни шакллантиришнинг педагогик асослари (Қоракалпок макгабларининг УП-1Х синфларй мисолида): Пел фагл. номз .. дисс автореферата - Тошкент, 2002. - 11 -бет



6) ўзини онгли равишда бошқариш;

7) Ватан туйғуси билан яшаш, унинг тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш;

8) она тилини эъзозлаш;

9) бошқа миллатларни ҳурмат қилиш, уларнинг маданияти ва миллий қадриятларига онгли ёндашиш.

Бу таснифха таянган ҳолд[а] «миллий ифтихор» туйғусига эгалик асосида акс этувчи фазилатлар мажмуини белгилашга уриндик. Бизнинг назаримизда бу тасниср қуйидагича:

1) хал.қ тарихидан тўла хабар дорлик, миллатнинг ўтмиши, гарихига бўлган хурмат;

2) унинг шонли саҳифалари гўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш, шиддатли тарихий ўзгаришлар даврида хам миллатнинг маънавий — ахлоқий қарашлари, эътикодидан воз кечмаганлигидан ғурурланиш;

3) миллатга хос бўлган ижтимоий рухият, унинг ижобий кўринишлари ва миллий турмуш тарзининг ўзи]:а хослигидан фахрланиш;

4) миллий маданиятнинг жаҳон халқлари цивилизациясига қўшилган ҳисса эканлигини англаш;

5) миллий урф — одат, анъана ва кадриятларнинг мазмунини чуқур англаган ҳолда уларни асраш ва янада бойитиш йўлидаги харакатни ташкил этиш;

6) она тилининг миллат нишони, ьурури эканлигини ҳис қилиш;

7) миллат эрки ва Ватан мустақиллиги учун курашиш, тинчликни таъминлаш бебаҳо миллий қадрият эканлигини англаш.

Халк тарихидан тўла хабардор бўлиш талабаларга миллий мансублик, миллатнинг ўтмиши, тарихининг ўзига хослигига оид маълумотларга эга бўлиш имконини беради. Зеро, ўз халқи тарихини англамаган икс си ўзининг жамиятдаги ўрни, турли миллатлар орасидаги мавқеини белгила!! олмайди.

Ижтимоий мавқега эга бўлмаган инсон эса мустақил фикрлай, турли вазиятларда ўзи: қарор қабул кила олмайди. Шу боис у қарамлик, мутеълик ва кулликка маҳкум бўлади.

Миллатнинг шонли саҳифалари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш, шиддатли тарихий ўзгаришлар даврида ҳам миллатнинг маънавий—ахлоқий қарашлари, эътиқодидан воз кечмаганлигидан ғурурланиш инсонда келажакка бўлган ишонч ҳиссини уйғогади. Келажакка ишонч шахсда рухий бардамлик, тетикликни тарбиялайди, мураккаб, ўта қийин: вазиятларда хам таҳликага тушмаслик, йвзиятдан чика олиш учун ҳаракат қилишига туртки беради.

Миллатга хос ижтимоий рухият унинг бутуни ва эртанги кунининг мазмунини яратишга хизмат қилади. Миллий рухият ўз навбатида ижтимоий турмуш тарз.йБинг шаклланиши учун асосдир. Бу ўринда миллат рух,иятига хос ижобий жиҳатларни ажрата олиш, уларни такомиллаштириш, шу билан бирга салбий ҳолатларни бартараф этиш: миллатнинг ҳар томонлама тараққий этиши учун замин яратади.

Миллий маданият миллат тарихининг маҳсулдорлигини кўрсатувчи омил ҳисобланади. Турли миллий маданиятлар асосида жаҳон цивилизацияси таъминланади, Бир миллатнинг жаҳон цивилизациясига Кўшган ҳиссаси у томонидан яратилган маданият билан белгиланади. Миллатнинг жахан цивилизациясига қўшган ҳиссасини англаш, миллий маданият асосларидан хабардорлик инсонда ўзига хос ғурур, ифтихорни юзага кел^иради.

Миллий урф-одат, анъана ва кадриятлар, уларда илгари сурилган ғоялар инсон рухиятининг шаюкланиши, унда маънавий—ахлоқий сифатларни тарбиялашга хизмат қилади. Миллийликни белгиловчи омиллардан бири урф—одат, анъана ва кадриятлардир. Шу сабабли инсон хам миллат вакилларидан бири сифстТида миллий урф—одат, анъана ва қадриятларни асраш, уларни янада бойитиш тўғрисида қайғуриши



зарур. Ўз навбатида миллий урф-одат, анъана ва кадриятлар ғояларининг миллат равнақи, инсоният тараққиётига хизмат қилиши билан фахрланиш талабаларнинг миллий ифтихор туйғусига эга бўлишларини таъминлайди. Ўқув-тарбиявий иш/лрни ташкил этишда талабаларни миллий урф—одат, анъана ва қадриятларни асраш, уларни бойитиш учун ҳаракат кила олиш кўникмаларини тарбиялашга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ.

Миллатнинг миллат эканлигини белгиловчи мухим омиллардан бири унинг миллий тилга эгалиги ҳисобланади. Миллий тилнинг равнақи миллат куч-қудратидан далолат беради. Турли маданиятлар интеграцияси юзага келаётган бир шароитда мил;УИЙ тилни сақлаб қолиш, уни янада бойитиш долзарб вазифа. Шу сабабли олий таълим муассасалари талабаларида миллий тилга бўлган ҳурматни 1;арор топтириш, унинг мазмунан саёзланишига йўл қўймаслик зар;ур. Ўқув фанлари, шу билан бирга тарбиявий ишлар воситасида миллий тил имкониятларидан талабаларни хабардор қилиб бориш кутилган натижаларни беради, уларда миллий ифтихор туйгусини шакллантиради.

Миллатга хос бўлган маънавий кадриятлар орасида халк эрки ва Ватан мустақиллиги учун курашиш, тинчликни таъминлаш асосий ўринни эгаллайди. Тарихдан маълумки, эрк ва озодлик йўлида курашиш ҳаётий мақсад ҳисобланган. Талабаларни аждодларга хос ана шундай фазилатларга эга бўлишларига эришиш, улар га халқ қаҳрамонларининг жасоратлари тўғрисида маълумотлар бериш, бу йўлда таъсирчан воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (3—чизмага қаранг).

Муаммони тадқиқ этиш мавжуд зиддиятларни бартараф этишнинг қуйидаги йўллари самс[рали эканлигини исботлади:

1. Хусусий фанларни ўқитиш жараёнида талабаларга миллий кадриятлар, уларнинг ижтимоий

3 —чизма. Миллий ифтихор туйғусининг таркибий асослари






ахамияти, ўзбек халқининг жаҳон илм-фани ва цивилизациясига қўшган хиссаси ҳақидаги маълумотларни беришга жиддий эътибор каратиш.

2. Тарбиявий жараёнда талабаларда миллий ифтихор туйгусини шакллантиришга хизмат қилувчи тадбирларнинг етакчи ўрин тутиши ҳамда ташкил этилаётган тадбирларнинг ғоявий жиҳатдан юксак савияда бўлиши учун барча имкониятларни ишга солиш.

3. Олий таълим муассасаларининг талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантириш жараёнида оммавий ахборот воситалари хизматидан самарали фойдаланиш ва уларнинг ролини ошириш, ана шу мақсадда оммавий ахборот воситалари билан кенг жамоатчилик ўртасида ижодий ҳамкорликка эришиш, уларнинг фаолиятига жамоатчилик баҳосини бериш тизимини ишлаб чиқиш ва бу гизимгинг тўлақонли ишлашини таъминлашга эришиш.

4. Бош гояси маиший муаммолардангина иборат бўлиб, ғоявий савияси ва ижро маҳорати паст бўлган мусиқа ва кино санъати намуналарининг оммавий ахборот воситалари саҳифаларидан урин олишига нисбатан жамоатчилик таъсирини ўтказиш, шу билан бирга газета ва журналларда имкони бс'рича кўпроқ ижтимоий онг ва шахс дунёқарашини бойитиш, фуқароларда фикрлаш лаё?;атини шакллантириш, маиший биқиқликдан холи бўлиш орқали ижтимоий фаолликни қарор топтиршшга оид макол^аларнинг чоп этилишини таъминлац].

5. Ишлаб чиқариш ва ижод соҳаларида самара-чи фаолият юритаётган замона қаҳрамонлар>ини ёшларга таништиришга алохида эътибор каратиш ва бу йўдд,а фаоллик кўрсатиш.

6. Ёшларда умуммил,\ат • ва жамият манфаатларини шахсий манфаатлардан юқори кўя олишлари, жамият ва миллат олдидаги инсоний бурчларини тўлақонли англашлари, халқ бахт-саодати

хамда юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилишларига эришиш учун психологик ва педагогик шароит яратиш.

7. Ёшлар ўртасида ватанпарварлик ва ҳарбий ватанпарварлик ғояларини тарғиб этувчи тадбирларнинг кенг кўлам ва юксак савияда ташкил этиш анъанасини қайта тиклаш.

8. Хорижий мамлакатлар ва республика олий таълим муассасаларининг талабалари (умуман ёшларда) миллий ифтихор туйғусини шакллантиришга оид тўпланган тажрибаларни ўрганиш, уларда илгари сурилаётган илғор қарашларни умумлаштириш, уларни оммалаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

1 9. Ёшларда миллий ифтихор туйгусини шакллантиришнинг психологик-педагогик ва фалсафий жиҳатларини яхлит ҳолда ўрганилишига эришиш, мазкур жараённи ташкил этишнинг самарали йўллари, омиллари ва воситаларини етарли даражада ўрганиш (4—чизмага қаранг).

Юқорида ифодаланган фикрлар асосида олий таълим муассасаларининг талабаларида миллий ифтихор туйгусини шакллантириш жараёнининг мазмунини қуйидагича ифодалаш мумкин: талабаларда миллий ифтихор туйгусини шакллантириш ижтимоий зарурият бўлиб, бу муаммонинг ҳал этилиши миллий муста^илликни мустаҳкамлаш ва миллатнинг халкаро майдондаги обрўсини оширишга хизмат қилади. Ўқув фанларининг талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш имкониятини аниқлаш, педагогик шарт—шароитлар, омилларни ўрганиш, таълим ва тарбиявий ишлар мазмунида бу масаланинг акс этишига эришиш, тарбиявий ишларни талабалар ўртасида миллий иф>тихор туйгусини шакллантирувчи ғояларнинг таргиб этилишига қаратиш зарур. Шу билан бирга ўқув—тарбия жараёнида талабаларнинг миллий ифтихор туйғусига эга бўлишларига ёрдам берувчи самарали шакл, метод ва воситаларни белгилаш хам муҳимдир. Талабаларнинг миллий ифтихор туйғусига эгалик даражалари аник белгиловчи мезонлар асосиДа



4 – чизма. Талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш йўллари



## 5-чизма. Талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш жараёнининг андозаси

Ижтимоий заруриятнинг юзага келиши
(миллий мустақилликни мустахкамлаш; миллат шон—шухратини қайта тиклаш; миллий ўзликни англаш; миллат истиқболига бўлган ишончни қарор топтириш)

Кутилаётган нагижа:
Талабаларнинг миллий ифтихор туйғусига эга бўлишлари

Олий таълим муассасаси фаолиятининг мазмуни

Таълим жараёнининг мазмуни ва самарадорлик даражаси

Маънавий—маърифий ишлар мазмуни ва йўналиши

**Педагогик шарт-шароит**
(шакл, метод ва воситалари, омиллари)

**Жараённинг фаол субьектлари:**
Талабалар, педагоглар, Республика «Камолот» ижтимоий ҳаракати ва унинг бошлангич ташкилотлари, ота—оналар, кенг жамоатчилик

Талабаларнинг миллий ифтихор туйгусига эгаликларини акс эттирувчи жищатлар

Миллат тарихини пухта билиш: она тилига бўлган чексиз хурмат; миллатнинг ижтимоий рухияти (унинг ижобий кўркнишлари) ва миллат турмуш тарзииинг ўзига хослигидан фахрланиш; миллатнинг ахлоқий карашлари, эътикодининг хшслигига ишониш; миллий урф—одатлар, антьанв ва қадриятларни асраш, уларни бойитиш; миллатнинг жаҳон цивилизациясига қўшилган ҳиссасини англаш; миллат эрки ва Ватан мустакиллиги учун курашиш, тинчликни бебаҳо миллий қадрият сифатида эъзозлаш



узлуксиз равишда ўрганилиб борилиши лозим,

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг миллий ифтихор туйгусига эга бўлишларини таъминлашда микро ва макромухитларнинг таъсири кучлидир. Шу боис талабалар мансуб булган муҳитда ижтимоий соғл.ом муносабатларнинг қарор топишига эришиш ниҳоятда муҳим (5—чизмага қаранг).

Демак, олий таълим муассасаларида талабаларнинг миллий ифтихор туйгусига эга бўлишларини таъминлашда бу жараённи яхлит ташкил этиш, унда хар бир самарали омилдан макеадли фойдаланиш, имкониятларни кўра олиш ва уларнинг самарадорлигини бахолаш мухим ахамиятга эга.

## Талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари

' -гуту I о *Ма6М< • ф щ»кт( йтч " [1]

Мустақиллигимизга муносиб, жаҳон таниган аждодларимизга лойиқ, собитқадам, маънавияти вжсак баркамол инсонни тарбиялаш жараёнида жамият ривожланишига монанд ўзгаришларнинг психологик табиатини англаш ва уларга мое келадиган чора—тадбирларни аник белгилаш катта ахамиятга эгадир. Чунки, мустақил юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари баркамол шахс камолоти узун яратилаётган шарт—шароитлар унинг ўзлигини англаб бориши ва ўз устида чукур ишлаган тарзда Ширя равнақи ҳамда юрт тараққиёти учун сидкидилдан меҳнат килиш мақсадида бутун имкониятлаэини, ақлини сафарбар этишга ундайди. Ислохотлар ва уларнинг том маънодаги моҳиятини эса биринчи навбатда ёшларнинг илғор вакиллари бў.лмиш

талабалар англайдилар. Ёш авлодни янгича таълим стандартлари асосида, қалбида Ватанга мухаббат, унинг келажагига ишонч, миллий ифтихор туйгуси жўш урган мутахассислар қилиб тарбдадаш иши олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларга таълим бериш ва уларни тарбиялашнинг энг' самарали усулларини амалиётга жорий этиш ҳамда шу орқали миллатимиз равнақига хизмат қилувчи миллий истиклол ғоясини онгга сингдиришга оид мухим қоиуниятларни билиш мақсадга мувофиқдир. "Бу хайрли иш энг аввало, ҳар бир талаба онгига ён -- атрофдагилар билан бўладиган муомалада энг илғор ва Ватан мустакиллигига хизмат қилувчи фикр-ғояларни теран тахлил этиш ва онгли фаолиятида уларга амал килишга хизмат қилади"[1], — деб таъкидлайди психолог В.Каримова .

Узбекистонда таълим тизимининг асосий мақсад ва моҳиятидан келиб чиқиб шуни эътироф этиш мумкинки, ёшлар онгига мустақилликни мустахкамлаш, халки билан фахрланиш, миллий ифтихор туйғуларини сингдиришда "профессор — талаба", "тарбияловчи — тарбияланувчи" муносабатларида. мамлакатимизда озод ва обод Ватанни, эркин ва фаровон ҳаётни барио этиш бевосита талаба — ёшларга боғлиқлигини тушунтиришдир. Буни амалга ошириш уч^уп эса ҳар бир дарсда уларнинг келажагига боғлиқ барча фанларга ихлос қўйиш, қизиқиш кўъгикмаларини ҳосил қилишга эътиборни кучайтириш лозим бўлади.

Иқтисодиёт й;ўналишид,а таҳсил олаётган талабаларга Ватанимиз келажагига хизмат қилишда мутахассислик фанларининг ўрни ва аҳамиятини тушунтириш учун, албатта, ёшларимиз онгида мустақилл.иғ:ка меҳр, миллий ифтихор туйгусини шакллантиришга хизмат қиладиган аниқ фактлар, ]гортимиз тараққиёти билан боғлиқ рақамларни келтириш, ;^укуматимиз томонидан олиб борилаётган бунёдкорлиғ: ишлари, Олий Мажлис сессияларидаги

[1] Каримова В. М. Миллий истиклол гоясини таълим жараёнига жорий этишнш̆ғ педагогик хамда психологик асослари. - Тошкент: ЎАЖБНТ, 2002. - 4-бет.



давлатимиз раҳбари томонидан берилган маълумотлардан фойдаланиш. талаба - ёшларнинг ўчлари буларни мукаммал ўт>иб, эркин мушоҳада қилишлари, уларни миллатимиз ва давлатчилигимиз гарихи ва қадимий анъаналаримиз билан қиёслаб ўзлаштиришлари яхши ватижалар беради.

Яна бир мухим жиҳат шундан иборатки, ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда баландпарвоз гаплар, курук насиҳатгўйликдан қочиш керак. Талабаларнинг "катталик ҳиссига" таяниб, Ватан ва эл — юрт тараққиётида уларнинг бевосита масъул эканликлари, тарихда ота — боболаримиз хаёти юксак маънавият эгаси эканлигимизга асос бўлишини жиддий туриб, уларнинг шахсий фикрларига қўшилган ҳол/к,а, бўлажак ма1злум касб — кор эгалари сифатидаги билимларини ўрганган тартибда ёндашиш керак бўлади.

Демак, ёшлар онгига миллий ифтихор туйгусини сингдириш енгил — елпи қараладиган ёки шошма — шошарликни талаб қидадиган жараён эмас, аксинча, бу ҳолат педагоглар ҳаракатининг беҳуда сарфланишига сабаб бўлиши мумкин.

Та/\аба — ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чикилган ми/1лий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ўргатишга қўйилган универсал талабларга эътиборни қаратиш ўринли бўлар эди, деб ҳисоблаймиз:

ўқув машғулотларини олиб боришда талабаларнинг ёши, тафаккури, дунё]сараши ва қизиқишларини ҳисобга олиш;

таълим — тарбиянинг илғор, таъсирчан воситаларидан, замонавий ўқитиш технологияси имкониятларидан кенг фойдаланиш;

айрим тушунчаларни ҳаддан зиёд соддалашгириш, таълимнинг эскича услуб ва тамойилларини қўллаш натиж'асидс! фаннинг қадрс:изланишига йўл қўймаслик;

таълим жараёнида тазйик ўтказмасдан маърифий асосда иш тутиш, ёшларнинг мустақил ва эркин фикрлаш, баҳс — мунозара юритиш кунмкма\арини оширишга эътибор қаратиш;

ўқитувчи ва тингловчилар ўртасида ўзаро ҳамфикрлик ва ҳамкорлик мухитини шакллантириш, мавзунинг тушунча ва тамойилларини шарҳлашда хс.ётий мисоллар, бугунги дун ё да рўй бераётган воқеалар таҳлилидан, матбуот материалларидан кенг фойдаланиш;

ёшларда ғоялар ўз маъно — моҳиятига кўра бунёдкор ёки вайронкор бўлиши ҳақидаги ҳаётий ва хакдоний тасаввурларни шакллантириш;

миллий истиклол ғоясининг инсонпарварлик моҳиятини кўрсатиш асосида мустақиллик биз учун энг олий қадрият, уни асраб — авайлаш эса ҳар биримизнинг мукаддас бурчимиз эканини талабаларнинг қалби ва онгига сингдириш[1].

Шу ўринда, талабаларда миллий ифтихор туйгусини шакллантиришда зўрлаш, мажбурлаш усулларидан қочиш лозимлигини қайта — қайта уқтириш лозим, деб ўйлаймиз. Жаҳон адабиётида муносиб ўрин эгаллаган француз ёзувчиси Анатоль Франс: "Тазйик остида берилган билим, ақлни бўғади", — деган эди.

Ҳар қандай фикрни тингловчига етказишда, бизнинг ҳолатимизда, талабаларда миллий ифтихор туйгусини шакллантиришда билим, кўникма ва малака ҳосил қилувчи ўқитувчи шахси ва унинг ўкитувчилик лаё^ати тарбияланувчи томонидан ҳис қилиниши катга аҳамият касб этади. Агар ўкитувчи обрўли бўлса, у қ,ай и фандан дарс беришидан қатъи назар, берадиган маълумоти ишонарли ва таъсирчан бўлади.

Профессор — ўкит^гвчининг талабаларга епжазадиган маълумотлари мазмуни ва уни дидактик

' *Мт* пий истиклол гояси: асосий тушунча ватамойиллар (Маъруза матнлари учун магериаллар) /,' Тошкент, 2001.-3 — 4 — бетлар.



нуқтаи назардан қандай берилиши ҳам мухим аҳамият касб этиши педагогикага аён.

Ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришга хизмат қилувчи материалнинг шагсуи:

— китобларда баён этилган бўлиши;

— матнга монанд махсус кўргазмали қуроллар тайёрланган бўлиши мумкин.

Иккала ҳолатда ҳам биз ёзма нашр шаклини назарда тутдик, чунки бу ҳолатда кўпчиликка манфаатли маълумотлар қўлдан-қўлга ўтиб, ўз аудиториясини кенгайтириши қулай бўлади; ўз таъсирини кучайтириш учун китобий матнлар ёки миллий ифтихор туйгусини шакллантирувчи кўргазмали қуроллар кайта — қайта ўқилиши, ҳаттоки ёд олиниши мумкин бўлади; китобий тилда ёзилган бирор *матп* мураккаброқ, тушунарсиз бўлса, профессор —ўкитувчи томонидан, дета1лаштирилиб тушунтирилиб берилади; ёзма маълумотни тингловчининг ўзи алоҳида ҳам қироат қилиши имконияти бўлади ва ҳоказо.

Дарс ва дарсдан ташқари вақтларда ёшларга миллий ифтихор туйгусини сингдиришда педагогик жиҳатдан эътиборга олиниши лозим бўлган яна бир муҳим жиҳат — қандай воситалар ёрдш^ида берилаётган маълумотни етказиш масаласидир. Китоблар, тайёр кўтзгазмали қуроллардан тапг^ари ҳозирги кунда аудио —видео воситалар, мултимедиалар, видеослайдлар, масофали ўқитиш, электрон версиялардан фойдаланиш имкониятлари кенгаймокда. Бизнингча, қўйилган мақсадга эришишда аудио-визуал идрок этиш воситаларидан ўринли ва унумли фойдаланиш яхши самара беради.

«Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (маъруза матнлари учун материаллар)»[1], асарида миллий истиклол ғоясини ёшлар онгига сингдиришнинг шакл ва йў^алишлари ҳақида фикр юритилади; умуман тарбия нима, ғоявий

Ўша асар, 166—180 —бетлар.

тарбия нима, ғоявий тарбиянинг мақсади, масъулияти хусусида, нсихологик жиҳатлари ҳақйда маълумот берилади.

Хўш, ҳар 1сандай мафкуравий тарбиянинг мақсади — хар бир шахс, ижтимоий гурухнинг тарбиявий даражасини таъминлаш экан, "Бу пировард натижада ўша жамият ривожига туртки берувчи илғор ғояларнинг ҳар бир фукаро томонидан онгли равишда ўзлаштирилишини, унинг тафаккур ва фикрлаш тарзига айлантирилишини таъминлайди"[2].

Шу маънода, талаба—ёшлар онгига миллий ифтихор туйгусини сингдириш масаласи миллатнинг ютуклари, обру—эътибори билан фахрланиш, унинг муаммоларига бефарқ қараб турмаслик; ўз элига, миллатига жонкуяр бўлиш; ўз миллатининг моддий, маънавий меросини асраб—авайлаш; халк одатлари, анъаналари, қадриятларини ҳурмат қилиш, уларни бойитиш ва такомиллаштириш; ўз мил\атига меҳр—мухаббатини амалд,а намоён қилиш; узга миллатларни ҳурмат қилиш; аждод\ар хотираси олдида ворислик масъулиятини ҳис қилиш каби тарбия жараёнининг жиддий ва кечиктириб бўлмас вазифалари билан боғлиқ.

Масалан, Японияда талабалар халк тарихи, адабиёти, маданияти, мусиқаси, ўймакорлик санъатига дойр ҳар қандаи саволга бемалол жавоб кайтара олар эканлар. Чунки ну сохалар м:актабданоқ бошқа предметлар қатори ўқитилар экан. Болалар ёшлик найтидан эътиборан ўз халқи тарихига алоқадор нарсаларни рсўпроқ билишлари керак. Шунда улар бошқа халқлар тарихини хам осон ўзлаштиради.

Психология фанида етуклик даври психологиясини даврларга бўлиб ўрганилар экан, туғилишдан 22 ёшгача бўлган даврни катпалар ҳаётигача бўлган давр, 17 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврни эса ёшлик даврига қадам қўйиш, деб белгиланади.

'Ўшаасар, 168-бег.



Тадқиқотимизнинг объекта бўлмиш олий таълим муассасалари талаба ёшлари асосан шу 22 ёшгача бўлган фарзандларимиз бўлиб, камроқ ҳолларда бу ёш 22 ёшдан 28 ёшгача, ўттиз ёшга қадам қўйиш даврига тўғри келади.

Айнан шу давр, яъни ўспиринлик даври ёшларнинг ўзлигини англаш, ўз кадр—қимматини билиш, бошқаларга нисбатан муносабатда бўлиш тажрибасини эгаллаш, ўзи ёқтирган ва ўзига яқин бўлган нарсаларга интилиш, ўзининг наслу—насаби билан қизиқиш, уларга тақлид қилиш, ўзи танлаган касби, ўзининг қизиқишлари доирасига яқин бўлган аждодларимиз ҳақида, тарихимиз ҳақида кўнроқ билишга мойиллик, ўз—ўзича улардан фахрланиб, уларга лойиқ тарбияли бўлишга ҳаракат қилиш туйғулари жўш урган давр ҳисобланади. Талабалик йилларига тўғри келс1диган бу давр биз мақсад қилиб олган миллий ифтихор туйгусини сингдиришга жуда мойил ва кулай фурсат ҳисобланади, айнан шу даврда маълум бир тизим асосида ишланса, яхши натижаларга эришиш мумкин, деб ўйлаймиз.

Масаланинг психологик томонини ўрганадиган бўлсак, талабалик (ўспиринликнинг юқори босқи[г]1и)да хар қандай муаммони ечиш ёки бу даврда тарбияда бирор бир максадга эришиш учун болага дўст бўлиш керак бўлади. Дўст бу шундай одамки, шахс у б)члан барча дарду—ҳасратларини мухокама қи/.ади, муамоларини у билан ўртоқлашади. Дўстликнинг ҳам кўзлаган мақсадлари бўлади: у амалий, иш фаолият билан боғлиқ, соф эмоционал (яъни, мулэкот эҳтиёжларини қондириш), рационал (интеллектуал муаммоларни *ҳал* қилишга асосланган), ахлоқий (ўзаро инсоний сифатларни такомиллаштиришга хизмат килувчи) бўлиши мумкин. Дўстликнинг' биринчи шарти — ўзаро бир—бирини тушуниш. Демак, талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда профессор—ўқитувчиларимиздан, тарбиячи педагогларимиздан болага янаям яқйнлагпиш, утгга

дўстона муносабатда бўлиш, ўз фикрини тарбияланувчига дўстона сингдира олиш мухим аҳамият касб этади.

Яна бир мухим жиҳат — бу талабалик давридаги севги ва мухаббах. ҳиссидир. Бу туйғу нафақат қарама—қарши жинсга, балки ота—онага, яқинларига, опа—сингил ва ака—укаларига, ҳаётида ибрат деб билган кишиларга нисбатан бўлиши мумкин. Бу ҳис Ватанни севиш, у билан фахрланиш, *миллий* ифтихор туйгусини туйиш тушунчалари билан ҳам узвий боғликдир. Шу сабабли хам ҳақикий юксак муҳаббат соҳиблари бўлмиш ёшларда м'ил^лий ифтихор' туйгусини шакллантириш — инсонлар ўртасида самимий инсоний муносабатларии ўрнатиш, юртни севиш, миллатни ардоқлаш, аждодларимизга лойиқ ворис бўлишга интилиш, узи севган Ватанининг келажагига рахна соладиган хар қандай кучларга мардларча туфиб қаршилик килиш туйғуларини юксалтиришга хизмат қилади.

Биз кўзлаган мақсадга эришишимизда айнан кенг маънодаги севги ва мухаббат — Ватанга, юртга, халкқа, борлиққа, касбга ва яқин кишиларга қаратилган бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Шундай қилинганда, қалби севги ва мухаббатта тўла тарбияланувчиларимиз ёмон йўм^а кирмайди, она Ватанига қўл кўтармайди, унинг тарихини чукуррок ўрганишга, кела:чкаги ҳақида қайғуришга интилади, у билан фахрланади, бошқаларга кўз — кўз қилишга шошилади ва миллий ифтихор туйгусини туяди.

Агар талаба камол топаётган оилада ёки жамоада самимий муносабатлар мухити мавжуд бўлса, унинг дўстлари, тенгқурлари, қариндош-уруғига нисбатан мехр — муруввати қўллаб - қувватлаб турилса— бу илиқ туйғулар Ватанига, халқига муҳаббат,' дўстга садоқат, ота — онага ва устозларига мехр — саҳоват, яқинларини эъзозлаш, улар билан фахрланиш кабиларга айланади. Буларнинг мавжумиги эса шахс:нинг баркамоллиги,



унда барча инсоний фазилатлар мавжудлигининг мухим мезонларидан ҳисобланади.

Олий таълим муассасаси 'палабаси бирор бир касбни танлар экан, ўзи танлаган мутахассисликни эгаллаш учун ўзида қандай шахсий хислатлар бўлиши кераклигини яхши билиши керак, шу о])қали юқори мақсадларга эришиши мумкин бўлади. Бунинг учун эса унга фақатгина тор доирадаги касбига оид билимларнигина эмас, балки ўзбек миллатига ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган инсоний хислатлар, урф—одатлар, удумларни мукаммал билиши керак, улардан фахрланиши, ўзининг касби билан бевосита боғлиқ жаҳонга машҳур аждо/ушримиз ша хсий ҳаётлари ва фаолиятларини чукур ўрганиб, *ыммй* ифтихор туйгусини туйиши жуда катта ахамият касб этади. Шунинг учун ҳам янги таълим стандартлари доирасида мутахассислар тайёрлаш бугунги кунда ҳар бир педагсидан талабанинг иқтидори, унинг қизиқишлари, маънавиятини оширишни талаб этади.

Талаба онгига бирор бир ғояни сингдиришда идеаллар жуда мухим ахамият касб этади. Тарбиячи тарбияланувчисини кимнинг ўрнида кўришни хоҳласа, уни тарбияланувчи кўзида идеал даражасига етказа олиши керак *булади.* Масалан, талабанинг идеали унинг отаси, у отасидай учувчи бўлмоқчи, у якин орада бу мақсадга эришиб билмайди, лекин унга интилади, ўзида отасида бор хислатларни такрорлашга ҳаракат қилади.

Яна бир муҳим жиҳат талабанинг қизиқишларини инобатга олган ходл,а, /нинг дунёкарашини ва эътиқодини шакллантириш масаласи. Эътикоднинг предмети тут;)лича бўлиши мучкин: Ватанга эътиқод, динга, фанга, касбга, оилага, ахлоқ меъёрларига, гўзалликка ва шунта ўхшаш. Агарки, инсонДа бирор нарсага эътикод шаклланган бўлса, у яХши— одамларга, жамиятга нафи тегадиган бу/шб етишеди. Масалан, Алишер Навоийнинг буту'н ҳаёти халққа ва миллатга фидоийликнинг намунаси сифатида, тутркий халқлар адабиётига ас:ос ссзлишга багишланганлиги, Имом ал—

Бухорий, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний каби буюк алломаларимизнинг илм ва ижод йўлидаги қатъиятлари, эришган ютуқлари эътиқодлиликнинг ёрқин намунасидир.

Демак, эътиқоди кучли инсон илмга интилади, ўз мақсадига эришишга ҳаракат қилади, ҳар томонлама баркамол бўлишга тиришади, буюкларга ҳавас қилади. Биз! иш холатимизда, агар талабаларимизда Ватанга мехр, ота - боболаримизга ҳурмат, юртимиз келажагига ишонч хислатларини эътиқод даражасига чиқаришга зришсак, миллий ифтихор туйгусини шакллантириш, дегаи буюк мақсадимизга эришган бўламиз. Шахсдаги эътиқодлилик хам, миллий ифтихор туйғуси ҳам — иисcндаги журъат, фидоийлик, халоллик, ирода, виждон, қатъиятлилик, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби қатор ижобий сифатлар билан боғлиқдир.

Талаба — ёшларда миллий ифтихор туйгусини шак;ь\антириш ўта масъулиятли вазисра бўлиб, бу иш бевосита тарбиячиларимиз профессор — ўқитувчилардан ўта юксак педагогик маҳоратни, педагогик этика ва инсоний маданиятни талаб этади. Қайси фандан даре беришидан қатъи назар бугунги талаба олдига кирадиган маърузачи — педагог уз қарашлари, фанига муносабати, ўзбеклар тарихи ва маданиятини чукур билиши ва эътиқоди билан бола щахеига таъсир этиш масъулиятини уиутмаслиги керак.

Биз талаба — ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг бевосита иштирокчилари ва масъуллари ҳисобланувчи педагогларнинг қандай хислатларга эга бўлиши муҳимлигини ўрганиб чиқдик:

Биринчидан, тарбиячи ўзи яшаётган жамиятда уз мавкеига эга бўлиши, бошқаларга ҳар жиҳатдан ўрнак бўлиши, талабалар буни кўриб, унга ҳавас қилиб, унга интилишлари лозим бўлади. Агар ўқитувчи маънавий қолхж, жанжалкаш ёки дарсларга кечикиб келса, таъмагирлик қилса, бундай ўқитувчи аудиторияда ҳеч қаидай натижага эриша олмайди.



Иккинчидан, бугунги кунда билимдон педагогнинг ўз мустақил фикри бўлиши жуда катта аҳамиятга эга. Ҳозирги талаба айнан шу бетакрор фикрлаш шароитидагина эркин фикр юритишга, ўзи мустақил мушоҳада юритиб давр янгиликла]эини англашга, ўз юрагини қўрқмасдан очиб, тушунмаганини сўраб олишга ўрганади. Бу эса ўзича тахлил қилиб англаган маълумотининг хотирада яхши сақланишига ва бошқаларга ташвикот — тарғибот қила олишида яхши кўмак беради.

Учинчидан, профессор - ўкитувчиларимиз ўзи яшаётган жамиятда билими, янгиликларни тез англаганлиги, миллатимиз тарихи ва маданиятини чукур билиши, ватанпарварлиги билан ажралиб туриши керак. Соддароқ қилиб айтганда, педагог ўзи яшаётган жамият аъзолари орасида маънавий саводхонлиги билан ажралиб туриши керак бўлади.

Тўртинчидан, педагогнинг ўзи миллий истиклол ғоясини, миллатимизнинг буюклигини, бебаҳо ми.\лий маданиятимиз ва давлатчилигимизкинг тарихини мукаммал ва теран билиши, Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишониши керак бўлади. Миллий ифтихор туйгусини талабалар онгига сингдиришга қўл урган тарбиячининг срикрлари саёз, ишончеиз булса, замонавий топқир талаба буни тез англаб етади ва унга ишонмайди, меҳнатлар зое кетади.

Бешинчидан, замонавий тарбиячи - педагог дарега янгича ўкитиш технологияларини олиб кириши, талабаларга миллий ифтихор туйгусини сишдиришда ноанъанавий усу.лл.ардан кўпроқ фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Олтинчидан, педагогдан ҳар қандай даре ўтишда яхши натижаларга эришишининг бош омилларидан бири — аудитория билан тил топишиш ва соглом муҳитни ярата олишлик талаб этилади. Ватан, юрт равнақини ўзи ўкитаётган фани билан боглаб, бола,\арда миллат келажагида масъулият ҳисс:ини тарбиялашга эришиши керак бўлади. Чунки, хозирги

замен талабаси кўплаб маълумотларга, шарт—шароитларга ва имкониятларга эга, улар билан ишлаш, талаб—таклифларини чукур ўрганиб муомала қилиш, тил топиша олиш педагогикада яхши натижаларга эришишга олиб-желади.

Психологияда эътиқод тушунчаси билан бевосита боғлиқ имон сўзи борки, унинг луғавий маъноси "ишонч"дир. "Ватанни севмоқ имондандир",- дейилади ҳ.эдисларда. Ватанфурушларни, ота-онага қўл кўтарадиганларни "имонсизлар" деб аталади халқ; орасида. Тугилиб ўсган ерни мукамас билиш, киндик қони тўкилган тупроқни севиш, юртни соғиниш, Ватан учун виждонан меҳнат қилиш — имонлилик белгисидир.

Имон, эътиқод ва қизиқишлар инсонда дунёқарашни шакллантиради. Талабанинг дуяёкараши тартибга солинган, яхлит онгли тизимга айлантирилган билим, тасаввурлар ва ғоялар мажмуи бўлиб, у тарбияланувчини ўз шахсий қиёфасига эга тарзда жамиятда муносиб урин эгаллашга чорлайди. Мустақиллик даврида шаклланаётган янгича денёқараш ёшларда Ватанга садоқатни, миллий кадриятлар, анъаналарни эъзозлашни, ўзи танлаган йўлига, касбига, эътиқодига содиқликни назарда тутади. Шу хислатларни, дунёқарашни тарбиялашнинг замирида эса миллий ифтихор туйгусини шакллантириш ётади.

Ёшларда мил/лй ифтихор туйгусини шакллантиришда асосан улар ўг^ийдиган, ўрганадиган барча турдаги маълумотлар (китоблар, оммавий—ахборот воситалари, мулоқот жараёнлари, бевосита уларга ўкитиладиган фанлар) - шаклланадиган янгича тасаввурлар, янгича тарбия ва янгича дунёқараш учун заминдир. Истиклол йилларида яг(ги мусгақиллик ғояси, унинг асосий тамойиллари, ёшларимизда миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусини шакллантириш вазифалари Узбекиетон Республикаси Президента И.Каримов асарларида,"Таълим тўғрисидаги копун"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлашнинг миллий Дастури"да аниқ баён



этилган. Улар талаба ёшларни энг илғор илм—фан ютуқларидан хабардор қилиш, буюк алломалар меросини ўрганиш, замонавий технологиялар асосида таълим—тарбия жараёнини ташкил килши, ёшларни маънавиятли ва маърифатли қилишнинг барча шарт—шароитларини яратишни назарда тутади. Бу саъй—ҳаракатлар, албатта, таллба ёвгларимизда миллий ифтихорни шакллантиришга хизмат қилади. Демак, кўзлаган. мақсадимизга эришишда ёшларнинг маълумотлилик даражаси ҳам мухим ўрин тутади.

Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйгусини шакллантириш нафақат профессор—ўкитувчиларимизнинг, балки бевосита ота—оналарнинг саводхонлиги, уларнинг тарбияланганлик даражалари билан ҳам боғликдир.

Шахс маънавияти, тарбияси, дунёқараши - асосан оиладан бошланади. Миллий ифтихор туйғуси дастлаб фарзандларимизга боболар ўгити, ота ибрати, она мехри орқали сингдирилсди. Оиласини севган, яқинларини эъзозлаган тарбияланувчи шахс ҳеч қачон Ватанига қарши бўлмайди, уни севади, ардоклайди, келажаги учун курашади. Миллий ифтихор туйғуси, аввоаламбор, узбек оиласидаги тарбия анъаналари ва уларни такомиллаштириш, миллий қадриятларимизни турмуш тарзининг ажралмас бўлагига .шлантириш, ўзаро мулоқотда Шарқона маданият ва замонавий шаклларни уйғунлаштириш, халқимизга ота—мерос меҳнат тарбияси, унинг фаровон ҳаётнинг асоси сифатида қадрланишига эришиш орқали шаклланиб боради. Ота—она оилада боланинг нима иш билан шуғулланиши, қандай китобларга қизиқиши, қандай фильмлар томоша қилиши, қандай мусиқага қизиқиши, касб танлашдаги интилишлари каби ҳаракатларини кузатиб, уларни назорат қилиб, маслаҳатлар бериб бориши лозим бўлади. Замонамизнинг яна бир унчалик эътибор қаратилмаётган, лекин эътибор бе]эишни талаб қиладиган томони шундаки, ҳозир ўзбек оилаларида аввалгидай кўн болалилик анъанаси камайиб бормоқда.

Аввал. кўпроқ болалар ака—укалари, опа—сингиллари билан якин бўлиб, тарбияда уларнинг таъсири кўпроқ сезилг'ан бўлса, ҳозирги кунда асосан ота-она битта ёки иккита фарзандининг яқин маслакдоши бўлиб қолмоқда. Бу ўринда, айниқса, ота-онанинг саводхонлик даражаси ҳам инобатга олиниши керак бўлади. Оилавий муносабатлар доирасида миллий урф—одатларимиз ва анъаналаримизни ҳаётимизга сингдириш, болаларимизда қадриятларимизга меҳр—му^аэбат уйғотиш, "Ватан остонадан бошланади", деган пурмаъно ҳикматнинг мағзини чақиш, миллий ифтихор туйғусини сингдиришнинг қандай натижаларга олиб келиши, баркамолликка эришган фарзандимиз оилаоининг юзини ёриқ қилиши каби тушунчаларнинг маъносини, аввало, ота—оналаримиз англаб етсалар, болаларимиз билан таълим муассасаларида ишлаш осонрок кечади, деб ўйлаймиз.

"Аммо бир ҳақиқатни чукур англаб олиш даркор: ҳар бир одам, оила, қолаверса, бутун зл—юртимизнинг бахту саодати, жамиятимизнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан одамзод таяниб яшайдиган ғоя ва маслакнинг қанчалик тўғри ва инсонийлигига, бу эътиқод унинг оиласи, фарзандлари, халқининг эзгу максаддарига, ҳаётий манфаатларига нечоғли мое келишига узвий боғлиқдир"[1], — деганда Давлатимиз раҳбари айнан шу ҳақида гапирган эди.

Узбек оилаларида тарбиянинг яна бир мухим жиҳаги шундаки, боболар ва бувилар бола тарбиясида бевос:ита иштирок этадилар. Узбек фарзандига катталарни ҳурмат қилиш керак, деган гай кам айти/.ади, чунки у ота—онасининг ўзидан катталарга муомала, қарияларни ташлаб қўймаслик, касалларнинг ҳолидан хабар олиш, чорасизларга ёрдам беришни жоили мисолларда ҳар кун кўради. Бу хислатлар бизга ота—боболаримиздан мерос ва бизнинг миллий ифтихоримиздир. Тарихда хам, масалан, Амир Темур

' Каримов ИЛ. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хает - пировард максадимиз. 8-жилд. - Гошкент: Узбекиетон, 2000. 23-бег.



шахзодаларнинг тарбияси билан ёши улуғ бувилари шуғулланишларини лозим топган. Шоҳрух Мирзонинг, набиралари М^/хаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улутбек Мирзоларнинг тарбияси билан Сарой Мулк хоним шуғулланганлар.

Ўзбекистонда оила ҳамиша давлат ҳимоясида, оилада болаларнинг соғлом тарбия топишлари учун, ўқиш ва касб ўрганишга шароитлар яратилиши учун хукуматимиз томонидан қатор ишлар кишнмоқда. Йилларнинг "Оила","Аёллар","Соғлом авлод", "Оналар ва болалар", "Саломатлик йили", "Ижтимоий ҳимоя йили" деб аталиши ва шу муносабат билан қатор тадбирлар ишлаб чиқилиб, ама/на оширилганлиги бунга яққол мисолдир.

Демак, талабаларда миллий ифтихор> туйгусини шакллантириш жараёнида бу муаммонинг психологик жихатларини ўрганиш, ёшлариинг дунёкарашлари, • кизиқишлари, иктидорларини инобатга олиб, тарбиячи ва ота-оналарнинг таъсирини кучайтириш орқали ҳаракат қилинса, яхши Нс1тижаларга эришиш мумкин.

## Л БЎЛИМ. ТАЛАБАЛАРДА МИЛЛИЙ ИФТИХОР ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

### Шахсда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг тарихий тажрибаси

Ўзбек халқига хос миллий хусусиятлар, унинг миллий маданияти, илм—фан, санъат ва адабиёт соҳасида эришган ютуқлари, оилавий турмуш тарш, бола тарбиясида қўлланган усул ва тадбирларида намоёндир. Миллий урф—одатлар, анъаналар, маданий мероси — бу ноёб ёдгорлик, барча маънавий бойликларнинг таркибий қисми, инсон акл—идрэки ва тафаккурининг ютуғидир. Ҳар бир миллатнинг аждодларидан мерос ўзига хос билим бойликлари, тажриба ва тарихий сабоклари, одоб—ахлоқ, таълим—тарбияга оид ўгитлари ва йўл—йўриқлари сақланади. Бу бебаҳо бойликни ўсиб келаётган авлодга етказиш, улардан тўғри хулосалар чиқариш, улар билан фахрланиш ва улар оркали миллий ифтихор туйгусини шакллантириш яхши натижалар беради. Ҳар қандай миллатга ўзининг аждодларидан мерос анъаналар етиб келган. Масалан, қозоқлар ўтмишда икки юз дан ортиқ нарсани таъқиқлаб қўйганларки, булар қозоқ халқининг ўзига хос мил\ий табиати, маданияти, адабиёти, тили ва эътикоддарини кўз қорачиғидай авайлаб—асрашга хизмат қилади. Бу каби таъқиқларнинг айримлари мана булардир:

Ўзинг сув ичадиган қудуққа тупурма!

Нонниң устига бирор нарса қўйма ва нонни тепчагин! \у

I

Тузни босма!

Ёши улут кексаларнинг йўлини кесиб ўтмагин!

Ота — онангга қўполлик қилмагин!

Чумоли ва кушларнинг уясини бузмагин! ва х.к.

Гуржиларнинг яхши бир одати бор, Бу одат авлодд[ан-] авлодга ўтиб келмоқда, Қизни куёвга узатаётган ота —она сепига албатга Шота Руставелининг "Арслон терисини ёпинган паҳлавон" достонини қўшиб қўяр экан. Чунки бу китоб она заминни, миллат шэн—шарафини, грузин ўғлонларининг жасоратини тараннум этган, У гуржи миллатининг миллий ифтихори ҳисобланади. Шу китобии бермаган ота—онага қаттиқ танбеҳ берилади, сеп чала ҳисобланади.

Канадада кўҳна дарахтлар конкурси ўгказилиб, энг узок яшаган дарахтга медал берилади. Табиатга бўлган бундай муносабат билан ерлик халк фахрланар экан.

Болтиқбўйида ҳар йили узок умр кўрган дарахтлар қайтедан рўйхатга олинади. Эстониянинг Муху оролида яшовчи аҳоли ёғоч супа устига куп—қурук, ярми чириган балиқчиларнинг беҳисоб қайиқларини тўнкариб қўйишар экан. Ўз вақтида бу қайиқлар аждодларга беминнат хизмат қилганлиги (>оис[г] ошиқ—маъшуқларнинг учрашувларига гувоҳ бўлганлиги, болаларни вояга етказишда ёрдами текканлиги, халққа кўмаклашганлиги, кишилар улардан фақат яхшилик кўрганлиги учун уларни унутиб бўлмаслигини, улар бебаҳо қадрият эканлигини таъкидлайди.

Бу ва бунта ўхшаш кўплаб мисоллар ҳар бир миллатнинг ўз қадриятлари, маданияти, маънавиятини асраб—авайлаб келажак авлодга етказиш ва миллат истиқболи йўлида улардан фойдаланиши учун ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш мухим ўрин тугади.

Ўзбек халқи тарихига, маданий меросига ҳурмат — бу унинг яратувчиларига, ривожлантирувчиларига ва давомчиларига иззат—икром, меҳр—оқибат демагдар.

Ўтмишдошларимизга биз қандай муносабатда бўлсак, фарзандларимиздан бизга шундай жавоб қайтишлигини талабаларимизга тушунтириш масаланинг мухим жиҳатларидан бири. Ўтмишимизни қанчалик яхши билсак ва эъзозласак, ҳозирги даврни, мустақилликнинг истиқболини шунчалик чукур англаймиз. Мустақиллик туфайли халқимизнинг маданий - маънавий тараққиётига кенг йўл очилди. Миллий мерос моҳиятини англашгина эмас, шу билан бирга уни ривожлантириш учун имкониятлар яратилди. Жуда кўплаб илмий, бадиий, тарихий, фалсафий асарлар, қадимий қўлёзмалар кетма—кет қайта нашр қилинмоқда. Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш ишлари бошланган. Буюк алломалар томонидан яратилган ва хар хил сабаблар билан республикадан ташқарига ташиб кетилган, миллий бойлик, ўзбек халқининг миллий ифтихори бўлган санъат асарларини, қимматли қўлёзмаларни излаб топиш, ўз она-Ватанига қайтариш чора - тадбирлари кўрилмоқда: "Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик ЕЗўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтариш»[1] маънавият дастуримизнинг мухим бўлагини ташкил қилади. Бу миллий бойлик бизга ота—боболаримиздан мерос бўлиб қолган. Бинобарин, биз хам уни кўз қорачиғидай асрашимиз ва фарзандларимизга мерос қилиб қолдиришимиз керак.

Одоб - ахлоқ, таълим - тарбия соҳасидаги қадриятларимиз бизлар учун бебаҳо миллий мерос, маънавий бойликдир. Ана шу миллий қадриятларни тиклаш, улардан фойдаланиш, ёш авлодга етказиш мустақилликни мустаҳкамлашда, унга қаршилик қиладиган *ҳар* қандай кучга зарба беришда, фарзандларимизда ййллий ифтихор туйгусини шакллантиришда дастурил ама;1 бўлади, деган фикрдамиз.

[1] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараккиет йўли. // Узбекиетон: миллий истиклол, иктисод, сиесат, мафкура. 1-жилд. Тошкент: Узбекиетон, 19%. 47-бет.



Билимларни пухта эгаллашга интилиш, устозларни :х;>фмат қилиш, одамгарчили1С, мардлик, камтарлик, ҳақиқатпарварлик, халоллик каби инсоний фазилатларни улутлаш борасида ҳам бош]салар ибрат олиши мумкин бўлган: қадриятларимиз жуда кўп.

Миллий қадриятларимизда билим, айниқса, билимдонлик улутланади. Билим энг капа бойлик: эканлиги, дунёда ундан қадрлироқ нарса йўклиги тўғрисида қадимгнҳинд халқининг «Калила ва Димна», Низомулмулкнинг , «Сиасатнома», Носир Хисровнинг «Саодатнома», «Рўшнома», Юсуф - Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик», Ахмад Югнакийиинг «Ҳибат ул— ҳақойиқ», Ахмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат», Алишер Навоийнинг «Хамса», «Маҳбуб ул- қулуб» каби машҳур асарларида мух,км фикрлар айтилган.

Узбек миллати маданияти ва тарихида инсонни илм асосларини билиб олишга чақирмаган, билимнинг хосияти ҳақида ёзмаган бирорта шоир, ёзувчи ёки олим бўлмаса керак, Буюк бс:бокал,.онларимиз Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ахмад,ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синоларнинг каламларига мансуб асарларнинг ҳар бири инсоният учун миелсиз бойлик, битмас—туганмас хазиналар конидир. Булар ва узбек миллатининг фахри, ифтихори бўлмиш бошқа донишмандларимизнинг илмий, б.адиий, тарихий, фалсафий, тиббий, ахлоқий, ҳукуқшуносликка оид ва бошқа бир қатор асарлари ҳозирги ёшларимиз ва келажак авлоднинг ҳам истиқболини илм-маърифат нурлари билан ёритиб туради.

Зеҳн - заковатда, аклу - идрокда, илм - фанда тенги йўҚ» буюк кашфиётлари билан дунёни лол қолдирган мутафаккирлар, мапгхўр кишилари борлиги билан ўзбек хг1лки қанча фахрланса, • ифтихор қилса арзийди! . .,

Ўзбек халқига авлод — аждодлардан буюк аньана миллий м:ерос бўлиб ўтиб келаётган илм — **4**>анга ўчлик,, маданиятга талпиниш, одоб—ахлоқ қоидаларини чукур»

ўзлаштириб ҳаётга татбиқ этишга интилиш, билимини ошириш, тафаккурини ўстириб бориш каби хислатлар — миллатнинг фахри, ифтихоридир.

XII асрнинг истеъдодли шоири ва донишманди Акмад Югнакий «Ҳибат ул -ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар армуғони») асарида илмли ва илмсизнинг, олим ва жохилнинг фарқли томонларини шундай очиб беради: «...билимдон кишиларга ўзинтни богла. Билим билан бахт-саодат йўллари ўрганилади, билим эгаллаб, саодат йўляни тон. Билимли киши қимматли олтиндир. Жоҳил, билимсиз кишилар арзимас қалбаки (ақча)дир. Билимли билан билимсиз қачон тенг бўлади? Билимли аёл эр(мард)дир, билимсиз эр аёл(заиф)дир. Суякка илик, эр кишига илм керак. Эрнинг кўрки ақл, суякнинг кўрки иликдир. Билимсиз иликсиз суякдек бўш - қуруқдир, иликсиз суякка эса қўл узатмайдилар, Эр киши билим ўрганиб, билгувчи бўлиб қолади, билимсиз тирикликда кўргуликлар ичида қолади. Билимли эр ўлса ҳам оти ўчмайди, билимсиз киши ҳаёт чоғида ҳам унинг оти ўлихдир»[1]. Бу пурҳикмат фикрлар ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўкотмаган.

Маърифатнинг инсон қадр-қиммати ва иззат-эътиборини оширишдаги аҳамияти Кайковуснинг «Қобуснома», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («С.юдатга элтувчи билим») номли асарларида ҳам ўз ифсдасини топган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг қуйидаги фикрларини ўзларига хаёт дастури қилиб олган бирор инсон а/^ашмайди, аллома ва унинг асарлари мил^чий ифаихоримиз эканлигини яна>!м чуқуррок. англайди: «Заховат коронғу тундаги машъал кабидир, билим эса нур тарқатувчи ёруғликдир. Кимда заковат бўлса, ўша асл одам бўлади, кимда билим бўлса, у мартабага эришади. Билим жавоҳир каби бир ерда тўпланиб тзф.ади, у заковатнинг конидир, бир ерда жамланиб ётади. Мушк—анбар ва билим бир—бирига ўхшаш

' Хайрулласв М.М. Ўрга Оси&а илк уйгониш даври маданияти.- Тошкент Фан 1994 - 45-бег.



нарсалардир, уларни ўзидан бўлаклардан яшириб саушб бўлмайди. Мушк-анбарни яширсанг, уни ҳиди ошк:ора килади! билимни яширсанг, уни тилинг ошкора қилади. Билим ўз соҳибини қашшоқ қилмайдиган битмас-туганмас бойликдир, угри ва қаллоблар уни ҳеч қачон ўғирлаб ола олмайди»[1].

Инсон қанчалик илмли, ҳунарли бўлса, шунч(1лик ом[и и ва камта]Р бўлади. Камтар инсоннинг об]зўси ошади, дўстлари кўпаяди, ҳаммага бирдай ёқади. Камтар инсон юмшоқ, саҳоватли, одоб—андишали, шарм—ҳаёли бўлади.

Миллатимиз урф—одатларида, миллий қадриятларимизда такаббурлик қилувчилсф, фирибгарлар, дилозорлар, мақтанчоқлар, мунофи^лар каттиқ қораланадилар. Камтарга — камол, манманга—завол, - дейди ўзбек халқи. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида камтарлик ҳа^ида шундай ёзади: "Тавозеъ - дўстлик гулшанида тоза гуллар очади ва чамандан ошнолик ва улфатчилик базмига хилма—хил гуллар сочади. Тавозеъ — такаббур мухолифга мулойимлик ва камтарлик йўлини кўрсатади». Афғонистон Фанлар академияси мрсбир аъзоси доктор Абдулла Ҳабиб таниқли адиб Ы.Жураев билан бўлган мулоқотда шундай дейди: "Мир Алишер Навоий ўзбекнинг буюк фарзанди, айни пайтда у умумбашарий шахс! Амир Алишернинг хизмати ўзида башарият манфаатини мужассам этган. Бирок унинг тили Узбекиетон тили, миллий ифтихор учун шу жиҳатнинг ўзи етарли"[2]. Одобли инсон барча одамларнинг яхшисидир ва барча халқлар *-/чун* ёқимлидир. У мансабдор кишилардан гўзалроқ ва бадавлат одамлардан ҳурматлирокдир. Одобли одам ўз тенгдошлари орасида ҳам таҳсинга лойиқ. Ҳеч қандай эҳсон бермай кагтадан—кичик.ҳаммани шод қилади, ҳеч қандай ҳадя қилмай, кишиларнинг ғамини тарқатади. ...

Ўша китоб. 63-бет.

" Жўраев Н. Лгарогохсен... -Тошкент: 1Нарк, 1998.- 201-бет.

Тавозеъ ва одоб эгаларига ҳамма таъзим қилади ва хурмат билд,иради"[1].

Хоразмлик буюк узбек мутафаккири Абу Райҳон Беруний мамлакат ободончилиги илм—фаннинг гуллаб—яшнашиха боғлик, кишининг бахти эса унинг билим ва маърифатида, деб таъкидлаган. Аллоҳ инсонни бахтли ёки бахтсиз қилиб яратмайди. Бунга унинг ўзи сабабчи. Чунки аллоҳ инсонга ирода, ихтиёр, танлаш ва фаолият зркинлигини бериб кўйиган. Аклли ва билимлилар ўзларини ўзлари бахтли қила оладилар[2].

Ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида қўлланган усул ва воситалар, тадбир шакллари, урф—одатлар, анъаналар, тарбия ҳақидаги ғоялар — ҳаётий тажрибалар ўзбек халқ педагогикасида мужассамдир.

Ўтмишда оилада турли мавзудаги эртак, латифа, ҳикматлардан кенг фойдаланилган. Ота—оналарнинг тунда уйку олдидан айтиб берган эртакларидан болалар руҳий озиқ олган, ҳаётдаги ва одамлардаги яхши фазилат, ёмон хислатларни билиб олишган, хурмат ва мурувват, адолат каби тушунчалар ҳақида тасаввурга эга бўлишган. Натижада бутун ҳаётлари давомида эртаклар> уларнинг доимий ҳамроҳи, ҳаёт дарслиги бўлиб хизмат қилган ва ҳозир ҳам шундай бўлмокда. Уларнинг қаҳрамонлари ўсиб келаётган ёш авлод учун ибрат, фахр—ифтихор намунасидир.

Халк педагогикасида оғзаки ижод намунаси бўлган достонлар хам тарбиявий аҳамияти жиҳатидан салмоқли ўринни эгаллайди. Ўзбек халқи яратган достонларда халқ ҳаёти, урф—одатлари, характери, миллий мустақиллик учун олиб борган кураши, ғалабага ишончи акс эттирилган.

Қаби/л аъзоларининг болаларда меҳнатсеварлик, жанговорлик., ахлоқ—одоб, нафосат, дўстлик, мехр—

^ХайруллаевМ. М. Ўрта Осибда илк уйғо.шш даври маданияти.. Тошкент: Фан, 1994.

" Ўша китоб, 51 -бст.



шафк[ат'] инсониарварлик хислатларини шаю\лантириш [в]а ўстириш соҳасида оргтирган тажрибалари, ақл—идроки, ҳаётий тажрибасининг меваси сифатида бизгача етиб ғелди ва бугунги куща ёшларни мардлик, жасут)лик руҳида тарбидашшда алоҳида ўрин тутмоқда.

Илк ибтидоий жамиятда урф—одатлар кишиларнинг меҳнати заминида вужудга келди ва жамият ривожи, миллат онгининг ўсишига фаол таъсир кўрсатди.

Ўтмишда хар бир шахс урф—одатлар орқали жамоа билан узвий боғланган, жамоанинг ижтимоий вазифалари, ахлоқий қонун—қоидалари, орзуларини ўрганган ва англаган. Шу маънода урф—одат ва анъаналар хар бир инсоннинг ҳиссиёти, хатти—ҳаракатига кучли таъсир қилувчи ижобий ҳодисадир. Урф—одат ва анъаналар инсонда хилма—хил кечинма ва кайфиятлар уйғотади, турлл ҳисларни, шу жумладан, миллий ифтихор т'^гусини ҳам қарор топтиради. Одамларнинг ўз ижтимоий бурчини англаши, шахс сифатида шаклланишига ҳам ижобий таъсир қилади, уларнинг ҳаёт кечириш, тинчлик учун курашиш йўл—йўриқларини билиб олишларига ёрдам беради.

Урф—одат ўзида оилавий турмуш музгосабатлари ва ахлоқ қоидаларини намоён этади. Масалан, хотин—қизлар билан муносабатда бўлиш: тартиблари, улар билан саломлашиш қоидалари, кексаларга кўрсатилган ҳурмат—эҳтиром, меҳмондорчилик, дафн маросимларига бориш, ундан қайтиш тартиблари ва х.к. Авлоддан—авлодга мерос сифатида ўтиб келаётган Наврўз, Мехржон, Ҳосил байрамлари шулар жумласидандир.

Ўзбек халқи кўп асрлик тарихий тар>аққиётида *ммлляй* хусусияти, яшаш жойи, урф—одатлари, анъаналари, дунёқараши, рухият ва орзулари мужассамлашган иқтисодий ва маънавий маданиятини яратди. У яратган маданий бойликлар, ёдгорликлар ёшлар тарбиясида муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Урф—одат, анъана ва маросимларнинг миллийлиги байналминаллик билан узвий боғликдир. Ҳар бир халқнинг маданий анъаналари ўз миллийлигини сақлаган ҳолда бошқа халқлар анъаналари билан алоқада бойиб боради. Ҳар бир халк ўз тарихи давомида бошқа халқлардан у ёки бу анъаналарни ўзлаштиради. Масалан, узбек халқи билан тожик, туркман, қозоқ халқларининг ўйини, қўшиғи, мусиқаси, либоси, тўй марссимлари, меҳмон кузатиш ва кутиш каби урф - одатларида ўхшашлик борки, бу ушбу халқларнинг ўзаро яқинлик, тотувликда яшаб кел1'анликларининг оқибатидир.

Халқ педагогикасида ахлоқ тарбияси алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳар бир халқ, элат, жумладан, ўзбек халқи ўзига хос ахлоқ қонун—қоидаларини яратди, инсонийлик идеали ахлоқ қонучиятларининг асоси ҳисобланади. Қадимдан инсонийлик, ёш авлодни гўзал ахлоқли, ғурурли қилиб тарбиялашга ҳаракат қилинган.

"Авесто"да дунёнинг яратилиши, инсоннинг камол топиши, эзгулик учун ёвуз кучлар билан кураши, эркинлик, ижодкорлик ва бунёдкорлик йўлидаги орзулари ўз ифодасини топган.

"Авесто"да айтишларича, табиат, жамият инсон учун яратилган моддий—маънавий неъмат сифатида талқин этилиб, уни асраб—авайлашга даъват этиш қадимги маънавий меросимизниг буюк инсонпарварлик намунаси эканлигини кўрсатади.

"Дунёнинг жамийки ишларини ўз уҳдасига олган Аҳуда Мазда шундай дейди: "Ўзгаларни яхоиликка олиб борган кимсаларгагина яхшилик насиб этади"[1].

Узбек миллати маънавиятининг ва тарихининг асоси ҳисобланмиш бу ноёб дурдона — халқимизнинг ғурури, миллий ифтихоридир.

[1] "Аввсто"**, 384-бсг.



Талаба—ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда. маданиятимиз ва маънавиятимизнинг асоси саналмиш "Авесто"ни чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу дурдонани ўкир эканмиз, унда ҳозирги халқимизда мавжуд бўлган урф—одат, анъаналаримиз билан уйгунлик сезамиз.

Масалан, "Авесто"да экин майдонларини кўпайтириш, шудгор қилиш, асраб—авайлаш, уни мукадд[ас] ҳисоблаб сажда қилиш илоҳий низом тусини ол1^ан. Оловга сиғиниш, ер ва олов худоси Митрага, яйлов худоси Романога ибодат қилиш, уй—жой қуриш, уни уй ҳайвонлари, хотин ва бола—чақа билан тўлдириш, ўсимлик ва дарахт кўкартириш, капа—кичик уй ҳайвонларини кўпайтириш, ерни парвариш қилиш зардуштийлик динининг асосини ташкил этган.

"Эй.Оламни яратган Зот!

Эй,ҳақиқат!

Замини ҳаммадан кўра бахтлироқ бўлган дунёдаги иккинчи жой қаер?

Аху]за Мазда жавоб берди:

Бундай жой бир Ашаван уй тиклаган макондир. Ўша уйда мубад рўзғор тебратади. Сигирлар галаси ва уй бекаси, фарзандлар ва сурувлар яшайди. Сигирлар га<\аси яхши парвариш қилинади. ... Тева/\ар хўроки фаровон, яхши итларнинг ризқи сероб. Уй бекаси бахтиёр. Фарзандлар шодмон. Ҳамиша олов гурил/лб туради. Тирикликнинг гўзал ҳар бир ҳодисаси яхшиликка қовугнади ("Вандидод", 3—фаргард, 2—3—бандлар).

Миллатимизга ота—боболардан мерос бўлиб келаётган соч ва тирноқларга бўлган покиза муносабат ҳам Аҳура Маздага ёқадиган хусусият саналган, Бу нарса ҳозирги замон кишиларида ҳам учраб туради: сартарошхоналарда соч толалари • тезгина йиғиб олинади, тирноқлар ҳар қандай жойга ташланмайди, боланинг тиши тушса уни "суяк тишингни ол, темир тишимни бер", деб томга отиб юбориш одатларимиз бор.

"Зардушт Ахура Маздадан суради: — Эй, Ахура .Мазда! Эй, коинот нури! Эй оламларни яратган Зот! Эй.ҳақиқат!

Одамларнинг девларни хушнуд ва сарафроз киладиган энг кдбих ва ашаддий гунохлари нималардан иборат?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Кички соч тараса ёҳуд тирноғини олгач уни ҳеч қандай раем-русумсиз бирор чукурга ёки кавакка тўкиб юборса бу қабиҳ амал девларни дуо билан олкишлаб кучлантирган, нусрат бахш этган билан баробардир ("Вандидод", 1-•фаргард, 1-2-бандлар).

Ўзбекистонимизда келин-куёвни олов атрофида айлантиргандан кейин чимилдиққа олиб кириш, қабр устига шам ёқиш, тут ва садалар шохига турли латталар боғлаш сингари урф-одатлар сақланиб колган-ки, буларнинг барчасини "Авесто"да ўқиймиз.

Қадимги удумлардан яна бири қурбонлик учун сўйилган жонлиқ калласини қариялар олдига қўйиш, гўштни хомталаш қилиш, қўни--қўшгшларга, бева-бечораларга тарқатиш хозяргача сақланиб қолган.

Ахура Маздага эргавтгаи одамлар ифлослик ва касаллик, чанг ва занг, хиёнат ва исқиртлик, чирк ва чурук, сўлиган ва куриган нарсаларга карши курашишган. Бу жараёнда сувта алоҳида эътибор берилган. Кўл, қудук ва булоқларга ҳар қандай нопок нарсалар ташланмаган. Оловга тоза, қурук ўтин ташланган, ахлат ёқиш ман қилинган.

"Покиза сув ва ёниб тут>ган олов қаршисида густохлик ]^илган зотниит дўзахда тоигуси жазоеи бу дунёнинг жамики дарду-озорларидан мудҳишдир"[1] ("Вандидод". 4-фаргард, 54-банд. ).

Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйгусини шакллантириш узок давом этадиган жараён. Халқ ўтитлари, панд-насиҳатлари, миллий анъаналар, миллий кадриятлар, машхур аллома, саркарда, санъаткор ҳаёти ва фаолиятига оид ибратли

[1] Авесто, 122-бет



ходисаларни талабалар ўртасида ташкил этиладигаи маънавий-маърифий тадбирлар чоғида баён этиб бориш ижобий натижаларни бера/^и. Миллий қадриятларимизнинг серమаъно, серҳикмат ғояларини ўзида жо қилган ва тарғиб-ташвиқ қиладиган ха.\қ эртаклари, достонлари, мақоллари, маталлари, ривоятлари, куй ва қўшиқларига эътиборни кучайтириш, уларни синчиклаб ўрганиш самара беради.

Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантириш за ривожлантиришда мактабгача болалар муассасалари, умумий таълим мактаблари, лицейлар, коллежлар, ўрта—махсус ўкув юртлари, махаичла—қўй, ҳар хил жамоат ташкилотлари, газета ва журналлар, дарелик ва ўкув қўлланмалари, бадиий адабиётлар, табиий, ижтимоий, гуманитар фанлар, санъат асарлари — барча—барчаси бир—биридан кам бўлмаган даражада ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Миллий—маънавий мероснинг тарк]гбий кисми бўлга» халқ оғзаки ижодиёти ёш авлоднин): эл—юртга, она заминга чексиз мехрини оширищда, миллий ғурурини ўстиришда шак-шубҳасиз мухим тарбиявий воеитадир. Халқ ил<оди намуналарида аждодларимизнинг миллий ифтихор туйгусини ёшлар онгига сингдиришга оид тарихий тажрибаси ёрқин акс: этиб туради. Фольклор асарлари ёшлар ўртасида ахлоқий тарбия сиератини оширишга, келажак авлодни маънавий баркамол килиб тарбиялашга хи;;мат қилади. Шуни ҳисобга олиб, миллий ма^аниятим:изнинг энг қадимий ва ҳаётбахш анъаналарини ўзида мужассам этган оғзаки бадиий ижод дурдоналаридан олий таълим: муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда бадиий эстетик ва рухий—ижтимоий қувват манбаи си4)агида фойдаланиш мухим ахамият касб этади.

Фольклорнинг катга—ю, кичик ҳаж1^даги барча жанрларида хс1лкимизнинг ажлрдларимиз шонли гарихига, миллий анъаналарига, бетакрор урф—

одатларига, ахлоқий ўгитларига ҳурмага ва садоқати ўз бадиий ифодасини топган бўлиб, шу орқали келажак авлод аждодларга муносиб ворис бўлиб яшашга интилиши, улар каби миллат равнақи, элу юрт манфаати, тинчлиги ва осойишталиги, ор—номус, шарму ҳаё учун курашиши, миллий қадриятларимизни ардоқлаши лозимлиги уктирилади.

Халқимизнинг билими, ҳаётий тажрибалари, маданияти, санъати, ахлоқий қарашлари, июнли тарихи, юксак орзу интилишлари, энг қимматли миллий анъаналари сингтан фольклор намуналарини ўрганиш орқали ёшлар қалбида миллатимизга хос ғурур, бағрикенглик, меҳнатда фидойилик, ватанга садоқатлилик, дўст-ёрга вафодорлик, шижоатлилик, ҳалоллик, мехр—оқибатлилик, ор—номуслилик, бир сўзлилик, андишалилик каби хусусиятларни сингдириш орқали уларда миллий ифтихор туйгусини шакллантириш мухим ахамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. Айни^са, халк достонлари, афсона ва ривоятларда, эртак ва қўшиқларда ўз ифодасини топган миллат тарих ига оид турли воқеалар, халк қаҳрамонларининг элу юрт равнақи ва мустақиллиги учун кўрсатган жасоратлари тасвири ҳамда аж^одларимизныг маънавий фазилатлар ҳақидаги қарашларининг талқини ёшларнинг миллий ғурури, фахр ва ифтихор туйғуси шаклланишига самарали таъсир кўрсатади.

Миллий ифтихор туйғуси мақол\арда ҳам ўзига хос тарзда акс эттирилган. Ўзбек халкининг характер—хусусияти, табиати ҳақида яратилган мақоллар бир талай бўлиб, уларда ўзбек миллатига мансуб кишиларнинг қатъиятли, бир сўзли, мард ва жасур, ўз ишига пухта, собитқадам ва бунёдкор ўзаро мехр—оқибстли, ориятли, багрикенг ва ме^мондўст бўлиши бадиий ифюда этилганлиги кузатилади. Масалан:

Ўзбек ўз билганидан қолмас.
Ўзбекнинг ўпгани — туянинг тепгани.
Ўлган ўзбекнинг қўйнида нони бўлар.
Ўзбекка салом бердим,
Ўн танга товон бердим.
Қиргиз халқи мол билан,
Ўзбек халқи боғ билан ва ҳоказо.

Миллатимиз феъл—атворини англатувчк: бу мақоллар аждомаримизнинг шу халк фарзанди бўлганлигидан фахрланиши туйғуси (Зилан яратилганлиги сезилиб турибди. Табиийки, бундай мақоллар ёшларни хам узбек миллатига мансублигидан фахрланишга, ўз миллати ва табиати билан ғурурланишга ^чгдайди. Натижада улар қалбида ўз миллатига содиқ бўлиш туйғуси уйғонади.

Ёш авлод нечоғлик ўз элу юрти, миллати тарихи билан фахрланса, шунча унинг қалбида ватанпарварлик туйғуси мустаҳкам қарор топади. Эли ва юрти манфаатини ўйлайдиган, унинг озодлиги ва мустақиллиги, юксак равнақи учун курашадиган (Зўлиб улғаяди.

Ёшлар га миллий мустақилликнинг нечэғлик мухимлигини англатишда Алп Эр Тунга, Широк, Тўмарис, Алпомиш, Муқанна, Намоз ботир каби кўплаб халқ қаҳрамонларининг Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги жасоратлари ҳақида яратилган эпик асарлар мухим ахамиятга эга. Улар орқали ёшлар Ватанини ардоқлаган кишини элу юрт мангу ардоклашини СЗилиб оладилар. Бундай қаҳрамон ота—боболари (зилан фахрланиб, улар қўриқлаб, ҳимоя қилиб, керак бўлса ширин жонидан кечиб, асраб қолган она закинни ўзлари кўз қорачиғидай асраб, турли душманлфдан ҳимоя қилишлари лозимлигини англаб етади^шр. Эътиборли жиҳати шундаки, халқимиз томонидан асрлар давомида яратилиб келинган фольклор асарларнинг мазмун—моҳияти, уларда илгари сурилган маънавий—ахлоқий ва таълимий қарашлар, ҳаётий тажрибалар тавсифи янги, демократик жамият қурилаётган ҳозирги истиклол даври ғоялари билан *ҳам* мое келади.

Ўзбек халқ достонларида миллий ифтихср ва ғурур туйгусини ўзида ифода этувчи бадиий сатрлар

жуда кўп учрайди. Айниқса, бу жиҳатдан «Алпомиш» достони алоҳида ажралиб туради. Унда узбек халк қаҳрамони Алпомиш ҳамда унинг гўзал ва иқбол, жасоратли ва садоқатли ёри Барчинойнинг хатти—ҳаракатлари, .феъл—атвори асосида миллатимиз рухиятига хос характер—хусусиятлар, фазилатлар кўрсатиб берилган.

Алпомиш қаерда бўлмасин, хамиша кўнглида:

Ўйнаб—кулиб яна элга келайин,
Ўз юртимга келиб даврон сурайин,
Тўра бўлиб ўз юртимни сўрайман,
Сиёсатман элу халкка қарайман[1],

дея яхши ният қилади.

Алпомишнинг ўз элу юртига, суюкли ёрига бу кадар садокатлшшги, фидоийлигини яхши билган якин дўсти Қоражон унга душманлик қилмокчи бўлган ўз акаларини фалокатли йўлдан қайтаришга уриниб, уларни огоҳлантирганча шундай дейди:

Сен тилингни тортиб суйла, бу замон,
Ўзбак мугум армон билан уласан.
Бу ўзбекни алп қоражон билади.
Чангалласа, тоғни талкон қилади.
Аччигланса мулкинг яксон бўлади
Ким бунга тегинса тайин ўлади[2].

Дарҳақикат, қалбига, элу юртига, севган ёрига чексиз мехр—мухаббати тўлиб—тошган ҳар бир инсон уни душманлардан ҳимоя қилиши учун бор куч ғайратини ишга солади. Айниқса, бунда узбек йигитларининг ниҳоятда орли бўлиши, курашларда полвонларча олишишининг шухрати оламга ёйилгани сир эмас.

Миллатимиз тарихи билан боғлиқ ҳаётий тажрибалардан маълумки, юртимиз тупроғига беҳаёларча бостириб келган ҳар қандай душман эртами кечми енгилмай қолмаган. Шунинг учун бу ҳақиқат халқ оғзаки асарларида алоҳида тараннум этилади.

[1] Алпомиш (Узбек хапк досгони). Тошкент: 1993.-72-бет
[2] Ўша китоб , 122-бет.



Келса агар оч бўри,
Тайёрдир унинг гўри
Бизнинг кучга тенг келмас,

Душманнинг ҳамма тури, — дея куйланади узбек Xclлк қўшиқларида. Бу билан узбек миллатининг аз<1лдан тенгсиз куч кудратига эга бўлганлиги, енгилмаслиги, ориятлиги маълум қилинади. Халқимиз орасида оэ—номус, шаън ҳимояси учун курашиш устун. Айниқса, элу—юртнинг, хотин—қизларнинг ор—номуси, п аъни учун курашиш ўзбек йигитларнинг қонига с1[нгиб кетган, бобомерос: тушунчадир.

Халк асарларида яратилган хотин—қизлар образи хам ҳозирги ўзбек қизлари учун ҳар томонлама ўрнак бўларли фазилатларга бойлиги билан эътисорни тортади. Аввало, улар ўз ор—номуси ва шаъни учун мардларча курапгиши, жасурлиги, вафодорлиги, одобли ва ибо—ҳаёлилиги билан ажралиб туради. Узун сочли, қалам қошли, бетакрор ҳусни малоҳатли узбек қизларининг п/заллик баробарида тенгсиз акл—идрокка, куч—ғайратга эга бўлганлиги. Уларнинг мағрур ва шижоатлилиги, иффатли ва андишалиги халқ оғзаки ижодида Барчиной, Ойсулув, Ойчинор, Хуршидой, Тўлғаной каби қатор эпик қаҳрамонлар тимсолида кўрсатиб берилган.

«Фарҳод ва Ширин», «Тохир ва Зухра», «У\айли ва Мажнун» каби қатор ха,\к асарларида инсоннинг инсонга самимий ва пок мухаббати, ёшлар>нинг бир—бирини чин юракдан қадрлаши улутланадики, улар орқали айни севиш ва севилиш ёшидаги киз—йигитлар ўз аждодлари каби чин севгини ардоқлаш, с:оф мухаббатга эришиб, унга вафо қилишга ўрганадилар.

Фольклор асарларида нафақат миллатимизг<1 хос инсоний фазилатлар билан фахрланиш ғояси, балки юртимизнинг бетакрор табиати гўзаллиги ва унинг битмас—туганмас табиий бойликларидан ғурурланиш ҳисси ҳам бадиий талкин этилганлиги кузатиледи. Жумладан, халқ қўшикларида миллий ифтихоримиз бўлмиш пахта, пилла кабиларни улуғлаш, у/.арни

етиштириш билан: боғлиқ меҳнатнинг қийинчилиги баробарида завқли ва шарафли эканлигини таъкидлащ ғояси ифода этилади. Масалан:

Пахтага қарасам — кўзим қамашар,
Япроклари бир-бирига ярашар.
Пахталарга пахтакорлар ярашар
Бойлигим, давлатим, жоним пахталар .

Ёки:

Тут япроғим тераман,
Навқонимга бераман.
Пилламиз кўп бўлсин деб.
Ҳалол меҳнат қиламан[1].

Ўзбек халкининг пахтаси ва пилласининг довруғи оламга ёйилган. Пахта ва пилла х&лкимизнинг миллий — иқтисодий бойлигидир. Бу экспорт маҳсулотлар қанча кўп етиштирилса, халқ ва юрт фаровонлиги шунча таъминланишини Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир киши яхши билади. Шунинг учун ҳалол ме^нат қилишни барча ўзбек фукароси ўз бурчи ва ифтихори деб англаб келаётир.

Ўзбек пилласидан тайёрланадиган атлас матоси ўзбек хотин — қизларининг миллий рамзий либосидир. Фақат шу юэтда яратилган камалак рангли бу мато дунё халқини ҳайратга солади. Шунинг учун жахон бозорида унинг ўз харидорлари бор.

Ол мени деб туради,
Қизлар танлаб олади.
Узбекиетон атласи
Москвага борадй[2] .

Миллий байрамларда ўзбек хотин — қизлари, албатта, атлас куйлак кийиши ўзига хос ёзилмаган қонуниятга айланган. Бу :ха\қона одатда ҳам миллий ифтихор туйғуси намоён бў^лади.

Атлас куйлагимни киймасам бўлмас
Солла:аиб ёнингда юрмасам бўлмас.

^АлавияМ. Ўзбек >;алк кушиклари. Тошкент: ў&А нашриети 1959 -35-бет
" Уша асар,-39-бст. *



Ушбу мисралар орқ«1ли миллий одатимизга амимий муносабатда бўлиш, халқ анъаналарини ^лоқлаш, чексиз ифтихор туйғуси билан унга эргашиш ғояси ифода этилмоқда.

Узбекиетон — жаннатмакон юрт. Унинг бахмал водийлари, осмонўпар тоғлари ва бу тоғлар бағрида яшириниб ётган битмас — туганмас бойликлари, аждодларА[ан] [ме] Р[ос] бўлиб келаётган осори — атиқалар, тарихий обидалар, серсув дарё — ю кўллар, сершарбат боғу роғлар, о/линга тенг тупроғу мусаффо тоза ҳавоси бутун дуиёни лол қолдиради. Шунинг учу.я ҳар йили ўлкамизга минглаб сайёҳлар ташриф буюриб, ҳордиқ чиқариб кетишади. Халқ қўшиқларида худди шу ҳолатдан фахрланиш куйидагича бадиий талкин Килинган:

Рўмолимиз учирди.
Бахмал водий шамоли.
Кимларга завқ бермайди,.
Бизнинг эллар жамоли[1].

Куйигина фольклор асарларида ўзб€:книнг оти, унинг чавандозлиги, ўзбек чорва/юриларнинг муваффақиятлари тараннум этилади.

Қиммат баҳо экан ўзбекнинг оти,
Қўлтиғи/!,а тўра? ярим газ қаноти.
Асл тулпор экан ўзбакнинг оти[2] .

Тарихий маълумотларга Караганда, ҳозирги отларнинг асл зотлари, учкур ва чидамли отлар айнан Турон заминида. тарбиялаб етиштирилган:. Айниқса, ўзбек отларининг довруғи юксак бўлиб, улар жуда киммат баҳоланган. Шунинг учун фольклор асарларида ўзбек отбоқарларининг бу муваффақияти алоҳида таъкидлаб келинган.

Халқимиз меҳнаткашлиги ва бунёдко]элиги билан донг' таратиб келган. Шу сабабли меҳнат ва

[1] Ўша асар, 38-бет
[2] Ўша жойда.

меҳнатсеварлик мавзуси фольклор асарларида алоҳида тараннум этилади. Аждодларимизнинг ҳамиша ҳалол меҳнат Э1!азига кун кечириб келганлиги, текинхўрлиги ва бэсқинчиликдан хазар қилганлиги, тўғрисўзлик ва адолатни ёқлаганлиги таъкидланади. Натижада бундай асарларни ўрганаётган ёшлар ҳам меҳнатдан қочмасликка, ҳалол меҳнат эвазига кун кечиришга интиладилар. Ўз ота — боболари, момолари изидан бориб, улар бошлаган хунарларни давом эттириб, бунёдкорлик ишларини амалга оширишга ҳаракат қиладилар.

Фольклор асарларида халқимизнинг диний эътиқоди алоҳида қадрланади. Маданиятимиз тарихига муиосиб ҳисса қўшган Имом Исмоил ал — Бухорий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Балогардон, Нажмида,ин Кубро каби табаррук зотлар ҳақида яратилган диний — тарихий афсоналар ёш авлодини буюк аждодларимиз рухи олдида сажда қилишга, уларга муносиб ворис бўлишга даъват этади.

Хуллас, ўлкамизда яратилган бебаҳо маънавий кадриятлар тизимининг ажралмас бир қисми ҳисобланган фольклор намуналари аждодларимизнинг шонли тарихи билан ёш авлодни таништириши билан бир каторда уларни юксак бунёдкорликлар сари ундайди.

Фольклор асарларида халқимизнинг узок ўтмиш тарихи, бугунги турмуш тарзи реал акс эттириладики, бу ҳозирги ёшларга мавжуд турмушимизга хос кула]^ликлар билан ўтмиш воқеаларини таққослаб, шу асосида янгича яшашнинг афзаллигини тушуниб етишларига имкон яратади. Шу орқали ёшлар ҳозирги бахтли ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етишни ўрганадилар.

Алласини тинглаб улғайган, ёр — ёр билан ўз севгнлиси висолига эришган, халқ достонлари ва эртакларини эшитиб вояга етган йигит — қизлар Алномишдай мард, Қоражондай танти, Барчиндай иболи ва вафоли бўлишларига сира шубҳа йўқ.



Умуман айтганда, аждодларнинг ватаниарвс\рлик, меҳнатсеварлик, садоқатлилик, ҳалоллик, ростгушшк, адолатлилик туйғуси билан сугорилган фольклор асарлари ҳозирги ёшларга ҳар томонлама ўрнак бўла олади. Ҳар бир ёш авлод шу заминнинг, буюк а:ждодларнинг ворисиэканлигидан ғурурланиб, миллий ифтихор туйгуси билан яшаса арзийди.

## Қадриятларнинг қайта тикланиши - талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг мухим асоси

Мустакиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган оламшумул вокеа/\ардан бири — бу миллий қадриятларнинг қайта тикланиши бўлди. БиноС^арин, миллий кадриятлар миллат вакиллари томонидан ўзликнинг англаниши, уларнинг миллий ғурур ва ифтихорга эга бўлишларида мухим омил саналади. Зеро, «Ўз давлати билан фахрланиш ва фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг илғор м:арра\арга чиқиб олишида ёрдам берган»[1].

Ўзбек халқи асрлар давомида келаётган йил деҳқончилигининг хайрли, баракали бўлиши учун экин экиш, далага улов чиқариш ва уруғ қадашга тайёргарлик, янги ниятларнинг туғилиши айёми сифатида Наврўзни улуглаб, уни катта тентана сифатида нишонлаб келган. Наврўз байр.амини нишонлагнда миллатнинг ўзлиги, унинг табиатга е>ў\тан муҳаббати намоён бўлган.

Тоталитар даврда нотўғри мафкуравий карашлар, диний ғояларнинг инкор этилиши таъсирида, шунингдек, «дин миллатчилик ва шовинизмга ҳар доим

' Каримов И. А. Ўзбекистоннинг *р* истиклол ва тараккиет йўли .// Ўзбекисток: миллий истиклол иктисод, сибсат, мафкура 1-жилд. Тошкент: Узбекиетон, 1996. •- 49-5ет

йўл очишини, иқтисодий, социал тараққиётига тўсқинлик қилишики, социалистик турмуш тарзи, коммунистик маънавиятнинг қарор тонишига тўсқинлик қилишини» назарда тутган ҳолда ислом динининг шаклланишига ҳеч қандай алоқаеи бўлмаган Наврўзнинг миллий байрам"" сифатида нишонланиши дастлаб таъқиқлаб қўйилди, сўнгра сунъий равишда «Навбаҳор» байрамига айлантирилди. 1986 йил январь — февралда бўлиб ўтган Узбекиетон Коммуиистик партиясиниг XXI съездида бу борадаги илк қарор қабул қилинган бўлса, шу йилнинг октябр ойида бўлиб ўтган Узбекиетон Республикаси Коммунистик партия Марказий Комитетининг III Пленуми якуний қарор чиқарди. Натижада эзгу умидлар, пок ниятлар билан нишонланадиган «Гул байрами», «Лола сайли», «Қовун сайли» ва «Ҳосил байрами» каби миллий анъаналар унутила бошланди.

Бу каби ҳаракатлар заминида миллатни миллий ўзлигидан, миллий туйғуларидан, борлиққа бўлган анъаиавий ёндошувидан маҳрум этишдек қабиҳ ният бор эди.

Узбекиетон Ресиубликасининг мустақилликка эришуви билан бирга миллатнинг асрий қадрияти саналган Наврўз байрамини нишонлаш анъанаси қайта тикланди. Узбекиетон Республикаси Президентининг «Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш чоралари тўғрисида»ги Фармонита мувофик 1991 йилдан бошлаб хар йили 21 март Наврўз байрами сифатида оммавий равишда нишонланиб келинмоқда.

Мустақиллик йилларида «мамлакатда Ислом диви омилидан унумли фойдаланиш, унинг бой маънавий ва маданий қадрият сифатидаги имкониятларини кенгайтириш чоралари кўрилди»[1]. Ана шу йўлда амалга оширилган хайрли ишлардан бири Ислом динининг икки мукаддас айёми — Ийди — Рамазон ва Ийди-Қурбон айёмларига бўлган муносабатнинг ўзгартирилиши бўлди. Узбекиетон Республикаси Президентининг алоҳида Фармонларига кура Рамазон (1992 йил 27 март) ва Қурбон ҳайитлари дам олиш куни сифатида нишонлана бошланди. Натижада кишилар ҳайит кунларида яқинларининг ҳолидан хабар олиш, ёрдамта мухтож кишилардан ҳол — аҳвол сўраш, хайрли, савоб ишларни бажаришдек тарихий анъанага амал қилиш имкониятига эга бўлдилар. Бинобарин, «Куръоии Карим»нинг Алоуддин Мансур томонидан тайёрлаитан[1], «Ҳадис» асарининг Абдулғани Абдуллох томонидан қилинган таржима[2]ларининг чоп этилиши ҳам аерлар давомида узбек халқининг эътиқоди сифатида улуғланиб келаётган кадриятлар қайта тиклангаклигининг яна бир ёрқин намунасидир.

Собик Иттифоқи даврида бу каби мукаддас манбаларни ўзбек тилида ўкиш у ёкда турсин, уларнинг номларини хам тилга олиш «қолоқлик», «илмий ҳақиқатларни инкор этиш», «жоҳиллик» дея қораланар эди.

«Қуръони Карим» ва «Ҳа<\ис» асарларининг таржималари ёшлар, жумладан, талабаларга мукаддас манбаларда илгари сурилган эзгу ғоялар (тинчликни улуғлаш, инсонни инсон томонидан қадрланиши, иймонли, эътикодли, билимли бўлишнинг ахамияти, кибр, бойликка берилмаслик, ҳаром ва халолнинг фарқига бориш, мавжз^д моддий неъматларни асраш, уларни иероф, увол қилмаслик, бева-бечора, етим-есирларнинг ҳаққига хиёнат қилуаслик ва бошқалар)нинг асл моҳияти билан танишиш, уларнинг мазмунини ўрганиш ймконини яратади. Манбаларнинг асл моҳияти билан танишишнинг педагогик ахамияти шундан иборатки, улар бузғунчи ғоя тарафдорларининг

[1] Узбекиетон Республикаси: мустакил давлатнинг бунед булиши.- **Тошкенг** Узбекистан, 1992.- 40-бет.



[1] Куръони Карим. Ўзбекча изохли таржима // Таржима ва изохлармуаллифи : А.Мансур. -Тошкент: Шарк. 1992.- 494бет.

[2] Ал-Бухорий, Абу Абдуллох Мухаммад ибн Исмоил. Ҳадйс. 4-китоб: Ал-Жомиъ ас-Сахих . (Ишоиарли туллам). Арабчадан Абдугани Абдуллох тарж. - Тошкент: Қомуслар бош тахририяти, 1992. -527 бет.

ташвиқотларига ишониш, уларнинг кўрсатмаларига сўзскз қулоқ солищдан аввал мулоҳаза юритиш, уларнинг фикрларини таҳлил қилиш лаёқатига эга бўлишларига ёрдам беради.

Шўро тузумининг мафкуравий ёндошуви туфайли «Қуръони Карим» ва «Ҳадис» асарларининг миллат тараққиётида тутган ўрни, ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ахамияти борасида тадқиқотларнинг олиб борилиши ҳам таъқиқланган эди. Мустакиллик шарофати билан бундай таъқиқлар олиб ташланди ҳамда мукаддас манбалар, уларда илгари сурилган ғояларнинг фалсафий, ижтимоий, бадиий ва педагогик аҳамиятининг таҳлилига багишланган қатор илмий изланишлар олиб борилди. Ана шундай илмий изланишлар>дан бирининг натижаси сифатида Ҳ.Кароматовнинг «Қуръон ва узбек адабиёти» номли асари чоп этилди.

Шунингдек, Имом Исмоил ал — Бухорийнинг «Ал — жомеъ ас — саҳиҳ» («Ишонарли тўплам»), «Ал — адаб ал —муфрад» («Адаб дурдоналари»), Имом Исо ат — Термизийнинг «Ал — жомеъ ас — сахиҳ» («Ишонарли тўплам»), «Аш — Шамоил ан — Набавия» («Пайғамбарларнинг алоҳида фазилатлари»), «Алишер Навоийнинг тоталитар тузум даврида «диний гояларни тарғиб этувчи» асар сифатида. ўрганилиши таъқиқланган «Муножот», «Арбаъин» ҳамда «Тарихи анбиэ ва ҳукамо» («Пайғамбарлар ва ҳокимлар ҳақида» номли асарлари нашрдан чикарилдики, бу ҳолат ёшлар томонидан исломий қарашларни «сохта билимдонлар» томонидан қилинаётган талқин эмас:, балки холис ёндоъгув асосида ёритилган маълумотлар, мулоҳазалар ёрдамида ў{>ганилиши учун замин яратди.

Ислом дини ғояларини илмий асосда ўрганиш, уларни аслича ёш авлодга етказиш борасида 1995 йил 19 майда Узбекиетон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан қабул қилинган Қарорга мувофиқ ташкил этгшан Халқаро ислом тадқиқот маркази ўзига хос ўрин тутади. Зеро, ушбу марказнинг асосий вазифаси



эеспублика аҳолиси, хусусан, ёшларга «мил/шй қадриятларимизни ва ҳақиқий ислом таълимотини етказиш, мавжуд исломий осори — атиқалар тарихини ўрганиш, нодир қўлёзма асарларни тадқиқ этиш, улар билан кенг жамоатчиликни таништириш, дарслик ва қўлланмалар, лутатлар тайёрлаш ва нашр килишдан иборатдир»[1]. Шунингдек, кўплаб мадрасаларнинг фаолияти қайта йўлга қўйилди. «Айни пайтда мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида камида битга^ан диний Мадраса, Тошкент шаҳрида эса Тошкент Ислом Университета, Халқаро Ислом тадқиқотлар маркази, Имом ал — Бухорий номидаги Ислом маъҳади, Эшон Бобохон номидаги аёллар мадрасаси, Абулқосим ва Кўкалдош мадрасалари ишлаб турибди.

Ислом дини фарзларидан бири — бу ҳаж зиёратини адо этиш ҳисобланади. Ўзбек халқи муста(5ид ту[г]зум даврида узок йиллар, гарчи ислом динига эъти^од қилсак —да, бу фарзни адо этиш имкониятидан маҳрум бўлиб яш<зди. Республика ҳукумати раҳбариятининг шижоати билан 1990 йилнинг ҳижрий йил хисоби билан Рамазон ойида мусулмонларнинг ҳаж ама\ини ,адо этишлари учун шароит ярати.лди. «Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига ҳаж қилиши тўғрисида»ги Узбекиетон Республикаси Президента Фармонгснинг эълон килиниши капа ҳодиса бўлди.

Талабаларда миллий ифтихор туйгусини шакллантириш, улар томонидан исломий қадриятларга тўғри баҳо бера олиш лаёқатини тарбиялашда республика микёсида Ислом оламида ўзларининг алоҳида ўринла]эига эга бўлган буюк алломаларнинг юбилей саналарини нишонлаш йўлида амалга оширилган тадбирлар ҳам мухим ахамиятга эга. Имом Абу исо ат — Термизийнинг 1200 йиллиги, Махмуд аз — Замаҳшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Баҳовуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги, Хожа Ахрори Валийнинг 600 йиллиги, Имом Исмоил

[1] Ўзбекистоннинг янги тарихи.// Тузувчилар: Н.Жўрасв, Т.Файзуллаев. - Тошкент: Шарк, 2000.- 3-китоб. Мустақил Узбекистан тарихи. - 411-бет.

ал— Бухорий таваллудининг хижрий — қамарий тавқим бўйича 1225 йиллигининг кенг кўламда нишонланиши»[1] ёшлар учун ўзга хос тарбия намунаси бўлди. Бинобарин, бундай тадбирлар орқали улуғ алломаларга бўлган чексиз ҳурмат ва уларнинг Ислом таълимотини ривожлантиришга қўшган ҳиссалари олдидаги эҳтиромни намойиш зтидди. Ўтганларни ёдлаш, уларнинг фаолиятидан хабардор бўлиш ҳамда меҳнатларига нисбатан эҳтиром билдириш ўзбек халқининг ўзлигига хос фазилатдир.

Миллий — маданий мерос, шу жумладан, адабиёт ва санъат барча даврларда хам ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялавт, уларга аждодлар анъаналарини етказиш воситаси бўлиб келган. Айни вақтда улар ёшларга миллий ўзликни англатиш:, уларда Ватан ва миллатга бўлган мехр-муҳаббатни қарор топтириш, миллий ифтихор туйғуларини шакллантиришда алоҳида ўрин тутади. Бироқ, тоталитар тузум даврида миллий озодлик харакатларининг қайта юзага келишидан қўрққан айрим идеологлар миллий-' маданий меросни ўрганишда қатъий чекловлар бўлиши кераклиги тўғрисидаги таклифни илгари сурдилар. Жумладан, 1986 йил 4 октябрда бўлиб ўтган Узбекиетон КПМКнинг III Пленумида [пу ҳақида алоҳида сўз юритилиб, унда қуйидаги мулоҳазалар илгари сурилди: «Ўтмишни идеаллаштириш, носинфий ва нотарихий ёндошув шуяга олиб кеддики, Тёмур каби феодал золимлар театр саҳналарида, кино экранларида, китоб саҳифаларидс1 шу вақтга қадар кўзга ташланиб турибди, айрим ёзувчиларнинг эътиборида тарих ҳақиқатига зид равишда у инсонпарвар ва узоқни кура билувчи сиёсатчи қилиб кўрсатилган. Бу борада типик ўрта ас:рга хос жиҳатларни кўра олиш учун Пиримқул Қодировда синфий етуклик етишмади. Ёзувчи Бобурнинг ҳақиқий босқинчилик фаолиятларини сезмай, унинг гўё маърифатпарвар подшолиги, нозик

[1] *Уши* китоб, 410-бет.



дидли лирик шоир ва улкан тарихчилигига қойил қолиб, эриб кетадию, кўз ёши килами.

Бундай калтабинлик дастлаб Караганда беозор кўринсада, асло бундай эмас. Унинг замирида тарихни қайтадан ёзишга уриниш, патриархал даврни қўмсашни тарғиб қилиш, исломни миллий чаданиятнинг хазиначиси қилиб кўрсатишга уриниш ёта^л»'.

Мил/лт тарихи, унинг маданияти ва тараққиётига нисбатан бундай ёндошув аслида уни тобе қилиш, ўзлигини англай олмай/\к:ган зомбига айлантиришга интилиш эди. Бироқ, аерлар» силсиласида тобланган, мусҳамкам илдизга эга бўлиб борган мил-лий — маданий меросни миллат тарихидан ўчириб юборишга қаратилган ҳаракат самарасиз якун топд,и. Пиримкул Қодировнинг Заҳириддин Мухаммед Бобур ва бобурийлар сулоласи вакилларининг ҳаёти, фаолияти, шунингдек, ижоди ҳақида ҳюкоя қилувчи «Юлдузли тунлар», кейинроқ эса мазкур романнинг юми саналувчи «Авлодлар давони» асарлари чоп этилди.

««Қизил империя» Амир Темурга, у орқ.^и **V** 1@ек халкига нисбатан таҳқирлаш сиёсатини олиб борган бир пайтда хорижда бу беназир зотга бағишланган кўплаб илмий, илмий — оммабоп, бадиий, с?пъат асарлари яратилди, халқаро анжуманлар уткезилди, унинг номи билан боғлиқ. оммавий ташкилотлар тузилди, музейлар очидди» [2].

Мустакиллик йилларида амалга оширилган энг хайрли ишлардан бири - бу академик И.Мўминов томонидан бошланган, бирок мафкуравий тазйиққа учраган ҳаракатнинг ўз самарасини бергс1Н.лиги бўлди. Айнан игу йилларда «қонхўр», «золтгм» дея сифатланган Амир Темур шахеи ўзининг муносиб бахосига эга бўлди.

[1] Ўша китоб, 378-бет.
[2] Ўша китоб, 388-бет.

Узбекиетон Республикаси Президента томонидан 1996 йилнинг «Амир Темур йили» деб эълон қилиниши, шу йили мард саркарда таваллудининг 660 йиллиги нишонланиши соҳибқирон шахеи, унинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга кенг имкониятлар очди. Соҳибқироннинг «Темур тузуклари» асари эълон килимди. «Гўри Амир» мақбараси таъмирланди. Шу йилнинг октябр ойида Тошкент шаҳрида «Темуржйлар тарихи» давлат музейининг очилиши ёшлар ўртасида соҳибқирон томонидан амалга оширилган ва узбек даглатчилигининг шаклланишида беқиёс ахамиятга эга бўлгсй ҳаракатлар тўгрисида батафеил маълумотларни бери ш, уларни тасвирий — образли тарзда етказиб бериш имкониятини яратди.

Мустақилликдан сўнг ўтган ўн беш йил ичида Амир Темур) ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маълумотлар берувчи бир қатор илмий ва бадиий асарлар яраталди. Жумладан, А.Ҳайитметовнинг «Амир Темур ва ўзбек адабиёти», Б.Ахмедовнинг «Амир Темур», Б.Ахмедов,,, А.Аминовларнинг «Амир Темур ўтитлари», Ҳ.Каэоматовнинг масъул муҳаррирлигидаги «Амир Темур жаҳон тарихида» номли асарлари, шунингдек, А.Ориповнинг «Соҳибқирон» ва М.Жалилнинг «Соҳибқирон Темур» драмалари яр)атилди. «Ўзбекфильм» томонидан кўп қисмли «Амир Темур» фильми суратга олинди.

Эътиқодсизлик улугланган даврда «ўзида мистик қарашларни ёритган, халк ўртасида жаҳолат, рас-.олатни тарғиб этувчи» асарлар) дея баҳоланган ва ми.\лий адабиётдан мажбуран олиб ташланган асарларнинг нашр этилиши йўлида ҳам самарали ишлар амалга оширилди. Натижада Ахмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Абулкосим Махмуд ибн Умар аз — Замак;шарий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Ҳусайн Бойқаро, Феруз (Сайид Муҳаммад Рахимхон Баҳодирхон соний) кабиларнинг ўзбек мумтоз адабиётининг дурдоналарига айланган асарларини ўкиб — ўрганиш имконияти юзага келли.



Мустакиллик йилларк,^,а амалга оширилган яна бир хайрли иш — бу жадидчилик ҳаракатининг етакчилар)и бўлган ва «ха/1К душмани» дея қатоғон қилинган Абдурауф Фитрат, Мунаввар Корж Абдурашидхон ўғли, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодир)ий ва( Усмон Носир каби узбек миллатининг оташқалб ўғлонлари асарларининг халққа қайтарилиши бўлди. «Қатоғон қурбонларш» жамғармасининг ташкил этилиши, мазкур жамғарманинг қўллаб- кувватлапш билан жадидчилик ҳаракати раҳбарлари ва намояндаларининг ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши, асарларининг қайта тикланиши ва чоп этилиши, улар ҳаётининг сўнгги кунларини ёритувчи архив материалларининг ўр)ганилиши, шунингдек, «Қатоғон Курбонлари» номли хотира майдонининг бар»по этилиши ёш авлодни ватанпарвар этиб тарбиялаш, уларда миллий адабий меросга нисбатан хурматни қарор топтириш ва ватандошларининг ватан озодлиги, миллат ҳурлиги йўлида олиб борган курашларидан фахрланиш тушгусини шакллантиришга катта ёр>дам берсд,и.

Қайта тикланган миллий кадриятлар орасида ўзбек тили мавқеини кўтар)ишга қаратилгаг! ижтимоий ҳаракат алоҳида аҳамиятга эга Гарчи, 1989 йилнинг 21 октябрида Узбекиетон Республикаси Президентининг фармонига кўра ўзбек тили давлат тили мақомини олган бўлса—да, бу фармоннинг ахамияти мустакиллик йилларидагина тўла намоён бўлди. Айни вақтда республика узлуксиз таълим тизимида ўкитиш ишлари, ишлаб чиқаришда иш юритиш узбек тилида амаллл оширилмоқда. Иш ўринларжда ва жамоат жойларида ҳам узбек тилида мурожаат этиш, шу тилда мулоқот қилиш, асарлар яратиш имконияти юзага келди. Бугунги кунда олий таълим муассасаларшда п-алабалар ўртасида миллий тил имкониятларини тарғиб қилиш, унинг ижтимоий аҳамияти ва миллий руҳиятнинг намоён бўлишидаги ролини очиб бериш асосида уларда узбек тилита бўлган хурматни карор топтггриш, тил софлигини таъг^инлаш вазифаси турибди.

Юқорида билдирилган фикрлар талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда миллий қадриятларни қайта тикланишининг ахамияти қуйидаги ҳолатларда кўзга ташланишини исботлади:

1. Талабалар томонидан миллий кадриятлар, уларнинг моҳияти ва ижтимоий аҳамияти тўғрисидаги билимларнинг ўзлаштирилиши.

2. Уларга исломий ғояларнинг асл моҳиятини тўғри англашлари, Ислом таълимоти ривожига улкан ҳисса қўшган ватандошларимиз, уларнинг ҳаётлари ва фаолиятлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишлари учун зарур шарт — шароитнинг яратилганлиги.

3. Уларнинг миллий урф—одат, маросим ва анъаналарда илгари сурилган эзгу инсоний қарашлардан хабардор бўлишлари.

4. Талабаларнинг узбек миллий давлатчилигининг асосчиси — соҳибқирон Амир Темур шахсини англашлари, у томонидан бошланган эзгу ишиинг давомчилари бўлишга руҳланишлари, унинг мамлакатни адолат билан бошқариш ғояларига садоқатли бўлишлари.

5. Ўз Ватанларида *миллий* тилда сўзлашиш, касоий фаолиятни олиб боришда ўзбек тилидан фойдаланиш хукукига эга бўлиш.

6. Талабаларнинг Туркистонда йўлга қўйилган жадидчилик фаолияти, унинг мақсад ва вазифалари, ҳаракат фаолларининг шахси, ҳаёти ва флолиятларидан хабардор бўлишлари, уларнинг ф'идоийликларидан намуна ўзлаштиришлари.

Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйишда миллий қадриятларнинг қайта тикланиши натижасида юзага келган имкониятлардан тўғри фойдаланиш, улар тўғэисида талабаларни хабардор этиш кутилган натижаларни бера олади.



## Талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари

Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйгусини шакллантириш муаммоси билан шугулланиш жараёнида мавжуд аҳволни ўрганиш натижасида ёшларнинг аксарияти ўзларида миллий ифтихор туйғусининг шаклланишига нисбатан бефарқ эканликлари ва уларда бу сифат паст даражада ривожланганлигини кўрсатганига гувох бўлдик. Тажриба—синов ишлари чоғида бу ҳолатнинг мавжудлик сабаби ўрганилди. Талабалар фаолиятини бевосита кузатиш, улар билан ўтказилган сухбатлар, баҳс — мунозаралар, сўровлар натижалари сабабларни аниқлашга ёрдам берди. Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйгусини шакллантиришдаги муаммолар қуйидагилардан иборат:

1. Хусусий фанлар имкониятлари билан уларни ўқитиш жараёнида талабаларга миллий қадриятлар, уларнинг ижтимоий ахамияти, ўзбек халқииинг жаҳон илм—фани ва цивилизациясига қўшган ҳиссаси ҳақидаги маълумотларни беришга жиддий эътиборнинг қаратилмаётганли ги.

Ўқув предметлари бўйича мавзуларни ўқитиш чоғида уларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, шунингдек, миллий қадриятларни тарғиб этишдаги имкониятини ҳисобга олган ҳом^ улар тўғрисидаги ижтимоий, педагогик ва психологик асосланган билимлардан талабаларни хабардор қилиб бориш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири саналади. Бу максадлл фанлараро ўзаро алоқадорлик, интеграциядан фойдаланиш кутилган натижаларни бера олади.

2. Олий таълим муассасаларининг умумуниверситет (умуминститут), факультет ҳамда ᴦУРУХ маънавият ва маърифат ишлари бўйича ишлаб чиқилган тарбиявий тадбирлар режасида сўз юритилаётган муаммога оид тадбирларнинг изчил,

узлуксиз ташкил зтилмаеттанлиги, режанинг тула бажарилмаётганлиги, амалий — тарбиявий жараёнда талабаларда миллий ифтихор туйгусини шакллантиришга хизмат килувчи тадбирларнинг етакчи ўрин тутмаётганлиги (ёки уларнинг ғоявий жиҳатдан саёзлиги).

Кузатишлар ва бевосита олий таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар режаси билан танишиш, гарчи уларда талабаларда миллий ифтихор туйгусини шакллантириш, улар томонидан миллий ўзликнинг англаниши, уларни миллий кадриятлар билан якиндан таништиришга хизмат килувчи тадбирлар ўз ифодасини топгани ҳолда, амалда уларнинг ташкил этилиши ва ўтказилишига жиддий эътибор берилмаяпти. Ёки тадбирларни ўтказишда бефарқлик, уни режа учунгина ўтказиш мажбурияти кўзга ташланмокда. Педагогика фани гояларига кура тадбирларнинг бундай рухда ўтказилиши уларнинг хеч қандай таъсир кучига эга бўлмаслиги учунгина шароит яратади.

Талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришга оид маънавий — маърифий тадбирларни ташкил этишда республикада фаолият олиб бораётган ижтимоий ташкидотлар, жумладан, Республика •:<Маънавият ва маърифат» Маркази, «Олтин мерос», «Бобур», «Ахмад Фарғоний», «Қатоғон курбонлари» каби жамғармалар, шунингдек, Республика «Камолот» ижтимоий ҳаракати ва уларнинг жойлардаги бўлимларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Мукаддас қадамжолар, меъморий обидалар ҳамда музейларга уюштириладиган экскурсиялар восигасида талабаларни миллий кадриятлар билан таништириш педагогик жиҳатдан самарали саналади.

3. Оммавий ахборот воситаларининг кучли тарбиявий имкониятларининг тўла очилмаёттанлиги, ёшларда миллий иф|Тихор туйгусини шакллантиришдаги улар ролининг талаблар даражасида бўлмаётганлиги.



Бугунги кунда, гарчи оммавий ахборот воситалари сонининг кескин ошганлигига қарамай, аксарият воситаларнинг ёшлар маънавиятини шакллантириш, уларни баркамол инсон қилиб тарбиялашдаги роли мутлақо кўзга ташланмаяити. Ёки аксинча, уларнинг саҳифаларида бериб борилаётган тор маиший ҳаёт этюдлари, «армонли муҳаббат» эгаларининг оху — нолалари, енгил — елпи ҳаёт кечирувчиларнинг таъсирсиз «пушаймонлари», маънавий — ахлоқий гояга эга бўлмаган ёки у етарллг даражада ба,ди:ий ифодасини топмаган .едоғи йўқ сериа\.лар, устувор урин тутган криминал олам «янгиликлари» ҳамда меҳнс1Т қилмасдан бирдан бойиб кетишни хаёл қилаётган ёгаларнинг «балднДпарвоз ваъдалари»ни ёритутзчи материал^\арнинг керагидан ортиқ бериб борилиши ёшлар, жуг.1ладан, талабалар онгини маънавий жиҳатдан қашшоқлашгиришгагина хизмат қилмоқда.

Аксинча, оммавий ахборот воситаларида юксак маънавий — ахлоқий ғояни тарғиб этувчи, талабалар ўртасида ватанпарварлик, миллиг! онглилик ва юксак инсоний маданиятлиликни тарғиб этувчи санъат асарлари, илмий карашларнинт тарғиб этилишига эришиш нафақат ёшларяинг, шунингдек, жамиятнинг ҳам маънавий маданиятини юксалтирган бўлар эди.

Сўнгги Йилларда Узбекиетон телерадио компанияси томонидан хайрли ишлар амалга оширилмоеда. Масалан, «Олтин мерос», «Оҳанграбо», «Беллашув» («Айтишув»), «Сиз соғинган оҳанглар», «Бир ўлкаки», шунингдек, «Зиё» студияси томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшитгиришлардан олий таълим муассаса^\арида маънавий- маърифий тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш мақсадга мувофикдир. Улар сонининг кўпайтирилиши ҳам кутилган натижаларни беради.

4. Ёшлар онгига кучли таъсир этувчи мусика ва кино санъатининг тарбиявий имкониятларидан етарлича фойдаланишга эътибор бермаслик, замонавий мусика

ва кино санъати намуналарининг аксарияти бугунги кун талабларини тўла қондира олмаётганлиги.

Миллий мусиқанинг бой мероси, унга тамал тоши қўйган санъаткорлар билан талабаларни таништириш ҳам олий таълим муассасаларида амалга оши эилаётган маънавий — маърифий тадбирларнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолиши зарур. Бу эса ўз навбатида матн ва оҳангда мантиқ ва ижро маҳорати сезилмайдиган, аслида иқтидорга эга бўл1У:аса — да, сунъий равишда «юлдузлар»га айлантирилаётган санъаткорлар ижоди йўлига жамоатчилик таъсири остида тўсиқ қўйиш имконини беради. Бинобарин, шахсий манфаат йўлида ўзининг бой анъаналарига эга бўлган миллий мусиқани обрўсизлантириш учун ҳеч ким маънавий хуқуққа эга эмас.

Сўнгги йилларда суратга олинаётган аксарият бадиий фильмлар бадиий ва ижро маҳоратининг пастлиги, шунингдек, миллий-маданий мерос, миллий кадриятлар ҳақида ҳикоя килувчи бадиий ва ҳужжатли фил:>млар ўрнини «ошиқ кўнгил кечинмалари»дан ҳикоя килувчи фильмлар эгаллаётганлиги маънавий қашшоқланиш асосини яратмоқда. Шу сабабли талабалар ўртасида асл санъат намуналари бўлган кинофильмларни тарғиб этиш, улар ҳақида маълумотлар бериш, жамоа асосида уларни томоша қилиб, ёритилган ғоя за унинг ечими тўғрисидаги сухбатларни уюштириш зарур. Бу ўринда «Тоҳир ва Зухра», «Насриддин Бухорода», «Алишер Навоий», «Амир Темур» фильмлари имкониятларидан етарлича фойдаланиш мақсадга мувофик.

5. Ёшларнинг турли соҳаларда жасорат, қаҳрамонлик ҳамда юксак ирода намунасини кўр<;атаётган шахсларнинг ҳаёт тарзи, хатти — ҳаракатлари, фаолияти билан етарлича таништирилмаётганлиги, ишлаб чиқариш ва ижод сохаларида самарали фаолият юритаётган бугунги кун „рамонларини ёшларга таништиришда етарли даражада фаоллик кўрсатилмаётганлиги.

Бу ўринда ижтимоий, гуманитар фанлар, иг/нингдек, ижтимоий, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ички имкониятларидан унумли фойдаланиш асосида талабаларни халқ ҳамда бугунги кун каҳрамонлари билан таништиришга жидд,ий эътибор қаратишни давр тақозо этмоқда.

Тадбирлар чогида Широк, Тўмарис, Сиитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур М.хлик, Амир Темур, Қурбонжон Додхо. Эшон Д:/кчи, Мадаминбек, Собир Раҳимов, Мамадали Топибодуиев, Ахмаджон Шукуров, Тўйчи Эрйигитов, шунингдек, Узбекиетон Қаҳрамонлари — Сайд Ахмад, Озод Шарофутдинов, Абдулла Орипов, Улугбек Умаров, Мартия Рахматова, Мавлюда Исматова, Эркин Воҳидовларнинг ҳаёти ва фаолияти билан талабаларни яқиндан таништириб бориш улар учун алоҳида тарбия намунаси бўлиб хизмат қилади. Ана шу мақсаддаги тадбирларнинг учрашувлар шаклида бўлишига эришиш эса янада самаралидир.

6. Оилада ёшларнинг мил,\ий кадриятлар энг мукаддас оилавий анъаналар, шунингдек, мил/ий маънавий-ахлоқий қарашлар асосида тарбиялашда юксак самара^дорликка эришиш ҳақидаги давр синовидан ўтган педагогик ғоялардан фойдаланишга эътибор қаратилмаётганлиги.

Оилаларда фарзандлар тарбиясини та:икил этишда миллий қадриятларнинг тарбиявий таъсиридан фойдаланиш масаласига эътибор қаратишга эришиш зарур. Бу ўринда узлуксиз таълим муассасалари, шу жумладан, олий таълим муассасалари томонидан оилаларга методик ёрдам кўрсатилишига эришиш лозим.

7. Ёшларнинг ватанпарварлик ва харбий ватанпарварлик ғояларини тадбиқ этувчи та/\,бирларда фаол иштирок этишга бўлган қизиқишлари даражасининг пастлиги, ватанпарварлик гояларини

тарғиб этувчи тадбирларни ташкил этиш анъанасининг тобора унутилиб бораётганлиги.

Олий таълим муассасаларида ватанпарварлик ғояларини тарғиб этиш борасидаги синовдан ўтган анъананинг қайта тикланиши талабаларда миллий ифтихор, ҳарбий ватанпарварлик туйғуларини муваффақиятли тарбиялашга ёрдам беради. Бу ўринда таълим муассасаларининг Республика «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда Ҳарбий Қуролли кучлар Вазирлиги билан ҳамкорликка эришишлари мақсадга мувофиқдир.

8. Давлат сиёсати даражасида ёшлар онгида ғоявий бўшлиқ юзага келишииинг олдини олишга каратилган ижтимоий ҳаракатнинг амалга оширилаётганлигига қарамай, улар эътиборини миллий муаммолардан четгй тортиш эвазига уларнинг онгига ягона исломий мақсад—халифалик давлатини барпо этиш ва жамиятни: диний тамойиллар асосида бошқариш "олий бурч эканлиги" тўғрисидаги ғояларни сингдиришга йўналтирилган "ахборот хуружи"нинг олиб борилаётганлиги, бу хавф суръатининг тобора тезлашаётганлиги.

Ёшлар, шунингдек, талабаларни бузғунчи ғоялар таъсиридан саклаб қолишнинг энг ишончли усули — уларни ижтимоий—фойдали меҳиат билан банд қилиш, уларга Ислом таълимотининг асл қарашлари тутрисидаги билимларни таргиб этиш ҳисобланади. Шу сабабли таъллм муассасаларида талабаларнинг бўш вақтларини кўнгилли, жамоа асосида ташкил этиш, уларни исломий қадриятлар билан яқиндан таништиришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Талаба\ар шанбаликларини ташкил этиш, ёшлардан иборат кўнгилликлар гуруҳларининг таътил вақтларида ишлаб чиқариш жараёнига фаол жалб этиш уларни бузғунчи ғояларга берилмас,\н:кларининг оддини олидпда кутилган натижаларни берщи. Ана шу максадд,а олий таълим муассасаларида ишлаб чиқариш корхоналари билан



интеграцияга, ҳамкорликка эришиш фойдадан ҳоли эмас.

9. Хорижий мамлакатлар ва республикамизда олий таълим муассасалари талабаларида (умуман ёшларда) миллий ифтихор туйғусини 1пакллантириш борасида гўпланган тажрибаларнинг педагогика амалиётига жадал жорий этиш тутрисидаги фикрларнинг турли илмий анжуманларда илгари сурилаётганлигига қарамай бу йўлда ҳанузгача сусткаптликка йўл қўйилаётганлиги.

Бугунги кунда ривож\анган хорижий мамлакатлар, жумладан, Япония, Жанубий Корея каби мамлакатлар ёшларда миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусини шакллантириш борасида катта педагогик гажрибага эга. Ана шундай тажрибалардан бири — ёшлар болаликцан— миллий—маданий мерос, мамлакат тарихи билан таништирилиб борилади. Таълим муассаса;шридан таълим олувчиларда куннинг иккинчи ярмида миллий урф—одатлар, маросим ва анъаналарни ташкил этиш, уларни ўтказишга оид кўникма ва малакалар амалий машқлар, машғулотлар асосида шакллантириб борилади. Бу каби тажрибаларни республика узлуксиз таълим тизимига татбиқ этиш мақсадга мувофикдир.

10. Ёшларда миллий ифтихор туйгусини шаю\лантиришнинг психологик—педагогик ва фалсафий жиҳатларини яхлит ҳолда ўрганин1 зарурияти юзага келган бўлсада, бугунги , кунга қадар бу масаланинг ўз ечимиии тоимаётганлиги, унинг самарал.и йўллари аниқланмаганлиги, омилуари ва восигаларининг етар/ш даражада ўт)ганилм:атанлиги.

Масаланинг бу жиҳатини ўрганиш йўлида дастлабки ҳаракатлар бошланган, эндиги вазифа бу ҳаракатнинг самарали чора—тадбирларини оелгилашдан иборат.

Демак, тадқиқотни . олиб бориш мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг самар.али йўллари Куйидагилар эканлигини тасдиқлади:

1. Хусусий фанларни ўқитиш жараёнида талабаларга миллий кадриятлар, уларнинг ижтимоий аҳамияти, узбек халкининг жаҳон илм — фани ва цивилизациясига қўшган ҳиссаси хақидаги маълумотларни беришга жиддий эътибор қаратиш.

2. Тарбиявий жараёнда талабаларда миллий ифтихор туйгусини шакллантиришга хизмат килувчи тадбирларнинг етакчи ўрин тутиши ҳамда ташкил этилаётган тадбирларнинг ғоявий жиҳатдан юксак савияда бўлиши учун барча имкониятларни ишга солиш.

3. Олий таълим муассасаларининг талабаларида миллий ифтихор туйгусини шакллантириш жараёнида оммавий ахборот воситалари хизматидан самарали фойдаланиш ва уларнинг бу борадаги ролини ошириш, ана шу мақсадда оммавий ахборот воситалари билан кенг жамоатчилик ўртасида ижодий ҳамкорликка эришиш, яъни уларнинг фаолиятига жамоатчилик бахосини бериш тизимини ишлаб чиқиш ва мазкур тизимнинг тўлақонли ишлашини таъминлашга эришиш.

4. Бош ғояси маиший муаммолардангина иборат бўлиб, ғоявий савияси ва ижро маҳорати паст бўлган мусика ва кино санъати намуналарининг оммавий ахборот воситалари саҳифаларидан ўрин олишига нисбатан жамоатчилик таъсирини ўгказиш, шунингдек, газега ва журналларда мумкин қадар ижтимоий онг ва шахс дунёқарашини бойитиш, фукароларда фикрлаш лаёқатини шакллантириш, маиший биқикликдан холи бўлиш асосида ижтимоий фаолликни қарор топтиришга хизмат килувчи мақолаларнинг чоп этилишини таъминлаш.

5. Ишлаб чиқариш ва ижод соҳаларида самарали фаолият юритаётган замона қаҳрамонларини ёшларга таништиришга алоҳида эътибор қаратиш ва бу йўлда фаоллик кўрсатиш.

6. Ёшларда умуммиллат ва жамият манфаатларини шахсий манфаатлардан юқори кўя олишлари, жамият ва миллат олдидаги инсоний



бурчларини тўлақонли англашлари, халк бахт-саодати хамда юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилишларига эришиш учун психологик ва педагогик шароит яратиш.

7. Оилаларда ёшларнинг миллий кадриятлар, энг мукаддас оилавий анъаналар, шунингдек, миллий маънавий-ахлоқий қарашлар асосида тарбиялашга жиддий эътибор берилишига эришиш.

8. Ёшлар ўртасида ватанпарварлик ва ҳарбий ватанпарварлик ғояларини тарғиб этувчи тадбирларнинг кенг кўлам ва юксак савияда ташкил этиш анъанасини қайта тиклаш.

9. Ёшлар ўртасида этник зиддиятлар, диний қарама-қаршиликлар ҳамда ғоявий бузғунчиликни келтириб чиқарувчи ҳар қандай ҳаракатга қарши кескин курашиш, уларда ғоявий иммунитетни карор топтиришга эришиш.

10. Хорижий мамлакатлар ва республикамизда олий таълим муассасалари талабалари (умуман ёшларда) миллий ифтихор туйгусини шакллантириш борасида тўпланган тажрибаларни ўрганиш, уларда илгсфи сурилаётган илғор қарашларни умутллаштириш, шунингдек, уларни оммалаштириш чора-тадбирларини ишлаб чикиш.

11. Ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг психологик-педагогик ва фалсафий жиҳатларини яхлит ҳолда ўрганилиипага эришиш, мазкур жараённи. ташкил этишнинг самарали йўллари, омиллари ва воситаларини етарли даражада ўрганиш.

Юқорида ифодаланган масалаларнинг ижобий ҳал этилиши олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйгусини шакллантиришда сезиларли ютуқларга эришишни кафолатлайди.

## III БЎЛИМ. ТАЛАБАЛАРДА МИЛЛИЙ ИФТИХОР ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АМАЛИЙ МАЗМУНИ

### Талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш омиллари

Мустакиллик йилларида ё!и авлод, жумладан, талабаларни маънавий — ахлокий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг етук мутахассис бўлиб етишишларига эришиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири дея эътироф этилди. Бу ўринда Узбекиетон Республикаси Президенти И А. Каримов «Фидокор» газетасининг мухбири саволларига жавоб берар экан:, бугунги кун ёшлари эга бўлишлари зарур бўлган фазилатлар куйидагилар эканлигига алоҳида урғу беради: «... ёшларимизнинг иймон — эътиқодларини мустахкамлаш, иродасини бакувват қилиш, уларни ўз мустакил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота — боболарнинг мукаддас қадриятларини асраб — авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини карор топтириш. Уларнинг, мен узбек фарзандиман, деб гурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир»[1]

Талабаларда миллий ифтихо]э туйгусини шакллантириш узок муддатли, мураккаб жараён хисобланади. Бу жараённинг' самарали ташкил этилиши бир қатор омилларнинг таъсири асосида кечади. Тадқиқотни олиб бориш чоғида олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини

[1] Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хает - пировард максадимиз. 8-жидд. Тошкент: Узбекиетон, 2000. 494-бет.



шакллантиришнинг мухим омиллари куйидат*. эканлигига ишонч ҳосЙл қилинди (б-чизмага қаранг):

6 — чиз?<т:

Талабаларда миллий ифтихор туйгусини шакллантирувчи омиллар

| № | Омиллар | Талабаларда миллий ифтихор туйгусини шакллантиришга бўлган таъсири |
|---|---|---|
| 1. | Миллатнинг шонли тарихи, ўтмиши | Талабаларни IVп1ллйт тарихи билан ГА&&Ш миллатнинг тараққиёт йўли тўғрисидаги билимларни ҳосил қилади, **миллий** тарих негизида истиқболга бўлган ишончни қарор топтиради |
| 2. | МИЛЛИЙ тил имкониятлари | Талабаларнинг миллий рухда фикрлаш, миллий тафаккурга эга бўлишлари учун асос бўлиб хизмат килади |
| 3. | Халк қахрамонларининг жасорати | Талабаларга миллат озодлиги, Батан мустақиллиги, тараққиёти, истиг>боли учун курашиш олий инсоний бурч эканлигини англс.тади, ^ллпни миллат озодлиги- Ватан равнақи йўлида курашиш истагини уйготади |

| | | |
|---|---|---|
| | Миллий — маданий мерос | Талабаларни миллатга хос турмуш тарзи, борликқа бўлган ёндошув, ижтимоий муносабатлари мазмуни, миллий характер хусусиятлари билан таништиради, уларда миллий менталитетга хос сифатларни тарбиялашга ёрдам беради |
| 4.1. | Миллий кадриятлар (урф - одат, маросим ва анъаналар) | Талабаларга миллат ҳаёти, ўтмиши, келажаги учун дахлдор булган омиллар тўғрисида маълумотлар беради, улар томонидан миллий менталитет хусусиятларининг гула англаниши учун имконият яратади, талабаларда миллий урф —одат, маросим ва анъаналарнинг авлодлар томонидан давом эттирилиши, уларнинг мазмунан бойигиб борилиши йўлида амалий ҳаракат кўникмаларини тарбиялайди |
| 4.2. | *Хащ* оғзаки ижоди | Еш авлоднинг миллий Кадриятлар руҳида улгайишлари учун 1нароит яратади, талабаларни миллий |



| | | |
|---|---|---|
| | | рухият, миллий тафаккур, ижтимоий борликқа бўлган ёндошув элементлари билан таништиради, уларда миллий онгнинг шаклланиши учун хизмат килади |
| 4.3. | Адабиёт | Та\абаларга миллий ҳаёт тарзи, унинг таркиб топиш жараёни, миллий характер элементлари, ижтимоий — миллий муносабатлар мазмуни хакидаги маълумотларни беради |
| 4.4. | Илм — фан | Талабаларни миллатнинг интеллектуал салоҳияти, унинг жаҳон илм — фани ривожига қўшган ҳиссаси, жаҳон цивилизацк:ясидаги ўрни билан таништиради |
| 4.5. | Санъат | Ёшларга турли тасвирий воситалар ёрдамида миллий ҳаёт тарзи, миллий характер хусусиятларининг шахс камолотини таъминлашдаги роли ҳақидаги билимларни беради |
| 4.5.1. | Халқ хунармандч или ги | Талабаларни миллий ижодкорлик мазмунида |

| | | |
|---|---|---|
| | | акс этган ~эагу~ қарашлар билан таништиради, уларда миллий рухиятга асосланган ижтимоий муносабатни шакллантиради |
| **4.5.2.** | Миллий меъморчилик | Талабаларга миллий" меъморчилик мазмунида ўз ифодасини топган ижтимоий тафаккур, МИЛЛИЙ иктилоп тўғрисидаги маълумотларни етказиб бериш асосида уларда гт~ЖЛОЛЛЛГ1лит,лҤ,ллдпттга ч^1^/\у//у>О^Н и.п ЪиЛС1Ас1рИ1 а. ҳурмат туйғуларини қарор топтиради |
| **4.5.3.** | Рассомлик | Рангли тасвирий воситалар ёрдамида талабаларни миллий ҳаёт тарзи, миллий рухият хусусиятлари билан таништиради |
| **4.5.4.** | Миллий мусика ва қўшиқчилик | Оҳанглар ёрдамида талабалар томонидан миллий характер, қарашлар мазмунинит англанишини таъминлайди, уларда эстетик дидни тарбиялайди |
| **4.5.5.** | Раке санъати | Инсон ва борлиқ ўртасидаги миллий муносабат мазмунини ҳаракатлар ёрдамида очиб бериш асосида |



| | | |
|---|---|---|
| | | талабаларда миллий характер элементларини шакллантиради |
| **4.5.6** | Санъатнинг бошқа турлари (кино, театр, цирк, миллий дорбозлик) | Талабаларни миллийликнинг умуминсоний маданиятдаги ўрни билан таништиради, улар томонидан миллий маданият жиҳатларининг турли маданиятлар синтезидаги ролининг баҳоланишига имконият яратади |
| | Ишлаб чиқариш соҳасида эришилаётган ютуқлар | Талабаларнинг миллий интеллектуал салохият даражасига баҳо бериш асосида республикада илм—фан равнақини таъминлашга ўз ҳиссасини кўшиш истагини юзага келтиради |
| | Оилавий сулола анъаналари | Ёшлар, жумладан, талабалар томонидан миллийлик, миллий ўзига хослик, миллий кадриятлар мазмунининг пухта англаниши З"гун шароит яратади, уларни миллий рухият ғоялари асосида тарбиялашга ёрдам беради |
| 7. | Спорт | Талабаларни миллат |

вакилларининг жисмоний кучи, салоҳияти даражаси билан таништиради, уларда спорт миллат ном:ини жахонга тез танитувчи восита эканлиги тўгрисидаги қарашни юзага келтиради, уларда шахсий жисмоний маданиятни тарбиялашга нисбатан рағбат уйғотади Талабаларни миллатнинг асрий карашлари, борлиққа бўлган ижтимоий муносабати мазмуни, шунингдек, унинг шаъни, ғурури, ор — номуси, халкаро майдондаги обру — эътибори тўғрисидаги маълумотлар билан таништиради, уларда миллатнинг ҳаёт тарзига нисбатан чукур хурмат уйғотади, миллатни улуғлашга, унинг тараққиётини таъминлаш гаунда иди

Қуйида олий таълим муассасаларида талабаларнинг миллий ифтихор туйғусига эга булищларида алоҳида таъсир кучига эга бўлган омиллардан самарали фойдаланиш тўғрисида фикр юритилади.



I. Миллатнинг шонли тарихи, ўтмиши. Талабаларга миллатнинг шонли ўтмиши, тарихи ҳакидаги маълумотлар таълим ва маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш асосида етказиб берилади. Таълим муассасасида ўкитилиши йўлга қўйилган ижтимоий, гуманитар ва табиий фанлар Ҳам талабаларни миллат равнаки, унинг тараққиёти тарихи, эришган ютуклари, нурли ва бўронли кунлари, бугунги ҳаёти ҳамда истиқбол режалари билан таништиришга хизмат қилади. Собиқ Иттифоқ даврида миллат ва миллийлик тўғрисида сўз юритиш мумкин бўлмаганидек, миллат тараққиёти, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасига ҳам муносиб бахо берилмади. Бирок, мустакиллик шароитида ёшлар, жумладан, талабаларни узбек миллатининг асл тарихи билан таништириш, уларнинг ўз аждодларини кимлигини англаб етишлари з'чун имконият яратиш нули да хеч қандай тўсиқ й;ўқ.

Талабаларга миллат тарихининг шонли саҳифаларидан олинган далилларни юксак махорат билан кўрсата олиш, уларда *мяллат* таризсидаги барча ижобий, миллий тараққиётни таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлган ижтимоий — тарихий воқеа — ҳодисалар билан хакли равишда фахрланиш, ифтихор этиш ҳиссини уйғотиш зарур.

Эндиги вазифа талабаларни миллат тарихи, ўтмишини чукуррок таништиришнинг самарали йўлларидан фойдаланишдан иборат. Бу ўринда педагогик фаолиятни қуйидаги тахлитда ташкил этиш кутилган мақсадга олиб келади:

1. Талабаларни миллатнинг шонли ўтмиши, тарихи билан яқиндан таништириш имкониятига эга «Миллий истиклол гояси ва маънавият асослари», «Узбекиетон тарихи», «Узбек адабиёти тарихи», «Амалий санъат», «Миллий ижрочилик» к<:lби кўплаб ўқув фанларини ўқитиш жараёнида билим>\арни юқори даражада руҳий —ҳиссий ифода ёрдамида узатилишини гаъминлаш. Талабаларда ми.ллий ифтихор туйғуси,

асосан, таълим жараёнида шакллантирилади. Олий таълим муассасаларида ўкитиладиган ҳар бир ижтимоий, гуманитар ва табиий фанлар талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш учун жуда бой материал бера олади. Шунинг учун талабаларнинг чукур) ва пухта билим олишларига эришиш, уларга талабаларнинг Ватан ва миллат олдидаги бурчларидан бири — аъло ўкиш, мутахассислик асосларини пухта ўзлаштириш, ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётда қўллай олиш малакасита эга бўлиш эканлигини сингдириш, ватан ва миллат улардан яхши ўқишни, билимли ва фидоий, миллий тараққиёт учун ўз хиссасини қўша оладиган мутахассис бўлишни талаб этишини уктириб бориш мақсадга мувофиқдир.

2. Талабаларни узбек миллатининг шонли тарихи, ўтмиши билан таништиришга йўналтирилган таълим жараёнини маънавий-маърифий тадбирлар билан ўзаро уйғунлашувига эришиш.

3. Талабаларни миллат ўтмиши, тарихи билан гаништирувчи тадбирнинг режа учун эмас, талабаларнинг ички эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда кўтарчнки рухда ташкил этилишини таъминлаш.

4. Бундай тадбирларга бошловчи сифатида нотиқлик иктидорига эга мутахассисларни жалб этиш (бу вазиятда талабаларнинг имкониятларидан ҳам фойдаланиш фойдадан ҳоли эмас).

5. Талабаларни миллат тарихига оид маълумотлар билан таништиришда асосий ургуни миллат фахри ва ифтихори бўлган воқеа—ҳодисаларгагина эмас, шу билан бирга миллий тараққиёт йўлида тўсиқ бўлган ўзарю ички курашлар, этник ёки диний низолар, ҳокимият учун аёвсиз курашлар рўй берган жараёнларга ҳам тортиш орқали талабаларда миллий равнак инқирозини таъминловчи салбий ҳолатларга нафргт уйғотиш, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун шахсий ҳиссани қўшишга рағбатлантириш.

6. Ижтимоий—гуманитар фанларни ўқитиш ёки маънавий-маърифий тадбирлар чоғида талабаларда



ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга алохида эътибор қаратиш. Бинобарин, ватанпарварлик туйғусига эга бўлган талабагина миллатнинг ўтмишига чукур ҳурмат билан қарай олади, унинг бугуни ва эртанги истиқболи учун қайғуради.

Талабаларни миллатнинг шонли тарихи, ўтмиши билан таништиришга қаратилган маънавий-маърифий доирасида куйидаги тадбирларнинг урин олиши мақсадга мувофиқдир:

1. «Миллий тараққиётнинг шонли саҳифалари». Б)ᴦ тадбир учун грек—юнонлар, араблар, мўғуллар, шунингдек, чор Россиясининг Мовароуншгхр (Туркистон)га қилган юришлари чоғида халқнинг ўз юрти, ватани озодлиги учун олиб борган кураши тарихининг танланиши педагогик жиҳатдан аҳамиятлидир. Тадбир чоғида талабаларга мазкур курашларнинг ёш авло/ушрга ибрат бўладиган жиҳатлари (Спитамен, Абу Муслим, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, сарбодорлар ва соҳибқирон Амир Темур, Темур Малик, Пўлатхон (1873- 1876 йиллар), Қурбонжон Додхо (1876 йиллар), Дўкчи Эшон (1998 йил феврал—май) каби озодлик ку])аши қаҳрамонларининг жасоратлари, шунингдек, бозглик, мадсаб илинжида қилинган сотқинликлар тўғрисида маълумотлар бериш, уларда Ватан озодлиги, хеьлк манфаати учун курашиш истагини, шунингдек, шахсий манфаатлар йўлида қабиҳ ишларни қилишга нисбатан нафрат уйғотиш лозим.

Талабаларни архив материаллари, тарихий далиллар билан таништириш орқали уларда тарихий воқеа—ҳодисаларга тўғри баҳо бера олиш, хар бир воқеликни ўша давр нуқтаи назаридан баҳслаш, уларнинг ижтимоий—миллий аҳамиятини англзшга ўргатиш лозим.

2. «Узбек миллатининг жаҳон цивилизациясидаги ўрни». Ҳар бир миллатнинг эволюцион тараққиёт жараёнида *ўга.* аҳамиятли бўлган юксалиш даврлари мавжуд. Узбек миллатининг шон—

шавкати ва шухратини жаҳонга ёйган ана шундай даврлардан бири бу — Шарқ уйғониши номини олган даври ҳисобланади. Гарчи бу даврда Мовароуннахр Араб халифалиги таркибида бўлган, миллатининг асл фарзандлари гомсадидан илм — фан йўналишининг турли соҳаларида яратилган буюк кашфиётлар «араб маданияти намуналари» сифатида жахонта танилган бўлса — да, бирок улар ҳақли равишда узбек миллатига тегишлидир. Талабалар билан ташкил этилган сухбатлар, педагогик кузатишлар, шунингдек, уларнинг ўқув фанлари бўйича ўзлаштириш даражасини ўрганиш бўлажак мутахассисларнинг узбек миллатининг жаҳон цивилизацияси, илм — фани ривожига қўшган ҳиссаси тўғрисида жуда кам маълумотларга эга эканлигини кўрсатди. Ана шу ҳолатни инобатга олган ҳолда талабаларни жаҳон тараққиётининг мавжуд ҳолатини юқори даражага кўтарган, кейинги ривожи учун тамал тошини қўйгсн қуйидаги ватандошларимиз ва уларнинг хизматлари тўгрисидаги маълумотлар билан таништириш мақсадга мувофиқдир (7 — чизмага каранг):

7 — чизма:

Ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган вакиллари

| № | Жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган олимлар | Уларнинг *муҳнм* хизматлари, (энг машхур асарлари, буюк кашфиётлари) |
|---|---|---|
| 1. | Муҳаммад ибн Мусо ал — Хоразмий (783-850 йидлад) | Илм - фан ривожига қўшган ҳиссаси: алгебра фани асослари — сонли, квадрат ва чизиқли тенгламалар, уларни ечиш йўлларини баён этди, математика фавида абстракция (мавхумийлик) тушунчасини кенгайтирди, турли математик масалаларни индукция йўли билан ечишни инкор этиб, дедукция нули билан ечиш таклифини илгари сурди, ўнлик тизимни таком иллаштирди, арифметик алгоритм қоидалари (қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлиш)ни яратди. |
| | | Асарлари: «А/^ж:абр ва ал — мукобала хисоби ҳақида қисғ;ача китоб», Васиятлар китоби», «Ҳинд арифметикаси ҳақида китоб», «Қисқартирилган синдиҳинд» («Алгоритм ҳинд ҳисоби ҳақида», «Синус зижлари», «Ернинг сурати китоби» ва «Хоразмий зижи» номли астрономик жадвал |

| | | |
|---|---|---|
| 2. | Ақмад ал-Фарғоний (797-865 йиллар) | Илм—фан ривожига қўшган ҳиссаси:<br>араб илмий атамашунослигини бойитган, ернинг шар шаклида эканлигини илмий далиллар билан исботлади, астрономияга оид билимларни тизимлаштирди, Нил дарёси сувини ўлчайдиган асбоб (Нилометр)ни яратди<br>Асарлари:<br>«Фалакиётга кириш», «Сайёралар илми» («Самовий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб»), «Астролябия ҳақида мукаммал китоб», «Астролябия санъати ҳақида», «Мажистийга кириш фасллари рисоласи», «Ой ер устида ёки унинг остида бўлган пайтдаги вақтларни ўрганиш ҳақида рисола», «Етти иқлим ҳисоби», «Мармарнинг хизмати хаки да китоб»<br>Илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси:<br>ишончли ҳадисларни тўплаган |



| | | |
|---|---|---|
| 3. | Имом Исмоил ал—Бухорий (810-870 йиллар) | Асарлари:<br>«Ал—жомеъ ас—сахиҳ» («Ишончли тўплам»), «Ал—адаб ал—муфрад» («Адаб дурдоналари»), «Ат—тарих ал—кибор» («Капа тарих»), «Ат—тарих ас—сағийр» («Кичик тарих»), «Ат—қироату халфа—л—Имом» («Имом ортида туриб ўқиш»), «Вафъул—йадини фи—с—Салоти» («Намозда икки қўлни Кутариш» |
| 4. | Имом Исо ат—Термизий (824-892 йиллар) | Илм—фан ривожига қўшган ҳиссаси:<br>ишончли ҳадисларни тўплаган |
| | | Асарлари:<br>«Ал-жомеъ ас—саҳиҳ» («Ишончли тўплам»), «Аш—Шамоил ан—набавия» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари»), «Ал—илал фи—л—хадийс» («Ҳадислардаги иллатлар ва оғишлар ҳақида») |
| 5. | | Илм—фан ривожига қўшган ҳиссаси:<br>фалсафа фанининг илмий асосларини яратди, фанлар таснифини ишлаб чикди |

| | | |
|---|---|---|
| | Абу Наср Форобий (873-950 йиллар) | Асарлари: «Фозил одамлар шаҳри», «Бахт — саодатга эришув тўғрисида», «Ихсо ал-улум», «Фанларнинг келиб чикиши», «Мантиққа кириш», «Илмларнинг келиб чикиши», «Акл маънолари тўғрисида» |
| 6. | Абу Али ибн Сино (980- 1037 йиллар) | Илм-фан ривожига қўшган хиссаси: тиббиёт, доришунослик, руҳшунослик ил физиология фанлари асосларини яратди |
| | | Асарлари: «Ал—КОНУН ят-тиЯ» «Тадбири манзил», «Ҳай ибн Яқзон», «Рисолат ат—тайр», «Ишқ ҳақида рисола», «Донишнома», «Ан —Нажот», «Аш — шифо», «Зиёрат килишнинг маъноси ҳақида», «Ўлимдан келадиган ғамни даф қилиш ҳақида рисола» |
| | - | Илм — фан ривожига қўшган ҳиссаси: астрономия, география, минерология, геодезия асосларини бойитди, Шаркда биринчи бўлиб Ер ва Осмон глобусини яратди |



| | | |
|---|---|---|
| | дбу Райҳон Беруний (973-1048 йиллар) | Асарлари: «Ҳиндистон», «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Минерология», «Картография», «Геодезия», «Глобус ясаш китоби», «Ердаги жойларнинг узунлама ва кенгламаларини аниг;лаш ҳақида мақола», «Хоразмнинг маоҳур кишилари», «Масъуд қонуни», «Сайдона», «Доривор ўсимликлар ҳақида китоб» |
| 9. | Махмуд ибгг Умар аз — Замахшарий (1075-1144 йиллар) | Илм-фан ривожига кушган ҳиссаси: Қуръон гояла]Жни шарҳланган |
| | | Асарлари: «Ал — муфассал», •< А ён килувчи», «Сўзга усталик асослари», «Араб тили мағзи», «Энг яхши лутатлар», «Грамматика ҳожатлари». «Наф'ИС адабиётга муқаддима», «Угит ва насиҳатларнинг олтин шодалари», «Қофия» |
| 10. | Бурхониддин ал- | Илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси: Қуръон ғояларини шархланган, шариат қоидаларини тизимга солган |

| | | |
|---|---|---|
| | Марғиноний (1123-1197 йиллар) | Асарлари: «Ҳидоя», «Қонунни ўқишга кириш», <( Мазҳабларнинг ёйилиши», «Фукароларнинг Ҳуқуклари тўғрисидаги тасаввурлар китоби», «Мажбуриятлар китоби», «Фиқҳда бошловчилар учун кўфсатмалар» |
| 11. | Амир Темур Кўрагоний (1336 — 1405 йиллар) | ЙЛм--фан ривожига қўшган ҳиссаси: ҳарбий билимларни бойитди, ҳарбий юришлар стратегияси ва тектикаларини ишлаб чиқди, давлат бошқаруви таркибйй тузилмаси ва Ҳукукий асосларини яратди |
| | | Асарлари: «Темур тузуклари» |
| 1.2. | Мухаммед Тареғей Улуғбек | ИЛМ — гЬяТТ ТШ^РЮ^^тлғ;* хг\Г1^тт-лтт ҳиссасй: естрономия фанийинғ илмий асосларини яратди, 1018 юлдуз ҳолатини бехато ўрганиб, юлдузлар жадвалини тузди, расадхона (обсерватория) бунёд этди |
| | | Асарлари: «Зижи Улуғбек», «Вир даража синусини еницлеш ҳақида рисола», «Рисолеи Улуғбек» |



| | | |
|---|---|---|
| 13. | Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530 йиллар) | Илм — фан ривожига қўшган хиссаеи: география, тарих фанларини илмий асослар билан бойитди, «Хатти Бобурий» ёзувига асос солди |
| | | Асарлари: «Бобурнома» |

3. «Утмиш сабоклари — келажак асоси». Талабаларнинг тарихий жараёнларни та:клил этиб, уларга холис баҳо бера олишлари уларнинг маънавий етуклигини белгиловчи мухим белгилардан биридир. Таълим, шунингдек, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда талабаларда ижтимоий—миллий тараккиётнинг «оғриқли нукталари», яъни тараққиётга тўсиқ бўлган воқеа—ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлардан хабардор қилиб бориш ҳам тарбиявий таъсир кучига эгадир. Бу каби ҳаракатлар талабаларда миллий нифок, ўзаро ноаҳиллик, шахсий манфаат йўлида миллий манфаатларни инкор этишнинг салбий, аянчли оқибатлари тўғрисидаги тасаввурларни юзага келтиради. Таҳлиллар натижасида улар мантикан фикрлашга, миллий бирлик миллат равнақини таъминловчи қудратли куч эканлигини англаб етадилар.

Талабаларга ўтмиш сабоклари ҳакида ҳикоя килувчи тадбирлар учун қуйидаги ижтимоий—тарихий даврлар мавзу бўлиши мумкин (8—чизмага каранг):

8 —чизма:

Миллий тараққиётга салбий таъсир этган ҳолатлар ва уларнинг окибатлари

| № | Утмишда йўл қўйилган хатолар | Уларнинг окибатлари |
|---|---|---|
| | Спитаменнинг хоинларча ўлдирилиши (милоддан аввалги 328 йил) | ўрта Осиёнинг Александр Македонский томонидан тўла босиб олиниши, миллий |

| | | |
|---|---|---|
| | | маданиятнинг яксон қилиниши |
| 2. | Абу Муслимнинг хоинларча ўлдирилиши (755 йил) | Мовароуннаҳрнинг араблар томонидан истило этилиши, миллий маданиятининг йўқ қилиниши |
| 3. | Маҳаллий феодал зодагонлар ҳамда | Мовароуннаҳрнинг араблар томонидан |
| | деҳқонларнинг Муқанна қўзғолонига карши кураши | истило этилиши, миллий маданиятининг йўқ қилиниши |
| 4. | Хоразмшоҳ Аловуддин Му^щмаднида нотўғри тадбири, маҳаллий феодалларнинг Жалолиддин Мангубердига бўлган ишончсизликлари, Жалолиддин Мангубердининг хоинона ўлдирилиши | Мовароуннаҳрнинг мўғил\ар томонидан босиб олиниши, миллий маданиятнинг топталиши |
| 5. | С*1*арбодорларнинг хоинона ўлдирилиши | Мовароуннаҳрни мўғуллардан озод қилиш жараёнининг тезлашуви йўлига тўсиқ қўйилиши, феодалларнинг халққа бўлган ишончсизлиги |
| 6. | Амир Темур вафотидан кейин темурийлар ўртасидаги ҳокимият учун курашнинг авж | Ягона мустақил давлатнинг парчаланиб, икки (Хуросон ва Мовароуннаҳрга |
| | слиши | ажралиши |
| 7. | Заҳириддин Мухаммад | Узаро феодал |
| | Бобурнинг маҳаллий хукмронлар томонидан қўллаб — к увватланмаганлиги, | урунгларнинг авж олиши, Мовароуннаҳрнинг ягона мамлакат сифатида ривожлана олмаганлиги |



| | | |
|---|---|---|
| | диний низонинг келиб чиқиши ҳамда халқ томонидан Заҳиридин Мухаммад Бобурга | |
| | билдирилган ишончсизлик | |
| 8. | Чор Россиясига қарши озодлик курашларининг мил;\ат томонидан бирдек қўллаб — қувватланмаганлиги (Пўлатхон, Дукчи Эшон (Мухаммад Али) каби етакчиларнинг хоинона ўлдирилиши) | Марказий Осиёнинг чор Россияси томо:аидан мустамлака қилиниши |
| 9. | Жадидчилик харакати йўлбошчилари (Мунаввар Қори, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Усмон Носир ва бошқалар)нинг қатоғон қилиниши, бу жараёнда маҳаллий миллат вакилларининг иштироки | Туркистонда истеъбдоднинт? кучайиши, т>'б аҳоли ҳуқуқларининг топталиши, миллий маданиятнинг инқирозга юз тутиши |
| 10. | Туркистон Мухториятининг тугатилиши | Марказий Осиёда ҳукуматнинг большевиклар қўлига утиши, миллий ҳуқуқларнинг топталиши |
| 11. | Миллий — озодлик ҳаракати раҳбарлари ўртасидаги ўзаро низолар, х<1Р акатнинг етакчи раҳбари — | Марказий Осиёда шўролар ҳукуматининг мустаҳкамланиши, тоталитар тузум томонидан адолатсиз |

| | | |
|---|---|---|
| | Мадаминбекнинг хоинона ўлдирилиши | этник сиёсатининг юритилиши, миллий—этник ҳуқукларнинг поймол этилиши |

ўртасида конференция, давра суҳбати, бахс—мунозараларни ташкил этиш уларда сўз юритилган жараёнларга нисбатан шахсий муносабатни шакллантиради, шунингдек, ўзаро инок бўлмаслик, миллат манфаати йўлида бирлаша олмаслик, раҳнамоларга бўлган ишончсизлик, миллат фарзанди бўлган зиёлиларни асраб қолиш учун курашмаслик, миллат манфаатидан шахсий манфаагларни устун қўйиш, ижтимоий нофаоллик каби салбий одатлар талабаларнинг миллий тараккиёт йўлида жиддий тўсиқ эканлиги тўгрисидаги тушунчаларини бойитадилар.

И. Миллий тил имкониятлари.

III. Халқ қахрамонларининг жасорати.

IV. Миллий—маданий мерос. Миллий кадриятлар (урф—одат, маросим ва анъаналар), халқ оғзаки ижоди, адабиёт, илм—фан хамда санъат (халк ҳунармандчилиги, миллий меъморчилик, рассомлик, қўшиқчилик, раке: санъати ва санъатнинг бошқа турлари (кино, театр, цирк, миллий дорбозлик) каби миллий—мазаний мерос намуналари билан талабаларни таништириш улар томонидан миллийлик, миллий турмуш тарзи ва миллий ўзлик хусусиятларининг антланишига хизмат қилади.

Олий таълим муассасаларида миллий—маданий мерос намуналари ҳақидаги билимларни тарғиб этиш учрашув, давра сухбати, кўргазма, ҳаваскорлик чиқишлари, илмий такдимот ва экскурсиялар шаклида ташкил эти/шши мумкин.

Таълим хоҳ аудиторияда, хоҳ таълим муассасаларидан ташқарида уюштириладиган тадбирларда бўлсин, асосий эътибор миллий—маданий мероснинг миллат шаънини юқори даражага кўтарган,



ггнинг номини жаҳон ҳамжамияти ўртасида кенг таргиб этa олган, хал]<аро кўрик ва танловларда тан олинган намуналари билан талабаларни таништиришга каратилиши зарур.

Талабаларни миллий—маданий мерос намуналари билан таништириш уларда халк ижодкорлиги, бунёдкорлигига нисбатан хурмат уйғотади. Маданий мерос намуналари ўз мазмунида энг эзгу инсоний қарашларни, яъни, тинчлик учун куранг, ;фушнинг, низоларнинг ҳар қандай ҳолатларини қоралаш, юрт озодлиги ва халк фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш, инсонларга, табиатга бўлган чекеиз мухаббат, табиат ва инсоннинг ўзаро уйғунлиги ғояларини акс эттира олганлиги би/1ан ҳам аерлар давомида қадрланиб келинади. Олий таълим муассасалари талабалари онгига ана шу гояларни сингдира олиш уларда инсонпарварлик, тинчликсеварлик, вайронкор ғояларга нафрат каби сифатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Қайси мутахассислик йўналишида таҳсил олишларидан қатъий назар талабалар миллатнинг типик вакили сифатида миллий—маданий мероснинг қуйидаги намуналари тўғрисида етарли даражада маълумотга эга бўлишлари зар;>ф (9—чизмага каранг):

9—чизма:

Миллий—маданий мерос турлари ва намуналари

| № | Миллий—маданий мерос турлари | Миллий—маданий мерос **Намуналари** |
|---|---|---|
| 1. | Миллий урф - одат, маросим ва анъаналар | Оилавий муносабатлар мазмуни, меҳмон кутиш па саломлашишнинг ўзига хос жиҳатлари, тўй ва аза мароеимлари, миллий анъаналар (ҳашар, Наврўз, Меҳржон, Ҳосил тўйи), миллий байрамл.ар (Рамазон ва Қурбон Ҳайитлари, Мустақиллик байрами, |

| | | |
|---|---|---|
| | | Хотира ва қадрлаш куни) |
| 2. | Халк оғзаки ижоди | «Алпомиш», «Гўрўғли», «Рустамхон» достонлари, *узбек* халк эртаклари, маросим қўшиқлари ва мақоллари |
| 3. | Адабиёт | «Авесто», «Урхун — Енисей» ёзма ёдгорлиги, Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Маҳмуд Қошғарийнинт «Девони луғати турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Унсурул — Маолий Кайковуснинг «Қобуснома», Ахмад Югнакийнинт «Ҳиббат ул — ҳақойиқ», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг « Футувватномаи Султоний», шунингдек, Умар Хайём, Муслиҳиддин Саъдий, Абдураҳмон Жомий, А\ишер Навоий, Мирзо Бобур, Жаҳон Отин Увайсий, Нодирабегим, |
| | | Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, |
| | | Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Усмон Носир ва замонавий узбек ёзувчи хамда шоирларининг асарлари |
| 4. | Илм — фан | Қомусий олимлар Мухаммад ал —Хоразмий, Ахмад ал — Фарғоний, Имом ал—Бухорий, Имом ат — Термизий, Абу Райҳон |



| | | |
|---|---|---|
| | | Беруний, Абу Али ибн Сино, Бурҳониддин Марғиноний, Махмуд аз — Замахшарий, шунингдек, замонавий узбек олимлари — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Т.Н. Қори Ниёзий, Ҳабиб Абдуллаев, )^ами"А Сулаймон, Иброхим Мўминов, Восит Со/и]^ов, Бўрибой Ахмедов, Фозила Сулаймонова ва бошқаларнинг илм - фан ривожига қўшган ҳиссаси |
| .5.1. | Халқ хунармандчилиги | Наққошлик, ганч — ўймакорлиги, каштачилик, зардўзлик, чилангар;шк, бешиксозлик, кулоллик ва халк амалий сант.ати мазмунида илгари сури/а"ан маънавий — ахлоқий ғоялар |
| 5.2. | Миллий меъморчилик | «Исмоил Сомоний» (Бухоро), «Шоҳи Зинда», «Гўри Амир» (Самарканд), Ахмад Яссавий (Туркистон) мақбаралари, «Бибихоним», «Тиллакори», «Шердор», «Улутбек» мадрасалари (Самарканд, Регистон), «Калта Минор», <:Ичан қалъа» (Хива), «Минораи Калон», «Лаби ховуз» (Бухоро) ансамбиллари ва бошқалар |
| 5.3. | Рассомлик | Камолиддин Бехзод миниатюралари, замо1:гавий узбек _......рассомларин инг миллий руҳда (миллий |

| | | |
|---|---|---|
| | | турмуш тарзи, ижтимоий-миллий муносабатлар, миллий урф-одат, маросим ва анъаналарни ўзида акс эттирган) яратилган асарлари |
| **5.4.** | Миллий мусика ва қўшикчилик | «Шошмақом» («Бузрук», «Рост», «Наво», «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Ирок»), мумтоз куйлар - «Чўли ирок», «Муножот», «Савти муножот», «Ифори муножот», «Илғор», «Роҳат», «Жонон», «Ражабий», «Лазги», мумтоз ашула — «Кўкон Ушшоғи», «Тошкент Ушшоғи», «Самарканд Ушшоғи», «Гулизорим», «Дилхирож», «Эй Сабо», «Кўт боғи I—II», «Бает I», «Чоргоҳ 1-Ц», «Айлагач»,' «Фиғон», «Уфори Сувора», « Танов ор», «Лазги»), «Қашқарча», «Норим-норим», достонлар — «Алпомиш», «Гўрўғли», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Авазхон», «Равшан ва Зулхумор», фольклор кўшиқлар — «Ер-ёр», «Келин салом», «Тўйлар муборак», шунингдек, ўзида энг эзгу карс.шларни ифодалаган, бадиий жихатдан юксак :авияда ератйлхан замонавий эстрада |



| | | |
|---|---|---|
| | — | йўналишидаги қўтниқлар, «Дуторчилар ансамбли», «Ялла» ансамблининг фаолияти |
| 5.5. | Раке санъати | Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Қодир Мўминов, Юлдуз Исматова, Исохор Оқилов, Гавҳар Матёқубова, Қизлархон Дўстмуҳаммедова, Малика Ахмедова, Маъмура Эргашева каби етук раққосалар, шунингдек, «Баҳор», «Лазги», «Шодлик» ансамбллари томонидан ижро этилган миллий рақслар |
| 5.6. | Кино | «Тоҳир ва Зухра», «Мафтунингман», «Сен етим эмассан», «Маҳаллада дув-дув гап», «Тўйлар муборак», «Армон», «Суюнчи», «Амир Темур», «Чинор остидаги дуэл» ва бошқалар |
| 5.7. | Театр | «Навоий», «Мирзо Улуғбек», «Абу Райҳон Беруний», «Иймон», «Қиёмат )$арз», «Абулфайзхон», «Чимилдиқ» номли спектакллар, «Бобур» видеофильми |
| 5.8. | Цирк, миллий дорбозлик | Тошканбоев ва Зариповлар сулолалари, шунингдек, «Водил чинори» оммавий халқ цирк гурухи (рахбари: полвон Турсун Али |

| |"~Мухаммад)нинг фаолияти, ~]

Миллатнинг бой маданияти, сермаҳсул ўтмишини жаҳон халқларини намоён этиб келаётган миллий — маданий мерос намуналаридан бири — бу меъморий ёдгорликлар ҳисобланади.

Меъморий ёдгорликлар миллатнинг куч — қудрати, унинг бунёдкорлик салоҳиятини намоён этиш билан бирга мамлакатнинг ҳар бир фуқаросида чексиз фахр — ифтихор туйғусини уйғотади.

Олий таълим муассасаларида имкон кадар талабаларни тарихий — меъморий обидалар билан таништирувчи экскурсияларга жалб этиш, уларни ўрганиш жараёнида халқнинг ижодкорлиги, тадбиркорлиги, ўз ишига нисбатан ўта масъулият билан ёндашишини алоҳида таъкидлаб ўтиш, уларни меъморий ёдгорликларни асраб — авайлашга ундаш муҳимдир. Талабалар комил инсон сифатида ўз юртининг «дурдоналари» бўлган меъморий ёдгорликлар ва уларнинг тарихидан яхши хабардор бўлишлари зарур.

Самарқандда бўлган машхур адиб Пабло Неруда дейди: «Мен жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида бўлдим. . . . Мени, айниқса, Регистон ҳаяжонлантирди. Бу меъморчилик ансамбли мусулмон Шарқида барча кўрганларимдан афзалдир. У Ўрта Осиё халқлари маданиятидан далолатдир».

Миллий маданий мерос намуналари орасида миллий мусика ва қўшиқчилик талабалар онгига самарали равишда миллий рухни сингдира оладиган, уларнинг миллий ўзига хос хусусиятлар билан яқиндан таништирадиган кучли таъсир кучига эга йўналиш ҳисобланади. Олий таълим муассасаларининг махсус (мусика) факулътетларидан ташқари боигқа факультетларда тахсил олаётган талабаларни миллий мусика ва қўшиқчилик асослари билан яқиндан таништиришнинг имконияти йўқлиги боис бу ўринда



маънавий — маърифий тадбирлардан фойдаланиш кутилган натижаларни кафолатлайди.

Мустакиллик йилларида миллий мусика ва кўшиқчиликни омма орасида кенг таргиб этиш йўналишида қатор танловлар ташкил этилмоқда. Масалан, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Домла Халим Ибодов, Ҳожи Абдуазиз Абдурасулов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Юнус Ражабий ҳамда Ботир Зокиров номидаги ёш ижрочилар танлови ва ижодий анжуманларда талабаларнинг имкон кадар фаол 5катнаш:ишларининг чораларини кўэиш мақсадга мувофиқдир.

«Узбекиетон — Ватаним маним» Республика Кўшиқ кўрик — танловининг доимий ўтказилиб борилиши ҳамда бундай танловларда талабаларнинг фаол иштирок этишлари уларда Ватан, миллат тушунчаларининг моҳиятини чўкур англаш:, уларга меҳр кўйиш, юрт шаъни ва миллат обрўси у^гун курашиш истагини юзага келтиради. Қўшиқларда янграётган Ватан мадхн ю Р т тараққиёти ва миллат ҳаёти, унинг ўзига хосликлари, кишиларнинг соддадиллиги, самимийлиги, инсониарварлиги, тантилиги талабаларнинг фахр/,аниш, ифтихор ҳиссини туюшларига ёрдам беради.

«Шарк таронала^й» миллий — мусика фестивали ва унинг ватанимиз (Самарақанд шаҳри)да ўтказилиши эса Узбекиетон, узбек миллати, унинг бой маданиятини жахонга кенг ёйиш, қардош ха^мслар ўртасида тарғиб этишга хизмат қилиши билан бирга ёшларда ҳам фахр, миллий ифтихор хиссини тарбиялашга шароит яратади.

V. Ишлаб чиқариш соҳасида эришилаётган ютуклар. 1У1устакиллик йиллари мамлакат иктисодиётини ривожлантириш учун қулай шароитни юзага келтирди. 1992 йил 2 мартДа Узбекиетон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо қилинганлиги мамлакат истиқболи учун кенг имкониятларни очди. Бугунги кунда республика

жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатлари билан иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйган.

Мамлакат кудратини белгиловчи асосий жихатлардан бири — бу унинг иқтисодий жиҳатдан тараққий этганлиги, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошганлиги, аҳоли турмуш даражасининг ўсганлиги билан белгиланади. Иқтисодий ўсиш эса бевосита ички имкониятлардан, табиий заҳиралар ва ишчи кучидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, хорижий тадбиркорлар билан тенгли тамойилига асосланган ҳамкорликнинг ўрнатилишига боғлиқ. Мустақилликдан сўнг ўтган давр ичида бу борада юқори натижалар қўлга киритялди.

Иқтисодий ривожланиш ҳам мамлакатнинг куч—кудрати, обрў—эътибори ҳамда унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, мавқеини белгилаб беради. Юқори даражада иқтисодий кўрсаткичларга эриша олиш эса срукароларда миллий ғурур, фахр ва ифтихор туйғусини ҳосил килади.

Мавжуд шароитда Узбекиетон Республикаси иҚТйсодий йўналишда қўлга киритилган ва фукароларнинг ҳакли равишда фахрлана олишлари учун: асос бўлувчи манбаларга эга. Улар қуйидагилар ҳисс|бланад,и (10 — чизмага қаранг):

10 —чизма.

Мустакиллик йиллари ишга туширилган ва миллатнинг фахрига айланган саноат корхоналари

| № | Ишлаб чиқариш объектлари | Ишлаб чиқариш йўналиши |
|---|---|---|
| 1. | УзДЭУавто корхонаси (Андижон вилояти) | Автомобиль ишлаб чиқа-ришга ихтисослашган |
| 2. | «СамКочавто» (Самарканд вилояти) | Микро автобусларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган |
| 3. | «Зарафшон — р[ыомонт» қўшма корхонаси (Навоий вилояти) | Олтин ва кумушни қазиб олиш, уларни кайта ишлашга ихтисослашган |
| "С | «Сарбонтекстил» (Тошкент ҳамда Сирдарё вилоятлари) | Ип — газлама маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган |
| | «Косонсойтекмен» кўшма корхонаси (Наманган вилояти) | Чармни қайта ишлаш ва чарм махсулотларини ишлаб чикаришга ихтисослашган |
| 6. | Ыез11е 1М>екл51ап МСЫ К'ушма корхонаси (Наманган вилояти) | Сутни қайта ишлаш: ва сут махсулотларини ип1лаб чикаришга ихтисолашган |
| 7. | «Пр —1ор» қўшма корхонаси (Наманган вилояти) | Салқин ичимликларни ишлаб чикаришга ихтисослашган |
| 2. | «Кибо» қўшма корхонаси (Тошкент вилояти) | Пойафзал махсулотларини ишлаб чикаришга ихтисослашган |



Юқоридаги каби яна ўнлаб қўшма корхон.аларда гайёрланаётган махсулотларнинг бугунги кунда қ.агор хорижий мамлакатларга экспорт қилиниши Узбекиетон номини жаҳоша ёймокда. Узбекиетон Республикасининг жаҳон ишлаб чиқаришидаги мавқеи эса миллат салоҳияти, ижодкорлиги, бунёдкорлиги, яратувчанлигидан далолатдир. Уз бунёдкорлигини, яратувчанлик салоҳиятини намоён эта олиш эса миллат вакилларида ифтихор туйгусини қарор топтиради.

VI. Оилавий сулола анъаналари. Талабаларда миллий ифтихор туйгусини шакллантиришда дастлаб уларда ўз оиласи, оила аъзолари, қариндош — урутлари ва якин кип1иларига нисбатан оддий муҳаббатни тарбиялашдан бошлаш лозим, Бундай мухаббат уларнинг оилага, туғилиб ўсган жойига, халқига, ўз она тилига бўлган муҳаббат билан гўлдирилиб борилиши керак.

Ватан, аввало оила демакдир. Шундай экан, оиланинг мавқеини англаш, унинг шаъни, обру—эътиборини сақлаш, ғурурини юқори даражага кўтариш ҳар бир инсоннинг энг оддий бурчи саналади. Оила мухитида берилаётган тарбия фарзандларни кон—қариндошликниг-улуғлаш, оила сулоласи манфаатлари йўлида бирлашиш, унинг шаънини сақлашга ўргатади. Ўз оиласи учун фидоий бўла олган, уни қадрлай олган инсонгина Ватанини, халкини кадрлай олади.

Оилаларнинг шаъни, мавқеини белгилашда оила анъаналари муҳим ахамиятга эга. Оилада турли оилавий байрамларни нишонлаш, ўтганларни ёд этиш, биргаликда ҳаракат килишнинг ёрқин кўриниши бўлган меҳнат тад(5ирларини ташкил этиш ёшлар томонидан ўзликнинг англанишига ёрдам беради. Шу сабабли ана шундай тадбирларнинг ўтказилишига жиддий эътибор қаратилиши зарур». Бинобарин, бу каби ҳаракатлар фарзандлар томонидан оила манфаатлари нимадан иборат эканлигини англаш, оилавий сулола хаёти учун даҳлдор бўлган кадриятлар ҳақида маълумотга эга бўлишга имкон беради.

Оила сулоласининг авлодлари томонидан мерос бўлиб ўгаётган уй—рўзғор ёки безак буюмлари, китоблар, солномалар, шажаралар талабаларнинг миллий ифтихор туйғусига эга бўлишларини таъминловчи мухим омиллардир.

Олий таълим муассасаларининг оилалар билан мустаҳкам .алоқа ўрнатиши, турли тадбирларда ота—оналарнинг фаол иигтирок этишларига эришиш, оилавий анъаналар ва уларнинг шахс камолотидаги ўрни ва ролини очиб беришга қаратилган танловлар (масалан, иншолар, сулолавий шажарадан хабардорлик танловлари)ни ўтказиш талабаларнинг мгеллий ифтихор чуйгусига эга бўлишларида алоҳида аҳамият касб этади.

VII. Спорт. Спорт ҳам мусиқа санъатидек миллат, юрт номини жаҳонга тез танитади, шунингдек, у фукароларнинг фахр, ифтихор туйғусига эга бўлишларига самарали таъсир кўрсатади. Шу сабабли



талабалар билан ишлаш жараёнида уларни узбек спортининг бутуни ва истиқболи билан таништириш маънавий—мат.рифий тадбирларнинг муҳим таркибий қисми саналади.

Талабаларнинг узбек спортининг ёркин намоёнда/^ари — Руфат Рисқиев, Михайил Ан, Тўлаган Исҳоқов, Бviродар Абдураимов, Миржалол Косимое, Азамат Абдураимов, Мухаммадқодир У\бдуллаев, Ўткирбек Ҳайдаров, Бсьходир Султонов, Артур Григорьян, Акобир Қурбонов, Абдулла Тангриев, Рустам Қосимжоновларнинг фаолияти билан яқиндан танишишлари учун пгарои" яратишга алоҳида эътибор бериш зарур. Олий таълим муассасаларида жахон ва республика миқёсида юксак муъаффақиятларга эришган спортчилар билан учрашувларни уюштириш талабаларга улардан намуна олишларига имкон беради. Шунингдек, талабаларда физкультура ва спорт билан доимий шуғулланиш кўникмаларини шакллантириш хам уларнинг келгусида спорт соҳасида мамлакат обрўсини кўгаришлари учун асос бўлиши мумкин.

Талабаларнинг сиортнинг турли йўналишлари бўйича халқаро ва Республика миқёсида ўгғазилаётган, жумладан, «Универсиада» мусобақаларида иштирокчи ёки томошабин сифатида иштирок этиIШVари ҳам уларнинг миллий ифтихор туйғусига. эга бўлишларига ёрдам беради.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Универсиада» мусобақаларининг кенг оммалашиши алоҳида эътиборга лойиқ. «Универсиада» муссбақаларида иштирок этиш талабаларнинг жисмоний жиҳатдан баркамол бўлишларини таъминлабгина қолмай, шунингдек, уларга маънавий озука ҳам бергди. Жамоа ёки таълим муассасаси шарафини ҳимоя қилиш, олий мақсад сари интилиш талабаларни ватан ва халк хизмати учун йўналтиради. Уларда ўзгача шижоат, қатъиятлилик ва фидоийликни тарбиялайди.

VIII. Давлат рамзлари. Давлат рамзлари ҳар қандай мамлакатнинг энг олий кадриятларидан

биридир. Бинобарин, уларда давлатнинг шаклланиш тарихи, миллатнинг турмуш тарзи, ҳаётий ёндошувлари. ижтимоий муносабатлари мазмуни, миллий қадриятлари моҳшггада акс этган орзу-умидлари, ният-ўйлари, келажак интилишлари ўз аксини топади

Давлат рамзлари халқаро майдонда мамлакат, миллат номини кенг ёйишда мухим восита ҳисобланади. Шу сабабли талабаларда давлат рамзларига бўлган чексиз ҳурматни қарор топтириш олий таълим муассасалари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Талабаларнинг миллий ифтихор туйғусига эга бўлишларида улар томонидан давлат рамзларининг асл моҳштини: англаб етилишига эришиш алоҳида ахамиятга эга.

Маънавий—маърифий тадбирлар жараёнида давлат рамзларидан фойдаланиш (уни оддий бир восита сифатида эмас, балки таъсирчан кучга эга предмет тарзида қўллашга эришиш) мухимдир. Бу ўринда талабаларда давлат рамзларидан оммавий байрамлар, олий таълим муассасалари анъаналарига айланган тадбирлар, талабаларнинг меҳнат, спорт ва илмий анжуманларида самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш зарур.

Талабаларни биринчи курсга қабул қилиш, битирувчи курс талабаларининг хайрлашув кечаларида давлат рамзлари қаршисида туриб талабалик ва мутахассислик касамёдининг қабул қилишлари ҳам ўзига хос таъсирчанлик касб этади.

Демак, олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятни ташкил этишда самарали бўлган омиллардан фойдаланиш максадга мувофиқ. Бундай омиллар сирасида миллатнинг шонли тарихи, миллий тил имкониятлари, халқ қаҳрамонларининг жасорати, миллий қадриятлар (урф—одат, маросим ва анъаналар), халқ оғзаки ижоди, адабиёт, илм—фан, санъат, халк хунармандчилиги, миллкй меъморчилик, рассомлик, миллий мусиқа ва



кўнгакчилик, ракс санъати ҳамда санъатнинг бошқа турлари (кино, театр, цирк, миллий дорбозлик) муҳим аҳамиятга эга. Талабаларни ишлаб чиқариш соҳасида эришилаётган ютуклар билан таништириш, уларнинг оилавий сулола анъаналаридан хабардор бўлишларига эришиш, уларда спортга мухаббат уйғотиш, шунингдек, давлат рамзларига нисбатан чексиз ҳурматни карор топтириш ҳам бу жараён самарадорлахини таъминлайди.

## Талаба-ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг шакл, метод ва усуллари

Аввалги бўлимларда қайд этиб ўтилганидек, талабалар ўртасида маънавий—маърифий ишларни ташкил этиш, уларнинг муваффақиятини таъминлаш хамда таълим олувчиларнинг ҳар томонлама етук шахе бўлиб тарбияланишларига эришиш олий таълим муассасалари фаолиятининг мухим таркибий қисмларидан бири саналади. Бироқ, бу йўналишда амалга оширилувчи фаолиятнинг самарали кечишида ташкилий ва субъектлар иштироки масаласи алоҳида эътибор берилиши зарур бўлган жиҳат саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гурухи билан учрашувда сўзлаган нутқида йиғилиш аҳлига хитоб билан шундай деган эди: "Азиз дўстлар, ... куйчиликни ўйлантириб турган бир масалага диққатингизни қаратмоқчиман. Агар эътибор берган бўлсангиз, бугун матбуотимизда, радио—телевидениеда, адабиёт, кино ва театр, умуман, санъат соҳасида Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Фарғоний, Ам:ир Темур, Улуғбек сингари умумбашарий тараққиётга улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг тарихий

хизматлари кенг еритилаетгани, игу асосда уларнинг бизга қолдирган ўлмас меросидан ҳозирги авлод қалбига ифтихор туйғуси уйғонаётгани барчамизга катта мамнуният бағишлайди. Албатта, бундай улуғ сиймоларнинг бебахо мероси миллатимиз, халкимиз ғурурига ғурур"- қўшиб, бизнинг ана шу улуғ мутафаккирлар, арбоблар ва азиз авлиёларнинг ворислари сифатида ягона халк бўлиб яшашимизга куч—кувват бағишлаб, қаддимизни тик тутиб, эртанги кунга ишонч билан боришимизга мустахкам замин бўлади"[1].

Ўзбекистон Республикаси Президенте ИА..Каримов ўз нуткида фақат утмищлдги сиймолар б!ялан чекланиб қолмасдан, бугунги кун қаҳрамонлари, илтор замондошларимизни хам миллат, халқ минбарига кўтариш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш кераклигини таъкидлаган эди. Токи, улар ёшлар учун том маънодаги ибрат намунаси бўлиши, ёшлар улар билан ғурурланишлари лозимлигини кўрсатган эди.

Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантириш йўлида ташкил этилаётган таълимий ва тарбиявий тадбирларнинг Қуйидаги хслатларни инобатга олиш асосида. ташкил этилиши максадга мувофиқдир:

1) ташкилий жиҳат тадбирларнинг ўтказилишига нисбатан жидд,ий ёндашиш, мақсаднинг аниқлиги, вазифаларнинг тўғри белгиланганлиги, жараёнда кўлланилаётган шакл, метод ва воситаларнинг макбуллиги, натижаларнинг таҳлил этишга етарли даражада эътиборнинг қаратилиши, холис баҳо берилиши;

2) субъектлар фаолиятини акс эттирувчи жиҳат - тадбирнинг уюштирилиши, ташкил этилиши ва ўтказилишига масъул бўлган шахсларнинг ташкилотчшик, ташаббускорлик хамда ижодкорлик кобилиятша эга эканликлари, педагогларнинг раҳбар

[1] Каримов И.А Ватан равнаки учун хар биримиз масъулмиз. Тошкент. 9-жилд. 205-206-бстлар.



сифатида ўз вақтида йўл—йўриқ кўрсатишлари, мавжуд камчиликларни илғай олишлари ва уларни бартараф этиш чора—тадбирларини белгилашда тезкор ҳаракат қила олишлари, талабаларнинг- алоҳида фаоллик кўрсатишлари, тадбирлар савиясининг ғоявий—сиёсий жиҳатдан юқори даражада бўлишини таъминлашга имкон берувчи мулоҳазаларши илгари сура олиши, мустақил ҳаракат қила олишлари ва бошқалар.

Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришга йўналтирилган тадбирлар ўз кўламига кўра умумуниверситет (умуминститут), муайян факультет ёки гурухларда амалга оширилади. Ушбу жараёнда ойлик ва йиллик тадбирлар режасини ишлаб чикищ максадга мухимдир: «... ўкувчилар орасида тарбиявий тадбирларни ўтказишда, энг аввало, уларни олдиндан тузилган режа асосида амауга оширилишига амал қилмоғи лозим. Режада, албатта, тадбир ўтказилаётган синф, иш жойининг безатилиши, деворий газета чиқарилиши, альбомлар тузиш, кўргазмалар тайёрлаш, бадиий чиқишларнинг тартиби ва кетма—кетлиги, қатнашувчилар сони ва ҳоказолар, яъни тадбир мақсади ва мазмунига мое ишлар олдиндан белгиланиши лозим»[1].

Факультет ёки гурухларда бу борёда педагогик фаолиятни олиб бориш ва тадбирлар режасини ишлаб чиқишда уларнинг умумуниверситет (умуминститут) тарбиявий ишлар режаси, мазмуни ва йўналишига мое бўлишига эришиш мухим ахамиятга эга.

Ўқув—тарбиявий тадбирларни амалга оширишда «... ўкувчиларнинг ўқишдан ташқари бўш вақтларининг ҳажми, лаёқат, қобилият ва қизиқишларини ҳисобга олиниши муҳим роль ўйнайди. Уларни амалга ошириш жараёнида ўкувчиларнинг қизиқувчанлиги фаоллигини, ташаббускорлиги ва мустақиллигини ривожлантиришга эътибор бериш лозим. Ўқувчи тадбирнинг моҳияти,

[1] Каримова В.М. Миллий истиклол гоясини таълим жараенига жорий этишнинг педагогик хамда психологик асослари. Тошкент: ЎЛЖБНТ, 2002.- 1.5-бет.

мазмунини етарлича англаган, унда етарли даражада маънавий баҳраманд бўлиши керак. Ўқувчилар қайси масалалар, воқеалар ва муаммолар тўгрисида фикр — мулохаза юритилаётганлигига, нималарни билишга интилаётганлигига, қандай эҳтиёжлар туғилаётганлигига диккст ва эътибор бериш зарур. Уларнинг қизиқишлари асосида маънавий-маърифий тадбирлар мавзуси танланиб, улар оддий ва тутнунарли даражада ўтказ илиши лозим»'.

Талабаларда миллий ифтихор туйгусининг шаклланишида таълимий —тарбиявий ишларни муайян тизим асосида, изчил ва узлуксиз ташкил этилиши алоҳида ахамиятга эга. Шунингдек, таъсирчан воситалардан фойдаланиш талабаларда тадбирларнинг уюштирилишига нисбатан бефарқ бўлишларига имкон бермайди, аксинча, қизиқишларини оширади.

Талабаларда маънавий — ахлоқий сифатлар, хусусан, миллий ифтихор туйгусининг шаклланишига хизмат килувчи тадбирларнинг оммавий (жамоавий)ликка асосланиши якка тартибда ёки гуруҳли равишда амалга оширилишидан кўра кўпроқ таъсир кучига эга. Бинобарин, «... ўкувчиларнинг кенг миқёсда катиашишига, яъни тадбирнинг оммавий тарзда ўтказилишига эътибор берилиши унинг самарасини янада кучайтиради»[2].

Муаммога оид манбаларда талабаларнинг' маънавий — ахлоқий сифатларини тарбияловчи таъли мий тарбиявий ишларни ташкил этишда амал қилиниши зарур бўлган қоидалар тўғрисида ҳам сўз юрггтилади. Улар куйидагилардир: «Маънавий — маърг:фий ишлар юксак гоявий — сиёсий йўналишда бўлииги; ишларнинг маълум бир бўлимни, формаларини ва аниқ мазмунини, ўкувчиларнинг қизиқиш, қобилиятларини ҳисобга олган хс>лда ихтиёрий танлашни йўлга қўйиш; ишларни оммавий тусда ташкил этиш; ўкувчиларнинг мустақиллиги ва гашаббускорлиги

[1] Ўша асер, 5-бет

**[2] УшажоСпа**



хамда «Камолот» ташкилотига таяниш; ишларнинг ижтимоий — фойдали йўналишда ва ижодий характерда бўлиши; маънавий-маърифий ишлар таълим — тарбия ишларининг умуми1г вазифаларига‹ бўйсундирилиши; ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш»[1].

Миллий ифтихорни англашга йўналтирилган «... маънавий-маърифий ишларни ташки\ қилишда ўзлаштирилиши муҳим бўлган қоидалардан яна бири тарбиявий тадбирларнинг ижтимоий фойдали йўиалишда ва ижодий характерда бўлишидир. Яъни, тадбирлар улар билан қамраб олинган ўкувчи ёшларда ижодкорлик ҳисси ва куч — ғайратини ривожлантириш, ўз жамоаси, халқи учун фойдали фаолиятга интилишини кучайтиришга хизмат қилмоғи керак»[2].

Педагогик ва психологик йўналишларда яратилган манбаларда қайд этилишича, муайян мақсадга йўналтирилган педагогик фаолият музаффақияти унинг шакл, метод ва воситаларининг тўғри танланишига боғлик- Бинобарин, улар ташкил эгилаётган жараёнга субъектлар (ўқувчилар, талабалар, ота — оналар, респондентлар)ни самарали жалб этиш, уларнинг фаолликларини таъминлаш, жараённинг' кечиши ва якунлари тўғрисида маълум хулосаларга келиш, натижаларни таҳлил этиш, эришилган ютукларга баҳо бериш ёки йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш чора — тадбирларини белгилашга имкон беради.

Узбекиетон Республикаси узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар нафақат таълим мазмунини тубдан янгилаш, шунингдек, таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан янгича ёндашишни хам талаб этмоқда. Бугунги кунда олий таълим муассасаларида педагогик фаолиятни ташкил этишда қуйидаги ёндашувлар кўзга ташланмрқда:

1) анъанавий ёндашув — таълим ва тарбия жараёнларида ўқитувчиларнинг етакчи мавқени эгаллашлари, талабаларга тайёр назарий маълумотларни

[1] Ўшаасар, 10-бех
[2] Ўша асар, 6-бет

етказиб бериш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш ва баҳолашда тор доирада иш кўриш (жумладан, билим дарежаларини аниқлашнинг бир нечта саволлар асосида амалга оширилиши), стандарт талаблар мухимлигининг эътироф этилиши;

2) ноанъанавий ёндашув — таълим—тарбия жараёнининг педагог ва талабалар ҳамкорлигида ташхил этилиши, талабалар фаолиятининг ўкув ва тарбиявий ишлар жараёнида етакчи ўрин тутиши, мустақил фаолият юритишларининг таъминланиши, педагоглар фаолиятининг йўл-йўрик кўрсатиш, зарур ўринларда маслаҳатлар бериш, шунингдек, талабалар томонидан ташкил этилаётган хатти—ҳаракатларни назорат қилиш ва баҳолашдан иборат бўлиши, дарслар ҳамда тарбиявий ишларнинг талабаларни фаолликка увдовчи, мустақил ва эркин фикр юритишларига имкон берувчи шакл ва методлар ёрдамида ташкил этилиши, назорат ва баҳолаш босқичларида талабалар фаолиятининг ҳар томонлама, батафсил баҳоланишига эришиш, ушбу мақсадда турли назорат усулларидан фойдаланиш ва бошқалар.

Таълимий ва тарбиявий фаолиятга нисбатан ноанъанавий ёндашув айни вақтда «технологах ёндашув» номи билан ҳам юритилмоқда. Республика узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва. бош вазифаси мазкур тизимни технологиялаштиришдан иборатдир. «Таълим тизимини технологиялаштириш гояси ўтган асрнинг бошларида Ғарбий Европа ҳамда АҚШда таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахснинг ижтимоийлашувини таъминлаш учун муайян шарт—шароитни яратиш борасидаги ижтимоий ҳаракат юзага келг'ан даврда илк бора ўртага ташланди»[1].

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида «... миллий онг, миллий ғурур ва

[1] ТолнповЎ.,Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиет. Тошкент: Фан, 200;. "-бет.



ифтихорни шакллантириш учун узбек миллий урф—одатлари, анъаналари, қадриятлари, халқимизнинг бюй тарихий ўтмиши, маданий меросини мужассамлаштирган турли-туман сухбаглар, мусобақалар, кечалар, беллашувлар каби тадбирлар ўтказиш ҳозирги маънавий-маърифий ишларнинг таркибий қисмидир»[1] .

Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйгусини шакллантиришга йўналтирилган тарбиявий ишлар талабаларни қамраб олиш кўламига кўра қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

1. Муайян талаба билан якка тартибда ат4:алга оширилувчи та/1,бирлар.

2. Маълум гурух талабалари иштирокида ташкил этилувчи тадбирлар.

3. Бир неча гуруҳларни қамраб олган ҳолда ўтказилувчи тадбирлар.

Тажриба—синов ишларини олиб бориш жараёнида олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйгусини шакллантириш максадида мумкин қадар самарали, таъсирчан тадбирларни уюштиришга ал(5ҳида эътиборни қаратдик.

Бу борадаги педагогик фаолиятнинг қуйидаги шакллар ёрдамида амалга оширилиши тадбирларнинг самарали бўлишини тасдиқлади (11-чизмага каранг):

11 —чизма:

Талабаларда миллий ифтихор туйгусини шакллантиришга. оид тадбирларнинг шакллари

| № | Тарбиявий тадбир шакллари | Мавзуси |
|---|---|---|
| 1. | Сухбат | 1. Миллий гурур, миллий ифтихор ва миллий ўзликни англаш ва уларнинг моҳияги<br>2. Шахсда миллий ифтихор |

[1] Каримова В М. Миллий истиклол гоясини таълим жараенига жорий зтишнинг **педагогик** хамда психологик асослари. Тошкент: УАЖБНТ, 2002. - 6-бет.

| | | |
|---|---|---|
| | | ! туйғусини қандай , шакллантириш мумкин? |
| 2. | Бахе — мунозара | 1.Ёшлар миллий ифтихор туйғусйга эгамилар? 2.Замонавий узбек кишиси \ кандай бўлиши зарур? |
| 3. | Давра сухбати | 1 • Аждодлар тарихи миллий ўзликни англашга хизмат қилувчи мухим манба 2. Миллий қадриятлар ва ватанларварлик |
| 4. | Конференция | 1.Миллий ўзликни англаш — миллат тараққиётининг асоси 2,Ешларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришга ёрдам берувчи омиллар нималардан иборат? |
| 5. | Экскурсия | (.Қадимий шаҳарлар миллат турури 2.Мозийдан ҳикоя қилувчи 1 маскан (музей экскурсиялари) |
| о | Экспедиция | 1.Халқ оғзаки ижодида миллий ифтихор мавзусининг ёритилиши 2. Миллий ифтихор туйғусини ифода этувчи меъморий ёдгорликлар |
| 7. | Тадқиқот | 1.Миллий қиёфа ва унинг ўзига хос жиҳатлари 2.Талаба - ёшларнинг миллий ифтихор тушусига эгалик даражаси |
| я 1 б. | <ўрик - танловлар | 1.Менинг идеалим бўлган тарихий шахе (иншолар танлови) |



| | | |
|---|---|---|
| | | 2.Миллий ғурур ва миллий ифтихор менинг талқинимда |
| 9. | Матбуот конференцияси | 1.Миллий[1] ифтихор ва халқаро муносабатлар 2.Чет эл адабиётларида миллий ифтихор мавзуси |
| 10. | Тўгарак | Ватанпарвар |

Юқорида мавзулари кўрсатиб ўтилган тадбирларнинг ҳар бири ўзида олий таълим муассасалари талабаларининг миллий ифтихор туйғусини шакллантириш борасидаги умумий ва хусусий мақсадни акс этгира олди. Тажриба — синов ишлари жараёнида тадбирларни муайян лойиха асосида ташкил этишга алохида эътибор қаратдик. Қуйида ана шу тўғрисида сўз юритамиз.

«Миллий ьурур, миллий ифтихор ва миллий ўзликни англаш ва уларнинг моҳияти», «Шахсда миллий ифтихор туйгусини қандай шакллантириш мумкин?» мавзусидаги суҳбатлар асосан гурухларда ташкил этилди. Сухбатлар учун мавзуга дойр саволлар олдиндан тайёрланиб, иштирокчилар эътиборига ҳавола этилади. Сухбат чоғида барча иштирокчиларнинг фаол иштирок этишлари, ўз шахеий мулохазалариыи ифода этишлари учун шароит яратилади. Ана шу мақсадда интерфаол методлардан фойдаланишга аюҳида эътибор каратилди. Чунончи, «Кичик гурухларда ишлаш», «Қарорлар шажараси», «Тафаккур чўққиси», «Юмалокланган қор ўйини» ҳамда «Кластер» методлари ёрдамида талабалар миллий ифтихор туйғусининг моҳияти, зшинг шахеда намоён бўлиши ҳақидаги фикрларини тенгдошлари билан ўртоқлашадилар.

Сухбат мақсади: талабалар томонидан миллий ифтихор туйғуси моҳиятининг англаниш ҳолати, уларнинг бу тўғрисидаги шахеий мулохазаларини аниқлашдан иборат.

Суҳбат мазмунининг умумий моҳияти: миллий ифтихор туйғусига эгалик шахснинг муайян миллат вакили сифатида ўз эли, миллати тақдирига бефарқ бўлмаслик, унинг тараққиётини таъминлаш, шунингдек, уникг жахон ҳамжамиятида тутган ўрнини мустаҳкамлаш ва обрўсини ошириш йўлида хизмат қилиш шарафли бурч эканлиги тўғрисидаги тушунчаларни талабаларда ҳосил қилиш; уларда миллий ифптгхор туйгусига эга бўлишдек ички заруриятни юзага келтириш.

Сухбат жараёнида ёритилиши зарур бўлган таянч тушунчалар: миллат, муайян миллатга мансублик, миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий ўзликни англаш, миллат шаъни, кадр—қиммати ва обрўси, миллат тақдири, инсоний бурч.

Суҳбатни ташкил этиш учун зарур бўлган жиҳозлар: «Фалсафа. Қомусий луғат» асари, ёзув тахтаси, тоза ёзув қоғозлари, ручкалар, скотч, мутафаккирларнинг миллий ғурур, миллий ифтихор ва миллий ўзликни англаш ҳақидаги қарашлари ёритилган плакат.

Талабалар эътиборига ҳавола этилган саволлар:

1.Сиз миллий ғурур деганда нимани тушунасиз?

2.Сизнинг фикрингизча, миллий ифтихор нима?

3. Миллий ўзликни англаш — шахс сифатида ўз қадр-қимматини бахолашми? Бу ҳақида Сиз қандай фикрдасиз?

4. Қандай шахсда миллий ифтихор туйғуси мавжуд дейиш мумкин?

Суҳбатнинг бориши:

1 — босқич: Талабалар интерфаол методлар ёрдамида ишлаш жараёнининг умумий, шунингдек, «Кичик гурухларда ишлаш» ва «Кластер» методЛарининг моҳияти билан таништириладилар.

2 —босқич: 5 — 6 нафар талаба гурухларга бўлинади. Ҳар бир гурух дастлаб биринчи, кейин эса навбат билан иккинчи ва учинчи саволлар бўйича ўз гу]?ухларида мунозаралар ташкил этишади Гурух



аъзоларининг умумий фикрларига асосланган хо.дда ёзув қозоғига «миллий ғурур», «миллий ифтихор» ва «миллий ўзликни англаш» тушунчаларига таъриф ёзадилар. Ҳар бир гуруҳнинг лидер талабаси с;/х;5с1Т иштирокчилари олдида таърифларни ўкиб эшиттириб, ўз қарашларини ҳимоя қилади.

3 — босқич: «Кластер» методини қўллаш асос!Яда ҳар бир гурух талабалари миллий ифтихорга эга шахс фаолиятида намоён бўлувчи жиҳатларни тасвирлайдилар. Гурухларнинг мулоҳазалари суҳбат иштирокчилари эътиборига ҳавола этилади.

4 —босқич: т<алабалар мутафаккирларнинг миллий ғурур, миллий ифтихор ва миллий ўзликни англаш ҳақидаги қарашлари билан таништириладилар, шунингдек, луғатларда қайд этилаётган тушунчаларга берилган таърифлар моҳияти ўрганилади.

5 —босқич: талабаларнинг сухбат натижаси тўғрисидаги таассуротлари тингланиб, укиту'зчи томонидан сухбат угун танланган мавзу юзасидан умумий хулосалар баён этилади,

«Шахсда миллий ифтихор туйгусини қандай шакллантириш мумкин?» мавзусида олиб борилган сухбат ҳам ўзида уму?4ий мақсадни акс эттириши билан бирга хусусий мақсадни ҳам ифодалади. Яъни, сухбатнйнг мақсади: талабаларни шахсда мил^шй ифтихор туйгусини ҳосил бўлишига ёрдам берувчи омиллардан хабардор этиш ва уларнинг эътиборларини мазкур омилларга қаратишдан иборат этиб белгиланди.

Сухбат мазмунининг умумий моҳияти: шахсда миллий ифтихор туйгусини шакллантирувчи омил/лр, миллий давлат рамзлари, миллий кадриятлар, миллий— этнопсихологик хусусиятларни ёритувчи манС'^ар, миллат озодлиги ва мустақиллиги йўлида кураш олиб борган тарихий шахслар фаолияти, жаҳон илм-фани равнақига муносиб ҳисса қўшган ўзбек алломалар, илмий кашфиётлар, тарихий - меъморий ёдгорликлар ва бошкалар.

Сухбат жараёнида ёритилиши зарур бўлган таянч тушунчалар шахсда миллий ифтихор туйғусини шакллантирувчи омиллар, миллий давлат рамзлари, миллий қадриятлар, миллий — этнопсихологии хусусиятларни ёритувчи манбалар, миллий каҳрамонлар, узбек алломалари томонидан яратилган илмий кашфиётлар, тарихий —меъморий ёдгорликлар.

Сухбатни ташкил этиш учун зарур бўлган жиҳозлар: миллий давлат рамзларининг тасвирлари, миллий менталитет моҳиятини очиб берувчи манбалар (Бекмуродов М. Узбек менталитета. Гулистон ж. 2001. 3 —сон; Узбек менталитета: кеча ва бугун. Тафаккур ж. 2002, 2 —сон; Жабборов И. Узбек халк этнографияси /Масъул му^аррир К.Н.Шониёзов. —Т.: Ўқитувчи, 1994; Исмоилов Н.,Нуриев О. Миллий менталитет — халк рухияти. Гулистон ж. 2001. 6 —сон; Узбек характерининг ижтимоий — психологик хусусиятлари. Илмий — амалий конф. тезислари. —Т.: Республика таълим маркази, 1999; Қуронов М; Узбек характери ва фукаролик жамияти. Халқ сўзи г. 2003 йил, 3 январ ва бошқалар), миллий қаҳрамонларнинг номлари ва улар томонидан амалга оширилган фаолиятнинг эътиборли жиҳатлари, шунингдек, узбек алломалари томонидан яратилган илмий кашфиётлар) ҳақидаги маълумотнома, тарихий — меъморий ёдгорликлар тўғрисидаги буклетлар, ёзув тахтаси, тоза ёзув қоғозлари, ручкалар, скотч, мугафаккирларнинт миллий ғурур, миллий ифтихор ва миллий ўзликни англаш ҳақидаги қарашлари ёритилган плакат.

Талабалар эътиборига ҳавола этилган саволлар:

1. Шахсда миллий ифтихор туйғусининг шаклланишига ёрдам берувчи омиллар нималардан иборат?

2. Сизнинг фикрингизча, миллий давлат рамзлари миллий ифтихорни ҳис этишга ёр^дам берадими?

3. Миллий қадриятларнинг шахсда миллий ифтихор туйғусини шакллангиришдаги аҳамия7'ини қандай бахолайсиз? Фикринтизни далиллар билан асосланг.

4. Тарихий шахслар фаолияти шахсан Сиз учун миллий ифтихор туйғусини ҳис этишингизга ёрдам берганми?

5. Қайс:и узбек алломалари томонидан яратилган илмий кашфиётларни миллий ифтихорни англашдаги аҳамиятини юқори баҳолаган бўлар эдингиз?

6. Сизнинг фикрингизча, тарихий меъморий ёдгорликларнинг ёшлар да миллий ифтихор! туйгусиыи шакллантиришдага рюли қандай?

Суҳбатнинг бориши:

1 — босқич: Талабаларга сухбат жараёнининг умумий моҳияти хамда «Т'афаккур чўққиси» ва «Юмалоқланган қор ўйичи» каби интерфаол методлар билан ишлаш қоида/1ари ҳақида маълумотлар берилади.

2 —босқич: Талабалар олти гурухга бўлинади. Ҳар бир гуруҳга (эигт^едан савол берилади в.1 уларнинг савоблари асосида мунозаралар ташкил этилади.

3 —босқич: Та/шбалар қайтадан 5 та гурухга бўлинадилар. Ушбу жараёнда китоб, ручка, чизғич, глобус ва сумка тасвири туширилган карточкалардан фойд<1ланиш мумкин. Карточкаларнинг сони талабаларнинг умумий сонига тенг бўла,а,и. Ҳар бир гурухга куйида мавзуларда кичик журнал тайёрлаш: вазифаси топширилади:

I. «Миллий қадриятлар ва ёшлар тарбияси».

II. «Милллий давлат рамзлари ва. миллий ифтихор».

III. «Аждодлар жасорати — бизларга ўрнак».

IV. «^Лиллс^т номини улутлага.н илмий кашфиётлар».

V. «Тарихий ёдгорликлар — миллий ифтихор ифодаси».

4 — босқич: талабалар даврий нашрлар чоп этилган миллий менталитет ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги мақолаларнинг асосий ғоялари билан таништириладилар.

5 — босқич: қиска муддатли савол —жавоб асосида сухбатта якун ясалди.

Олий таълим муассасаларининг талабаларида миллий ифтихор туйгусини шакллантиришда баҳс — мунозаралардан фойдаланиш хам ижобий натижалар беради. Ушбу фикрни инобатга олган холла тажриба-синов ишлари жараёнида «Ёшлар миллий ифтихор туйгусига эгамилар? ҳамда «Замонавий узбек кишиси қандай бўлиши зарур?» мавзулардаги баҳс — мунозаралар ташкил этилди. Бахе — мунозара жараёнида ташс.ббус тўла равишда талабалар «қўлида» бўлишига эътибор қаратилди ва бу борада илгари сурилаётган ғояларга катъий амал қилинди. Жумладан, мунозара чо.ғида ўқитувчи томонидан амалга оширилувчи фаолиятнинг талабалар фаоллигини рагбатлантиришини таъминлашга оид Ж.Т.Диллоннинг қуйидаги қарашлари ўзига хос ахамият касб этди:

1. Тасдиқлаш — талабаларнинг фикрларини тасдиқлаб, уларнинг тенгдошлар томонидан англанганлик ҳолатини аниқлашга хизмат қилади. Бу ўринда «Демак, Сизнинг фикрингизча ... шундай, тўгрими?», «Бизнинг тутпунишимизча, Сиз демекчисиз» каби мурожаатлардан фойдаланилди.

2. Саволлар ёрдамида талаба фикрини қўллаб — қувватлаш. Психологларнинг таъкидлашларича, ўкувчи ва талабалар ўқитувчининг саволларига нисбатан тенгдошлари томонидан берилган саволлар юзасидан қизғин баҳс юритишар экан, шу боне мунозара жараёнида кўпроқ талабалар томонидан саволларнинг ўртага ташланиши учун шароит яратилди.

**3.** Сигналлар — мимика, пантомимика ва жестлар ёрдамида талабанинг фикрини маъқуллаш, қўллаб — қувватлаш. Маълум бўлишича, мунозаралар жараёнида ўкитувчининг изоҳли шарҳидан кўра кўпроқ унинг мимика, пантомимика ва жестлар ёрдамида талаба фикрига нисбатан муносабат билдириши таъсирчан кучга эга. Шу боис сўз юритилаётган вазиятда улар (юзада фикрни англамагандик,



мамнунлик, «фикрингизни давом эттиринг», «фикрингизни тугатдингизми?» каби ифодаларнинг акс этиши) каби ҳолатлардан ўринли фойдаланиш иштирокчилар фаоллигини кескин оширди ва мунозаранинг муваффақиятли боришини таъминла^1,и.

**4.** Сукут сақлаш — савол берилгач, талабаларга ўйлаш, фикрларини жамлаб олиш учун имконият бериш. Бу ҳолат талабаларни нотўғри мулоҳаза юрзетиш ёки фикрларини тўла асослай олмаслигининг олдини олишга хизмат қилади.

Мунозалар жараёнида талабаларни қўллаб — қувватловчи «Балли!», «Баракалла!», «Жуда соз!», «Яхши», «Шундайми?», «Нахотки, шундай!» каби таъкидлардан фойдаланиш ҳам ўзининг самарасини берди. Шунингдек, талабалар томонидан мутлақо нотўгри ва мантиқсиз фикрлар б и л д и р и ли ш г н и и г олдини олишга алоҳида эътибор берилди. Бу ух'инда «Яхши, Сиз фикрларингизни жамлаб олинг. Унга кадар тенгдошингиз Зокир ўз қарашларини баён этади» каби мурожаатлардан фойдаланилди.

Мунозараларнинг мақсади: та,\абаларни бугунги кун ёшларининг миллий ифтихор туйгусига эгаликлари ҳамда замонавий ўзбек кишининг қиёфаси қандай бўлиши лозимлиги тўғрисида мулоҳаза юршишга ундаш, ўз —ўзига баҳо бериш имкониятини яратиш

Мунозараларда ёритилиши кўзда тутилган таянч тушунчалар: ёшларнинг маънавий — ахлоқий қиёфа.си, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, ватанпарварлик, фидоийлик, миллий қахрамон, ўз-ўзини англаш, ўз — ўзига баҳо бериш.

Мунозаралар жараёнида қўлланилувчи жиҳсзлар: «Замонавий миллий қаҳрамон» портретшгинг намунавий нусхаси, иш қоғозлари, ручка, ёзув тахтаси, скотч, миллат ва юрт обрўсини юқори кўгараётган, жумладан, халқаро микёсда илм-фан, санъат ва спорт соҳаларида муваффақиятга эришаётган ёшлар тўғрисидаги маълумотнома.

Мунозара учун талабалар эътиборига қуйидаги саволлар ҳавола этилди:

1.Сиз қандай фикрдасиз, бугунги кун ёшлари миллий ифтихор туйғусига эгамилар?

2.Замонавий ёшлар миллат равнағ;и, халк бахт—саодати йўлида меҳнат қила оладилар деб ўйлайсизми?

3.Бутунги кун қаҳрамонлари бўлган тенгдошларингиз тўғрисида мисоллар келтира оласизми?

**4.** Замонавий ўзбек кишиси қандай бўлиши керак?

5.Сиз ўзингизни замонавий узбек ёшларининг типик вакили дея ҳисоблай оласизми? Фикрингизни далиллар ёрдамида асосланг.

б.Қандай фикрдасиз: замонавий миллий қаҳрамон бўла олишингиз учун Сизда нима етишмайди?

Мунозаралар қуйидаги босқичларда ташкил этилди:

1 — босқич: мунозара иштирокчиларига мунозарани ташкил этишдан кўзда тутилган мақсад ва амалга оширилувчи вазифалар тўғрисида маълумотлар берилди.

2 —босқич: умумий холла талабаларга қуйидаги савол берилди — «Сиз қандай фикрдасиз, бугунги кун ёшлари миллий ифтихор туйғусига. эгамилар?».

3 —босқич: «Аклий ҳужум» методини қўллаш асосида талабалар оммавий равишда «Замонавий ёшлар миллат равнақи, халк бахт—саодати йўлида меҳнат кила оладиларми?» деган масаланинг ечимини топишга уриндилар.

**4** —босқич: та\абаларга «Кичик гурухларда ишлаш» методи асосида талабалар гурухларга бўлиндилар. Ҳар бир гурухга бугунги кун қаҳрамонлари бўлган тенгдошларининг рўйхатини яратиш вазифаси кжлатилди. Бу ўринда уларга куйид,аги схема тавсия этилди:

| № | Фамилияси, исми | Фаолият олиб бораётган соҳаси | Эътиборга лойик ютуқлари |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |

5 —босқич: Гуруҳлар томонидан тузилган рўйхат асосида ягона рўйхат тузилди ва мунозара якунлари тўғрисида ўзаро фикр алмашинди, якун ясалди.

Давра суҳбати — «Аждодлар тарихи — миллий ўзликни англашга хизмат қилувчи муҳим ман(5а»; «Миллий қадриятлар ва ватанпарварлик».

Конференция — «Миллий ўзликни англаш — миллат тараққиётининг асоси»; «Ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакл\антиришга ёрдам берувчи омиллар».

Тажриба--синов ишларини олиб бориш жараёнида қуйидаги методлардан фойдалавгаш олий таълим муассасаларининг талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда самарали эказлиги аниқланди:

1. Сухбат методи — талабаларнинг миллий ифтихор туйғуси тўғрисида тушунчага эгаликлар]ани англаш, уларнинг ёшларда ушбу туйғуни шакллантириш борасидаги фккрларини ўрганиш ҳамда м>'аммо юзасидан эркин, мустақил фикр юритишларини таъминлашга ёрдам беради.

2. Савол—жавоб методи — Олий таълим муассасалари талабаларининг миллий ифтихор^туйғуси ҳақидаги шахсий мулоҳаза ва қарашларини аниқлашга хизмат қилади. Саволларнинг аниқ, қисқа бўлиши ва тўғри ифодаланиши талабалар учун ман'1'И]^ий фикрлашга имкон беради.

3. Маъруза методи — тажриба—синов иштирокчиларига миллий ифтихор туйғусининг моҳиятини англатиш, унинг луғавий маъносини lўғри [ушунтириш, шахсда сўз юритилаётган *ту\\т{ви* шакллантириш омиллари, шарт—шароитлар ва педагогик имкониятлари тўғрисида маълумотлар беришга йўналтирилади.

**4.** Тушунтириш методи — талабаларда миллий ифтихор тутпунчасининг назарий моҳияти ва унга эга бўлишнинг ижтимоий ахамияти, миллат равнақи, юрт озодлигини таъминлашдаги роли хаквдаГИ тунунчалар хосил килинади.,

5. Фаолиятда машклантириш (амалий машқлар) методи - интеллектуал тренинглар асосида талабаларда миллий ифтихор туйгусининг шаклланиши учун шароит юзага келади.

6. Интерфаол методлар - талабалар томонидан миллий ифтихор тушунчаси ҳамда шахсда мазкур туиғунинг шаклланиши юзасидан эркин, мустақил фикр юритиш, баҳс-мунозарани ташкил этиш кўникма ва малакасининг тарбияланиши, талабаларнинг стандарт фикр юритишдан озод этиш, шунингдек, мухокама этилаётган муаммонинг ечимига оид ранг—баранг ғояларни тўплашга имкон беради.

7. Эксперт бахолаш методи — тадбир>лар иштирокчилари (респондентлари) фаолиятининг тенгдошлар томонидан ўзаро ёки махсус белгиланган экспертлар гурухи томонидан холис, объектив, ҳар томонлама тўғри бсгхоланишини таъминлашга ёрдам беради.

8. Ҳикоя қилиш методи —миллий ифтихорнинг ижтимоий аҳами51ти, ана шундай туйгуга эга бўлган тарихий шахслар, бугунги кун қаҳрамонларининг фаолияти, ёшларда сўэ юритилаётган туйгуни тарбиялаш юзасидан жонли нут'к ёрдамида тушунтирип[ларни олиб бориш ҳисобланади. Гушунтириш талабалар томонидан муаммонинг моҳиятини тўғри англанишига имкон ярагади.

9. Муаммоли вазиягларни яратиш методи — талабаларни тадқиқот муаммоси ҳамда унинг моҳиятиии еритувчи таянч тушунчалар юзасидан ҳар томонлама жиддий фикр юритиш, муаммонинг ечимини тоиишда мавжуд интеллектуал имкониятлардан фсждалана олиш кўникмасининг шаклланишини таъминлайди.

10. Манба билан *ишлаш* методи —миллий ифтихор тушунчаси моҳиятининг талабалар томонидан тўғри ва тўлақонли англаниши, уларнинг' эътиборига ҳавола этилаётган саво;^лар), муаммоли вазиятлар бўйича кичик тадқиқотчиллк фаолиятини ташкил этиш кўникма ҳамда малакала{)иг'а эга бўлишларига ёрдам беради.

11. Кўргазмалилик методи талабалар томонидан ўзлаштирилаётган назарий маълумотларни мустаҳкамлаш, миллий ифтихор тушунчасининг моҳиятини тўлақонли англаниши, билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларигсигсг тарбияланиши учун зарур шароитни юзага келтиради.

12. Амалий тажрибалар (тадкикотчилик) методи — талабалар эътиборига ҳавола этилаётган мавзуларда мантиқий фикр юритиш, шахсий фикр—мулоҳазаларини илгари суриш, ўз қарашларини далиллаш, ҳимоя қилиш, тенгдошларини уларга ишонтириш кўникма ва малакаларининг тарбияланишш^а ёрдам бериш билан бирга улар томонидан муаммо мо:ҳиятини чуқ;ур англаниши учун зарур шарт—шароитни юзага келтиради.

Шундай қилиб, олий таълим муассасаларининг талабаларида миллий ифтихор туйгусини шакллантирингдек Мураккаб педагогик жараёнда фаолиятни ташкил этишнинг самарали шакл, метод ва воситаларини танлай билиш. улардан ўринли ва мақсадга мувофик фойдаланиш ўзининг ижобий натижаларини берди.

## Талабаларда миллий ифтихор туйгусини шакллантириш воситалари

Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйгусини шакллантириш жараёнида бир қатор таълимий ва тарбиявий воситалар^дан ўринли, максадга мувофиқ ва самарии, фойдаланишга алоҳида

эътибор берилди. Мазкур ўринда қуйидаги воситзларнинг самарадорлиги аниқланди:

**1.** Техник қурилмалар - компьютер, видео ва аудео магнитофонлар, нусха кўпайтириш қурилмаси, радио, телевизор ва бошқалар.

2. Езма манбалар — илмий, илмий—оммабоп, оммабоп ва бадиий адабиётлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, тарихий ҳужжатлар, луғатлар.

3. Моддий ашёлар - иш юритиш қуроллари (иш қоғози, ручка, ёзув тахтаси, фломастерлар, скотч).

Ёрдамчи материаллар — карточкалар, жадваллар, схемалар, тасвирлар, макетлар ва бошқалар.

Ўзбек халқи ўзига хос миллий урф-одат, • • анъаналари, жасур, каҳрамон фарзандлари, илм-фан ва санъат, давлат ва жамоа буюк намояндалари, она — Ватани билан фахрланади. Зеро, ўтмишда бу буюк аждодларимиз кўрсатган қаҳрамонлик, фидойилик, Ўзбекистон гўзаллиги бугунги ёшларимизда ифтихор туйғусининг шаклланиши ва барқарор бўлишига хизмат қилиши табиийдир. Шу сабабли ҳам ифтихор рамзи бўлган миллат, халқнинг ўзлигини англаши, ўзининг миллий кадриятлари, урф — одатларини унутмасдан, уларни тиклло, авайлаб, бойитиб ўсиб келаётган авлодга етказиш лозим.

Тарихга назар солар эканмиз, халк. бахт — саодс.ти, тинчлиги, озодлиги йўлида ўз ҳаётини бахшида этган затандошларимиз кўрсаттан қаҳрамонлик, инсонпарварликни кўрамиз, у билан фахрланамиз. Масалан, милоддан аввалги биринчи минг йил,\икда Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий худудларида яшаб чсрвачилик, деҳқончилик билан 1пу1у/лантан Сак қабиласи аъзоси подачи Широк ўз бошлиқларининг хузуригг келиб, қабилага хужум қилиб келган *Щрш* шоҳи Доро қўшинларини ҳийла билан ҳалок эта;**КС**.пши айтади ва шу ернинг ўзида қулоқ-бурнини кесиб, бошқа аъзоларинл жароҳатлайди. Эрон шоҳи олдига келиб, Сак қабилаларидан "жабр" кўрганини, шоҳ қўшинига кўмаклашиш ниятида келганлигини айтади. Доро кўшинларини сувсиз кур»^ саҳрюга бошлаб боради. Душман: "Бизни қаерга бошлаб ке^^динг, аблах!" - деганда, Широк: "Мен енгдим, Доро қўшинини бир ўзим енгдим!... Истаган томонингизга бораверинг! Менинг гўрзим шу ерда,[1]" - деб оёғи остини кўрсатади.

Эрон саркардаси: "Агар сен саҳро қудуклари ва чашмаларини бизга кўрсатсанг, гуноҳингдан кечиб, Сўғдиядаги истаган қишлоқлардан бирини сенга инъом қиламиз", деганда, Широк унга: "Мен ўз элимнинг душманларига ёрдам учун чўзадиган қўлимни 1сесиб ташлаганим маъкул",[2] - деб жавоб беради.

Ҳалокат ёқасида қолган эронийлар чидай олмай Широкий ўлдирадилар. Широк ўз жоиини қурбон қилиб, Сак қабиласини душман хужумидан халос қилади.

Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқьмида милоддан аввалги VII-IV асрларда яшаган Массагет қабилаларига бошчилик қилган. Тў&:.арис Эрон шоҳи Кайҳисравнинг кабила аҳлини ўзига қарам қилиб олиш ниятида ишлатган ҳийласнни у юборган элчилар сўзидан билиб олиб Кайҳисравни ёвуз ниятларидан қайтиб ўз юэтига кетишга даъват этади. Элчига: "Бошимиздан зар сочганларингда ҳам биз эркинликни қулликка алмаштирмаймиз", - дейди. Дастурхон атрофида ўгирганлар: "Рост гап", "Ватандош аёлларимизнинг гапи бундай бўлади"[3], - деб Тўмарис сўзини м аъкуллайдилар.

Кайҳисрав ҳийла билан Тўмариснинг ўғлини ва у бош бўлган қўшинларни ичкилик билан маст қилиб асир олиб, кўпини ўда,ирганидан хабардор бўлганда, у Кайҳисрав қўшинларига қарши урушиб жангда ғалаба қозонади, Кайхисрав ҳалок бўлади. Калласини танасидан жудо қилиб

[1] Миркарим Осим. Широк. Тарихий киссалар.- Тошкент: Ёзувчи, 1995.- 23-24-бстле.р.

[2] Ўша жойда.

Ўша асар, 8-бет

келтирганлариде, Тўмарис нафрат билан унга қараб: "Эй Кайхисрав, умр бўйи жанг қилиб одам қонига туймадинг, мана энди тўйгунингча ич!"[1] — деб уни қон тўлдирилган мешга cслиб, меш огзини чилвир билан маҳкам **боғлдб** қўяди.

